Вавилон ва Ассирия табобати мистик касаллик сабаблари билан бирга реал сабабларни хам тан олишган,халк эмпирик табобатининг даволаш воситаларидан фойдаланган. Миххатга оид ёзувларда куйдирилган гиштларда касалликларнинг симптомлари учрайди: ошкозонлаги огриклар ва юрак олдидаги огриклар, ачишиш, кайт қилиш (ут билан кайт қилиш алохида айтиб отлган), сарик касал (умумий ва махаллий), тилнинг рангини узгариши, метеоризм, ич кетиш, иштаха ёколиши, мушаклардаги огрик ва бошка. Йотал, коз ва тери жарохатлари, усмалар,фалаждаги олиб келувчи зарба толик ёзилган. Безгакдаги холатлар куп тасвирланган. Касалликларни олдиндан куришда осмондаги ёриткичлар ва махсус астрологик таквим ката ахамиятга эга бўлган (даволашни, операцияни, тугрукларни  бахтли ва бахтсиз кунлари.). Осмондаги ёриткичларни холати билан Қадимий Шарк мамлакатларини эпидемияларни ривожланиши ва таркалишидан азият чекиши боглик бўлган.

Вавилондаги табиблар ичиш учун утлардан дамламалар таёрлашган, мойлар билан ишкалаш, ташкарига кулланиладиган компресслар, укалаш, ванна ва сув куйишни тайинлашган, кон чикаришни куллшган. Даволаш учун гиёхлардан ва хайвонлар азоларидан, минераллардан таёрланадиган воситалардан фойдаланишган. Дориларни таёрлаш усуллари ишлаб чикарилган: эритиш, кайнатиш, филтрация ва бошка. Нхога ва овкатдан кейин дори кабул қилиш усуллари мавжуд бўлган. Беморнинг парвариш қилиш учун нарсалари тугрисида малумот берилган.

Вавилон ва Ассирия табибларини мехнати жуда ката пул билан бахоланган, шунинг учун хам  кам маошли камбагал одамларга мумкин булмаган. Малумотларга караганда бугимни даволаш ёки синик суякни даволаш учун табиб 5 кумуш танга олган, кузни асраб коли шва чакка томонда оперция учун эса 10 кумуш танга олган. Шу каби касалликларни ёш болада даволаш учун эса 2 кумуш танга, кулдан эса 2 кумуш танга олинган. Аммо хатоликлар учун хам табиб кимматга тушиши мумкун бўлган. Масалан беморнинг олими ёки кандайдир азосини ёколиши учун табибга кулини кесишган.

Катта шахарларни (Вавилон,Ниневия) казишмаларида ободонлаштириш колдиклари топилган: куприкларни колдиги, лойдан водопровод ва канализация. Аммо куп шахарларда ифлосликлар кучага ва ховузларга тукилган. Шунинг учун сувни дарё ва ховузлардан ичишмаган, пиво ва бошка ичимликларни ичишган. Миххатга оид ёзувларда юкумли касал билан, биринчи навбатда «мохов» билан чалинган беморларни шахардан кувиш тугрисида конун бўлган. «Мохов» касаллиги бошка касалликларга хам талукли бўлган.

**Хитойда қуллик даври** III охири ва II боши эрамизнинг аввалги юзйиллигида бошланган. Бу ерда ероглиф ёзув келиб чиккан бўлиб, юз йил ичида сакланиб колган, порох, когоз, ва компас уйлаб топилган. Қадимий Хитойда математика, астрономия, агрономия, биология ва тиббиёт ката мувафаккиятга эришган. Буларнинг барчаси материалистик фикрларни Қадимий Хитойда таркалишига сабаб бўлган.

Хитойликлар 5 офатни санашган: Олов, ер, сув, дарахт, металл. Бу офатлар хар доим харакатда ва пойгада бўлган- бир офат кейингисини пайдо булишига ва сонишига сабабчи. «Ней цзин» трактатида иккита карамақарши энергетик бошланишлари «инь» ва «янь» тунрисида малумот берилган. Инь томонига совуклик, сокинлик, Ой, аёл ва манфий бошланишлар кирган. «Янь» томонига – иссиклик, харакат, Куёш, эркак ва мусбат бошланишлар кирган. Бу барча тушунчаларни хитой файласуфлари ва табиблари коинотнинг, одамнинг тузилишини, унинг касали ва давосинин асослари деб хисоблашган. Соглик ва касаллик шу манфий ва мусбат муносабатлар билан олчалган. Касаллик хам шу шу икки гурухга: «янь» ва «инь»га булиган. Биринчи гурухдаги касалликни кучайган фаоллик билан тарифласа бўлади, иккинчи гурухдагисини организмнинг камайган фаоллигини курсатади.

Бироқ рационал ва ривожланган анатомик ва физиологик тасаввурлар хам мавжуд бўлган. Анатомия атласлари асрлар ичра куп маротаба кайта чизилган ва бизнинг вактимизгача етиб келган. Диагностикада пульсга катта ахамият

берилган. Тил ва табий тешиклар- бурун тешиги, кулоклар, огиз, ва нажас, сийдик текширилган. Сийдик мазаси, ранги, тинниклиги ва бошка хусуятлари текширилган. Сийдик текширувида намуналар ажратилган: эрталабги, кундузги, кечги ва тунги. Хитой табобатида умумий гигиеник тартибга- «зехнли муътадилликга», ишнинг, дамнинг, уйкунинг, тугри овкатланишнинг тугри тартибига катта ахамият берилган. Хитой табобатида умумий чиниктириш даволанишга: пархез, укалаш, сув муолажаларига, куёш билан нурлантиришга, жисмоний тарбияга катта ахамият берилган Даволашнинг мухим услуби карама қарши нарса билан даволаш бўлган. Хитойлик табибларда бой тажрибага эга бўлган даволаш усуллари бўлган: зхмни даволашда симобдан фойдаланиш, кичитмани даволашда олтингугутрдан фойдаланишган, моховни, чечакни даволашда касалларни изоляцияси.



Елка бўғимини чиқишини жойга солиш




Одамнинг саломатлик элементларини богликлиги

Хитой табобати гиёхлардан, хайвонлар ва минераллардан келиб чиккан доривор воситалар куллашган. Доривор гиёхлардан турли хил касалликларда (сил, камконлик, безгак в.х.к) кулланиладиган женьшень мухим орин тутган. Лимонник, камфара, ровоч, занжабил, хинд конопи, бамбук кўртаги, чой, пиёз, саримсок пиёз, елимлар, аконит в.б. кулланилган. Хайвонлар келиб

чикишидан доривор воситалардан- ёш буѓу ва олачипор кийикларнинг шохи, ёш догли кийикнинг шохи, мушк, жигар,илик кулланилган; айникса арслоннинг ички азолари ва кони кадрли бўлган. Кон тухтатувчи восита сифатида (кон кусишларда) суяк елими (желатин) кулланилган. Турли хил минeралли воситалар хам бўлган — симоб,сурма, темир, олтингугурт,магнезия кулланилган.

Хитой табобатида озига хос ва бир неча юз йиллик даволаш усули бу чжень-нзютерапия ёки игна билан даволаш ва куйдириш. Укол килилш-коннинг кон томирлардан харакатини енгиллаштириш ва айникса «хаёт учун мухим» бўлган газсимон нарсани, Туриб колишини олдини олиш ваш у билан бирга касаллик сабабини ёкотиш максади бўлган. Игналарга асаб системасини кузгатувчи, юналтирувчи, тартибга солувчи хусусиятларини ёзишган. Одам танасида 600 дан ортик «хаётий нукталар саналган, хар бири хар хил касалликда игна билан даволанади. Олдиндан Хитойда танага игна учун чизилган нукталар билан расмлар ва моделлар мавжуд. Шу билан бирга Хитойда куритилган эрман ёки махсус дагал толасидан ёндирилган чупчалар билан «хаётий нукталарни» куйдиришган. Игна ва куйдиришларга нафакат махаллий балки умумий тасири хос.

Қадимий Хитойда кукрак ва корин бушликларида операция олиб борилган, огриксизлантириш мандрагора, опий, гашиш билан килинган. Кейинчалик феодализм даврида диний такик билан боглик бўлган жаррохликнинг ривожланиши тухтаган ва жаррохлик фаолияти абсцессни очиш билан чегараланган.

Хитойда чечакни олдини олиш максадида кенг таркалган вариоляция бўлган: соғлом одамларга чечак билан касал бўлган беморнинг курутилган йирингини юборишган.

Хитойдаги касалхоналарида баъзи бир касалликларни киймдан утиши мумкунлиги хакида курсатма берилган. Улатнинг каламушлар билан ва

ривожланиши богликлиги кайд этилган ва порт шахарларида улатнинг ва бошка касалликларни таркалиши кузатилган.

Хитойда дориларни таёрлайдиган ва сотадиган мутахасислар вахтли пайдо бўлган. Хитойдаги дорихоналар махсус муассаса хисобланган.

Табиблар бошка давлатдигилар каби азалдан аристократик эмпирик-амалиётчига охшаш хунарманд бўлган, табиб олимлар хам бўлган. Куплаб машхур хитой табибларини исмлари сакланиб колинган: Эрамиздан олдинги V асрда яшаган Бянь Цао, Эрамиздан олдинги II асрда яшаган, бошликларда турли хил операция килган, чок ва огриксизлантириш усулларини куллаган жаррох Хуа То,Безгакни даволашда ва («Шаньхань-лунь») ката иши билан танилган Чжан Чжун-цзин,ва бошкалар.

Кейинрок тиббиёт фаолияти ибодатхоналар ва монастирларда жам бўлган. Кохинлар ва монастирларнинг ахамияти феодализм даврида кучайган, айникса эрамиздан олдинги IV—VI асрлар. Қадимий аристократик табобат китобларини кайта ёзишда диний насихатлар куп кушилган.

Эрамиздан олдинги IV охири – III боши юзйиллигида кулик даври ташкил топган, лекин патриархал давр хали куп вахт давом этган. Хинд ахолиси табакаларга булинган: брахманлар – кохинлар (илохий талимотни билувчи ); зодагон жангчилар ваш ох насилидан вакил - кшатрии, озод дехколар, хунврмвндлар ва савдогарлар вайшьи табакасига кирганлар, хаксиз камбагаллар эса – шудра ва парии – умуман хукуксиз, енг пас табака хисобланишган. Нафакат никох балки бошка турдаги мулокотлар баланд ва енг пас табакали инсонларнинг ўртасида катъиян манн этилган ва жазоланган. Қадимий Хиндистонниг табобатнин ўрганиш манбаси: «Ману конунлари» (эрамиздан олдинги 1000—500 йиллари) ва «Ведалар» — турмушдаги ва диний ёзма буйруклар туплами бўлган. Бизнинг эрамизга якин Хиндистонда табобат билимининг комил системаси тузулган.





Беш асосий чакрлар-энергетик нукталари

Қадимий Хиндистон табибларининг ринопластика техникаси

Қадимий Хиндистонда табобатнинг кучли тарафини гигиена элементлари ташкил топган. Гигиенага талукли куплаб саволлар Ману конунларида ёритилган: иклим ва фаслларнинг согликга таъсири, турар жойнинг озодалиги,шахсий гигена коидалари, гимнастика, озикланиш, озикланиш муътадиллиги, вахтли туриш, огиз бошлигининг гигиенаси,чумилиш,озода кийимда юриш,соч ва тирнокларни олиш тугрисидаги конунлардир. Ману конунлари туйиб кетишни махкум килган, гуштни истемолини чеклашган ва янги сабзавотли овкатни,сут ва асал тавсия қилишган. Овкат колдикларини, кир сув, сийдик, экскрементларни уйдан узокрокга ташлаш тавсия килинган. Махенджо-Дародаги (Хиндистоннинг шимолий гарби) казиш ишларида эрамиздан олдинги юзйилликда IV охирига — III бошига мансуб шахар канализацияси топилган, умумий магистраллар диаметирига 2 м бўлган кувирлар бўлган. Хар бир уйда ховуз бўлган.

«Аюрведа» - даволаш санъати- узок умир талимоти бу давлатда жуда кадрланган. «Аюрведа»нинг тузилишиэрамиздан олдинги IX—III асрларга тугри келади. Бу талимотнинг тулик чоп этилишига табиб Сушрут сабабчи. Унинг

китоби тиббиёт билимларининг катта энциклопедиси хисобланади, у ерда нафакат кохинларга оид табобат акс еттирилган балки рационал табобат хам бўлиб, халкнинг асрлар давомида егган тажрибасига таянган. Бизнинг вактга етиб келган ривойатлар Джизака, Чарка, Дханвантари (э.о IVасрдан. э.о.Vасргача.) каби машхур табибларни исмларини саклаб колган.

Соглик организмнинг 3 та бошланишиниг нормал бирикиши натижасида келиб чиккан: хаво, шиллик в аут ва 5та коинот элементлари ер, сув, олов, хаво ва эфир (нурнинг манбаси).

Касалликнинг сабаби деб нафакат шк суюкликлар ва бирламчи элементларнинг бузилиши балки иклимнинг узгариши, пархез ва шахсий гигиена коидаларини бузилиши хисобланган. Табиб беморни суров килган, корикдан утказган, ушлаб курган, тананинг ранги ва хароратига, тилнинг холатига ахамият берган, организм ишлаб чикарадиган нарсаларни хидини ва рангини текширган.

Аюрведада 150дан ортик утки рва сурункали, мия,юрак,корин,сийдик ва жинсий аъзолар, бугимлар ва тананинг бошка аъзоларининг касаллик сабаблари тасвирланган. Пархез, укалаш ва ванна тавсиялари маслахатлари билан бирга 760та доривор усимликлар тугрисида малумот берилган. Хайвон махсулодлари кулланган (сут, ёг, мия, ут). Минераллардан купрок симоб ишлатилган. Хинд табобатида дорилар таъсири буийча таксимланган. Тел хайдайдиган, кайт қилдирувчи, ич келтирувчи, сийдик хайдайдиган, наркотик ва жонлатирувчи дорилар маълум бўлган, ва улар турли холда кулланилган (кукун, юмалок дори, дамлама, маз, хидлайдиган,артадиган,куядиган холда). Долиларни тайинлашда фасл, иклим, тана тузилиши, унинг мизожи, жинси, ёши,фел атвори хисобга олинган.

Аюрведа 120тадан ортик жаррохлик асбоблари тасвирланган. Қадимий Хиндистон табиблари куплаб жаррохлик оперцияларни қилишган: Кон чикариш, ампутация, грижа кесиш, тошларни олиб ташлаш, лапаротомия, катарактани

олиб ташлаш, кулок, бурун ва лабларни дефектларини тугирлашда пластик оперциялар, Акушерлик усулларини билишган (болани оёк ёки бош томонга айлантириш, операция краниотомия ва эмбриотомия). Римлик автор К. Цельсга оид яллигланишнинг классик сабабларини ёритиш (кизариш, шишиш, харорат, огрик ва функция бузилиши) Аюрведада келтирилган. Европада кечрок феодализм даврида кенг таркалган ёглар билан сингдирилган богичлар билан жарохатларни даволаш усуллари ва жарохатларга кайнаб турган суюкликларни куйиш, шунингдек хитой табобатига оид игна билан даволаш тасвирланган.

Хиндларда жасадларни очиш таъкиб килинмаган, шунинг учун хам одам анатомияси мукаммал булмаган. Жасад етти кун ичида сув тагида мацерация килинган. Шундан сунг ивиган жойлар чутка ва пустлок билан сидирилган, ёкида чириш жараёни кузатилган. «Ведалар»да учрайдиган анатомияга оид терминлар аник билимларга эга булмаганлиги ( бош ва орка мия) хакида курсатган. Сушрута ёзишича одам организими 7 юпка пардалар, 500 мускуллар, 900 пай, 300 суяклар(тишлар ва кемирчаклар билан), 90 чандир, 107 бугим, 40 катта кон томи рва 700 уларнинг илдизлари, 24 нерв, 9 аъзолар ва 3 сюкликлардан иборат.

Аюрведада табибдан морал ва жисмоний сифатларни талаб этувчи, одоб ахлок коидалари ёзилган, табибларнинг юксак мартабага эга бўлган укитувчилар оркали тайорланишлиги тасвирланган. Ману конунларига оид нотугри даволашга табиб жаримага тортилган, унинг улчами беморнинг табакавий холатига каралган.

### 3.2. Ўзбекистонда қадимги давр тиббиёти

Ўзбекистон ҳудудида қадим замонларда яшаган халқларнинг тиббиёти ҳақида биринчи ёзма маълумотларни биз зардуштийларнинг диний муқаддас китоби “Авесто”дан топамиз. Авесто Ўрта Осиё, Эрон ва Озарбайжон ҳудудида яшаган халқларнинг диний ақидалари ҳақидаги муқаддас китобдир. Китобни эрамиздан олдинги тахминан VII асрда яшаган Зардушт ёзган, деб ҳисоблайдилар. Абу

Райхон Беруний ҳам шундай фикрда бўлган. У мазкур шахсни Зардушт ибн Сафид Туман деб атаган. Авестода Ўрта Осиё ва унга қўшни бўлган мамлакатларда яшаган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий маърифий ҳаётига оид кўп маълумотлар баён этилган. Унда тиббиётга оид ҳам мавжуд. Китоб аввало тиббиётнинг мустақил касб эканлигини эътироф этади ва табибларга беморларни даволаганлари учун ҳақ тўлаш кераклигини таъкидлайди. Бу ҳақда китобда бундай ёзилган: "Коҳинларга дуо ўқиганлари учун , табабларга касалларни даволаганлари учун, уларни чақирганларнинг даромадларига қараб ҳақ тўлаш лозим" . Бунда табибларнинг меҳнат ҳақи расмий жихатдан белгилаб қўйилган. Масалан, вилоят ҳокимини даволагани учун от араваси билан, жамоа бошлиғини даволаш учун битта буқа бериш лозимлиги кўрсатилган.

Авесто уч китобдан иборат. Биринчи китоб "Вендидат" деб аталади. У жисмоний ва руҳий покланиш ҳақидаги қонунлар мажмуасидан иборат. Иккинчи китоб "Виспред", яъни ҳамма нарсани билиш деб аталади. У одамлар ҳаёти ҳақидаги тушунчалардан иборат. Учинчи китоб "Ясна" деб аталади. Бу китобда зардуштийлар динининг ибодат қоидалари кўрсатилган. Биз учун бу китоблардан муҳими Вендидатдир. Бу китобда тиббиётга оид муҳим маълумотлар берилган. Вендидат 22 бобдан иборат. Шулардан 8 таси тиббиёт нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Унда саломатликни сақлаш учун нималар қилиш зарурлиги кўрсатилган. Биринчи галда ўлган одамнинг жасадидан эхтиёт бўлиш зарурлиги таъкидланган. Китобда ёзилишича, ўлган одамнинг жасадида тириклар учун хавфли хусусият пайдо бўлади. Шунинг учун мурдага яқинлашмаслик керак деб уқтирилади. Зардуштизм дини ер, сув ва ҳавони муқаддас деб эълони қилган. Уларни ифлос қилиш катта гуноҳ ҳисобланган. Модомики, мурда ўзида кишиларга зарар келтирувчи хусусият пайдо қилар экан, уни ерга кўмиш, сувга чўктириш, ёқиш мумкин эмас. Чунки, у мазкур табиат омилларини захарлайди. Натижада ундан кишилар зарарландилар. Шу сабабдан ўлган кишининг жасадини ахоли яшайдиган

ердан узоқ жойга олиб бориб тепаликларда очиқ қолдирганлар. У ерда мурданинг юмшоқ қисмларини ёввойи ҳайвонлар еб тугатганларидан сўнг, унинг суякларини йиғиб оссуарий ( суякдон)ларга солиб , уйга махсус қурилган токчага қўйиб сақлаганлар. Бундай оссуарийлар Ўрта Осиё ҳудудида кўп топилган.





Зардушт ибн Сафид Туман Оловга сиғинувчилар ибодатхонаси

«Вендидат»да ёзилишича, биринчи бўлиб Трита исмли зот табиблик билан шуғулланган. Зардуштнинг ёзишича, у биринчи бўлиб одамларни касаллик ва ўлимдан сақлаган. Тритага яхшилик худоси Охурамазда касалларни даволаш учун самодан 10 000 хил дори юборган. Трита хаома деб аталувчи маст қилувчи ва наркотик хусусиятга эга бўлган ичимликни кашф этган. Хаомани ҳаёт ва саломатлик манбаи деб атайдилар. Авестода Траэтон исмли табиб ҳақида ҳам маълумот келтирилган. Эронликлар уни табаблик худоси , деб атайдилар. Уларнинг ёзишича Траэтон ҳар хил иситмалар, қичималар, заҳарланишлар каби касалликларни даволовчи дори кашф этган. Трита ва Траэтон икки ном билан аталувчи бир зот бўлиши мумкин.

Авестода тиббиётнинг келиб чиқиши ҳақида яна бир ривоят бор. Унда айтилишича, одамларга табиблик санъатини Йима исмли зот ўргатган. Бу зотни Нух пайғамбарга нисбат қиладилар.

Авестода одам анатомияси ва физиологияси ҳақида ҳам баъзи маълумотлар мавжуд. Унда одам гавдаси қуйидаги 8 қисмдан иборат, деб кўрсатилган: суяклар, мускуллар, ёғлар, мия, томирлар, қон, жигар ва жигар ўти. Икки хил томир мавжудлиги кўрсатилган. Улардан бири қизи (соғлом) қон оқувчи, иккинчиси қора (носоғлом) қон оқувчи томирдир. Булардан ташқари оқ қон ташувчи ёки умуман қон ташимайдиган томир ҳам борлиги кўрсатилган. Бу ерда лимфатик йўллар ва асаб томирлари кўзда тутилган бўлса керак. Китобда қон, ўт ва зурриётнинг пайдо бўлиши ҳақида ўзига хос фикр юритилган. Унда ўт жигарда, қон юракда, зурриёт (уруғ) умуртқа устуни ковагида ишлаб чиқилади дейилган. Сезиш, ҳид билиш, етишиш, кўриш ва там билиш марказлари мияда жойлашган деб тўғри фикр юритилган. Ҳаёт иссиқлик регуляцияси билан боғлиқ. У оловли жараёндир, ўлим эса иссиқлик мувозанатининг бузилиши натижасида организмнинг ёниб тугаши дейилган. Сув ва олов инсонларнинг ҳаёт манбаи ҳисобланган. Касалликларнинг келиб чиқиш сабаби тўғрисида ҳар хил фикрлар айтилган. Аввало касаллик Ахриман деб аталувчи жоҳил илоҳият билан боғланган. Хар қандай касаллик шу Ахриманнинг руҳи киши танасига кириши билан бошланган. Касаллик киши организмига зарарли ел (шамол)нинг таъсиридан хам келиб чиқади, шамол икки хил иссиқ ва совуқ бўлади. Совуқ шамол совуқлик, иссиқ шамол иссиқлик пайдо қилади. Айниқса иссиқ шамол хавфли, чунки унда Ахриманнинг кўзга кўринмайдиган майда бўлаклари бўлади. Китобда бу хайлий фикрлардан ташқари хақиқатга яқин амалий мулохазалар хам мавжуд, масалан, касаллик пайдо қилувчи омиллар қаторига озиқ – овқат хам киритилган. Хусусан тўйиб овқат емаслик, ёки аксинча бадхўрлик, сифатсиз овқат истеъмол қилиш касаллик келтириб чиқаради, деб тўғри фикр юритилган. Одамларнинг руҳий ҳолатига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Масалан, “чуқур ўйлаш”, яъни руҳий тушкунлик касаллик келтириб чиқаради, дейилган. Ҳар хил ҳашоратлар чақиши натижасида ҳам касаллик пайдо бўлади, аммо ҳашоратларни Ахриман юборади деб янглиш фикр айтилган.

“Авесто”да ёзилишича касалликлардан қутулишда аввал яхшилик худоси Охурамаздага сажда қилмоқ керак , фақат унинг ёрдами билан касалликдан қутулиш мумкин.

Амалий жиҳатдан Авестода уч хил даволаш усули кўрсатилган. Булар - пичоқ билан даволаш яъни жарроҳлик, ўсимликлар (терапевтик) билан даволаш ва сўз (авраш ) усули билан даволаш. Ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан охирги усулни психотерапия деб аташ мумкин. «Авесто» да табиб бўлиш учун қатъий талаблар қўйилган, яъни табиб бўлиш учун ўзининг табиблик қобилиятини кўрсатиб 3 та беморни даволаши керак.

Саломатликни сақлаш ва турли касалликларга қарши муваффақиятли курашиш учун биринчи галда гигиеник қоидаларга риоя қилиш ва турар жойларни ободонлаштириш кераклиги уқтирилган. Хусусан, чириб бузилаётган нарсаларга нарсаларга яқинлаштирмаслик , турар жойларни озода сақлаш, ободончиликка ахамият бериш, экин майдонларидан тўғри фойдаланиш. Кўпроқ мевали дарахтлар экиш. Зардушт энг тадбирлардан бири сифатида аҳолини тоза сув билан таъмин этиш деб таъкидлаган. Аҳоли истеъмол қиладиган озиқ овқат махсулотлари етарли ва яхши сифатли бўлиши керак, деб кўрсатилган. Китобда тўғри овқатланиш масласига алохида ахамият берилган. Етарли даражада овқат билан таъмин этилмаган халқ камқуввт бўлади, болалари яхши ўсмайди дейилган. Авестода кимки узоқ вақт овқат емай юрса у заифлашиб, бола яратиш қобилиятини йўқотади дейилган.

Зардушт баъзи демографик масалаларга хам ахамият берган. Масалан, у ахоли сонининг кўпайиши ижобий жараён, деб хисоблаган. Ёшлар жисмоний ва ақлий жихатдан етук бўлиб ўсишлари лозим, деган. Зардуштнинг кўрсатишича қиз бола 15 ёшдан бошлаб бола туғиш қобилиятига эга бўлади. Демак, у шу ёшдан эрга тегиши мумкин. Ахоли саломатлиги учун йигит фақат соғлом қизга уйланиши керак . Эр ўз хотини

учун соғлом хаёт шароитини яратиб бериши зарур. Айниқса хотини хомиладор бўлганида унга нисбатан алохида ғамхўрлик қилиши лозим. Шундагина аёл соғлом ва етук бола туғади дейилган.

Зардушт дини ўзининг хаётга яқинлиги билан бошқа динлардан фарқ қилади. У аскетизмга берилишни қоралайди. Унда ёзилишича кишилар ўз мехнатлари билан реал дунёда ўзлари учун энг яхши яшаш шароитини яратишлари ва соғлом, узоқ умр кўришлари мумкин. Авесто бўйича Ўрта Осиё халқларининг тиббиёти ва эришган натижалари шулардан иборат.

Эрамиздан олдинги IV асрнинг охирларида Ўрта Осиёни македониялик Александр ўз қўшинлари билан забт этди. Бу ерда дастлаб Юнон Македония, сўнг Юнон Бақтрия давлатлари вужудга келди. Юнонлар Ўрта Осиёга ўз хаёт тарзлари ва маданиятларини олиб келдилар. Ўша даврда Юнонистон ўзининг юксак маданияти ва илм фани билан жахонга машҳур эди. Мамлакатда буюк файласуфлар, олимлар, донишмандар етишиб чиққан эди. Шулар қаторида машхур хакимлар хам бор эди. Шулардан энг машҳури жахон илмий тиббиётига асос солган буюк Гиппократдир.

Юнонлар Ўрта Осиёни забт этиб, ўз ҳукумронликларини ўрнатганларидан сўнг бу ерда юнон савдогарлари, сайёхлари ва турли касб эгалари кела бошладилар. Улардан кўплари Ўрта Осиё шахарларида ўрнашиб қолиб бу ерда касблари бўйича ишлай бошладилар. Улар орасида хакимлар хам оз эмас эди. Аммо, бизнинг қўлимизда ўша давр тиббиётига оид маълумотлар мавжуд эмас.

Эрамиздан олдинги II асрнинг охирида Юнон Бақтрия давлати емирилиб, ўрнида Кушон давлати вужудга келди. Тарихий маълумотларда айтилишича, Кушон давлати кўп Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо сотиқ ва иқтисодий муносабатда бўлган. Тиббиёт сохасида хам тажриба ва билим алмашиниб турилган. Ўрта Осиё табиблари ишлатадиган дори дармонлар

чет эллардан келтирилган доривор моддалар билан бойиган. Кушон давлати эрамизнинг V асрига қадар хукм сурган.

VI асрнинг ўрталарида Эфталитлар давлати вужудга келди. Эфталитлар даври бу ердаги халқлар ҳаётида иқтисодий ва маданий жиҳатдан янги юксалиш даври бўлди. Бу даврдаги энг мухим воқеа ёзувнинг ихтиро этилиши эди. Ёзувнинг кашф этилиши мамлакат маданий ва илмий ҳаётида жуда катта аҳамият кашф этди. Дастлабки китоблар пайдо бўла бошлади. Улар қаторида тибга оидлари хам бўлган, албатта. Аммо хозирча ўша даврга оид тиббий ёзувлар топилган эмас.

Ўша вақтда Ўрта Осиёда Буддизм ва бошқа динлар тарқала бошлади. Аммо, Зардуштизм хам сақланибқолган эди. Лекин, у илгариги зардуштликка нисбатан бошқачароқ маъно кашф этган эди. У бошқа динлар билан чалкашиб кетди. Унда янги тушунчалар пайдо бўлди. Хусусан, Анахита, Сиёвуш, Митра каби афсонавий шахслар номи билан боғланди. Эфталитлар давлати VI асрнинг охирларигача ҳукумронлик қилди. Бу даврга келиб Марказий Осиёда Турк хоқонлиги ташкил топди. Турк ҳукумронлари мамлакатнинг сиёсий ва маданий жихатдан юксалишига катта ахамият бердилар. Қадимги Византия, Хитой, Хиндистон каби юксалган мамлакатлар билан савдо-сотиқ ва маданий алоқалар бошланди. Масалан, ўша вақтга Шош ( Тошкент) савдогарлар шахри, деб, ном чиқарган эди.

Умумий иқтисодий ва маданий юксалиш жараёнида тиббиёт хам ривож топди. Лекин, у даврдаги тиббиёт хақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Биз ўша даврда яшаган кишиларнинг яшаш тарзи ва баъзиурф-одатларига қараб, уларнинг тиббий тушунчалари хақида фикр юритишимиз мумкин. Мамсалан, хоқон ҳузурига келган чет эл вакиллари ёниб турган икки гулхан ўртасидан ўтар эканлар. Шундан сўнг уларни хоқон қабул қилар экан. Эхтимол бу чет мамлакатдан келиб қолиши мумкин бўлган бирор бир касалликнинг олдини олиш учун қилинган тадбирдир? Ўша

даврда яшаган туркий халқлар ёш болаларни касалликдан сақлаш учун уларнинг пешанасига узоқ сақланиб қоладиган бўёқ билан хоч суратини чизиб қўяр эканлар. Булар оддий тиббий чоралар, албатта, лекин хар холда касаллик тарқалиб кетмаслиги чораларини кўриш тиббиётга ахамият берилганлигини кўрсатади.

Ўша даврларда тиббиёт махсус китобларда баён этилмаган бўлса хам халқ орасида касалларни муолажа қилувчи кишилар бўлар эдилар. Бу кишилар асосан ўзларининг эмпирик тажрибаларига асосланиб беморларни анча муваффақиятли даволардилар.

### 3.3. Қадимги ғарб мамлакатларида тиббиётнинг ривожланиши

**Қадимги Греция (Юнонистон)** Оврпа қитъасида илм-фан ва маданият энг юксак даражада ривожланган мамлакатлардан эди.

Бизнинг эрамизгача қадимги Юнонистон тиббиёти тўғрисида ривоятлар ва поэмалар, бир қанча маданий бойликлар (фрески, мозаикалар, амфоралар, хайкаллар) шаклида шаклида етиб келган. Қадимги Юнонистонда барча соҳалар бўйича, жумладан табиблик бўйича ҳам Аполлонга сиғинганлар. Қадимги Юнонистон тиббиётининг тарихини ўрганишда - биз учун энг дастлабки манба Хомернинг (Гомер) "Илиада"поэмасидир. Бу асарда юнонларнинг Троян остоналаридаги жанг тафсилотлари ёритилган. Гомер бу урушда юнонлар армияси кисмларида табиблар хам катнашганини курсатиб утади. Хомернинг ёзишича, табиблар ярадорларга ва касал бўлиб колган аскарларга тиббий ёрдам берганлар, уларнинг танасидан ўқларни чикариб олганлар, жарохатларини боғлаганлар. Муаллифнинг ёзишига караб уша вактдаги юнонларнинг тиббиёти кандай даражада ривожланганлигини билиб олиш мумкин.

Троян уруши эрамиздан олдинги XII асрда (1193—1184 йиллар ) бўлиб утган эди, деб ёзилган. Демак, юнонларда эрамиздан олдинги XII асрдаёк харбий тиббиёт мавжуд бўлган.

Хомернинг «Илиада» асари билан бир мухим ривоят боглик. Бу поэмада баён этилишича, Троян угушида, кейинрок тиббиёт худоси деб ном олган табиб -Асклепий катнашган. Унинг Махаон ва Подалирий номли икки ўғли ва Хигиея хам Панакея исмли икки кизи бўлган. Булар хам табиб

бўлганлар ва юнон аскарларини даволашда катнашганлар. Махаон жаррохлик килган. Подалирий эса терапевт (ички касалликларни даволовчи) бўлган.

Юнон тасвирий санъатида Асклепий илон уралиб олган таёкда (хассага) суяниб турган бакувват чол киши сифатида тасвир этилган. Унинг кизи Хигиея эса қулида илон уралиб олган кадах ушлаб турган гузал бир киз сифатида тасвирланади (7-расм). Илон уралиб олган кадах тиббиёт рамзи сифатида кабул килинган. Бунинг маъноси шуки, табиб илон каби доно ва аклли булиши керак (қадимги замон одамлари илонни жуда доно ва аклли хайвон деб билганлар).

Хигиея хар кандай касалликдан сакланиш йулларини билган, уни саломатлик худоси деб атаганлар. Шунинг учун касалликларнинг олдини олувчи усулларни урганувчи фанни хигиена (гигиена) деб атаганлар.

Панакея эса хар кандай касалликка хам даво бўладиган дори тайёрлаш усулни билган. Бу дорини панацея деб атаганлар. Хакикатда бундай дори булиши мумкин эмас. Пагацея сузи хозир рамзий маънода ишлатилади. Махаон хакида маълумот йук. Подалирийга келсак, ривоятларда ёзилишича, унинг барча келгуси авлодлари хам табиблик иши билан шугулланганлар.



Худо Асклепий ҳайкали



Колоннада "Асклепиона" – табиблик ибодатхонаси

Асклепий билан боглик бўлган ривоятда  яна  бир жихат бор. Ривоятда  айтилишича, Асклепий онасидан узи туғилмаган. Уни отаси Аполлон (куёш худоси), онаси Крониданинг корнини ёриб  (кесарча кесиш усули билан) чикариб олган. Бу ривоят шуни курсатадики, қадимги  юнон тиббиётида  эрамиздан олдинги X11 асрдаёк кесарча кесиш усули маълум бўлган. . Демак, уша вактда   жаррохлик ва аёлларни даволаш анча ривожланган. Қадимги Юнонистонда  табиблар  жуда  юксак даражада бахоланганлар. Масалан, Хомер шундай ёзади: «Битта тажрибали табиб унта бошка  касбдаги одамдан афзалдир».

Антик давр юнон тиббиётини ўрганишда  асосий манбаъ «Хиппократ туплами», деб аталувчи китобдир. Бу китоб эрамиздан олдинги V—IV асрда ёзилган. Китоб машхур Юнон табиби Хипократ (Гиппократ) номи билан боглик, чунки китобни Хиппократ бошлаб берган, унинг шогирдлари эса давом эттирганлар. Китобда  суз асосан амалий тиббиёт хакида  боради.

Юнонистонда  тиббиёт икки йуналишда ривожланган. Биринчиси — амалий тиббий касбнинг шакилланиши ва унинг ривожланиши, иккинчиси - ибодатхона тиббиётининг пайдо булиши. Юнонистон тиббиёти тарихида ибодатхона тиббиёти унчалик роль ўйнамаган.



Асклепион реконструкцияси



Грек аёл-врачи мижоздан қон чиқариш муолажасини ўтказмокда

Амалий тиббиёт эса яхши ривожланган ва у мухим муваффакиятларга эришган. Бунда қадимги буюк юнон файласуфлари (Демокрит, Анаксимен) нинг илгор таълимотлари мухим роль уйнаган. Бу ерда  Демокритнинг атомистик назариясини алохида  курсатиб утиш зарур. Бу назария инсон

организмининг табиатини (тузилиши ва хусусиятлари), тушунишда катта ёрдам берган.

Амалий тиббиётнинг ривожланиш йули куйидагича бўлган: бойрок табиблар у уйларида касалларни ёткизиб даволаш учун аввал кичик, кейинрок эса каттарок касалхоналар ташкил этганлар. Улар «ятрейя» деб аталган. Яхши тажрибага эга бўлган табиблар касалхона хузурида тиббий мактаб хам очганлар. Бундай мактабда дарс берувчилар «ятролипт», яъни тиббиёт муаллими деб аталардилар. Укиш муддати тугагандан сунг талабалар имтихон топширганлар ва софдиллик билан хизмат қилишга касамёд килганлар.

Қадимги Юнонистон шаҳарларида одамларнинг соглигини сақлаш тадбирларини амалга ошириш ва уни текшириб туриш учун махсус табиблар тайинланган. Бу билан соғлиқни сақлаш ишларига биринчи қадам қўйилган.

Табиблар, узаро бирлаша бошлайдилар, улар айрим шахар ва улкалар (ороллар )да тиббиёт мактаблари (уюшмалари), ташкил этадилар. Шулардан бизга Кротон, Книдос, Кос мактаблари маълум

**Кротон мактаби**. Кротон тиббиёт мактаби Италияда ташкил этилган эди. Уша вактда Кротон Юнонистон колонияси бўлган. Кротон мактабининг олимлари инсон организмининг табиати масаласини аник ишлаб чикканлар. Бу масалада Кротон мактаби вакиллари файласуф Анаксименнинг хамма нарсанинг асосини хаво ташкил этади, деган фикрига асосланардилар. Бу таълимни тиббиёт сохасига. Алкмеон (эрамиздан олдинги VI асрда яшаган) олиб кириб, тиббиётда пневматик назарияни жорий этди. Алкмеон узининг фикрларини «Табиат хакида» деган китобида баён этди. Бу ерда суз одам табиати, унинг организми хакида боради. Алкмеон фикрича, одам организми ва ундаги барча аъзолар шу пневмадане келиб чикади. Бу пневма узидан хар хил карама-қаршиликлар чикариш хусусиятига эга. Масалан: намлик-куруклик, иссиклик-совуклик, аччиклик-чучуклик, каттиклик-юмшоклик ва х. қ.

Алкмеон таъкидлашича, шу карама-қаршиликлар узаро мувозанатда булса, киши соғлом бўлади, агар мувозанат бузилиб улардан бири устун келиб колса, касаллик пайдо бўлади. Шундан келиб чикиб, Алкмеон карама-қаршиликни карама-қаршилик билан даволаш керақ деган назарияни илгари сурган.

Карама-қаршилик мувозанатда булса «изономия», улардан бири устун келса «монархия» деб атаганлар. «Монархия» касалликка олиб келади, деб уйлаганлар.

Алкмеон практик табиб сифатида куп тажрибага эга эди. У яхши анатом хам бўлган. Алкмеон биринчи бўлиб, куриш нервини кашф этди, Евстахий найини топди. Бош мияни текшириб, унда фикрлаш ва идрок этиш хусусияти борлигини аниклади.

**Книдос мактаби.** Книдос тиббиёт мактаби шу номли шахарда ташкил топди. Бу мактабга Эврифон асос солган. Бу мактабдан бизгача «Ички касалликлар» номли китоб етиб келган. Книдос мактабининг вакиллари касалликлар белгиларини синчиклаб ўрганишга алохида эътибор беришган, улар тиббиёт амалиётига, янги дорилардан охак оқ тупрок, саримсок пиёз, кабиларни киритдилар. Киидос мактаби амалий тиббиёт сохасида айникса муваффакият козонди. Одам организми табиати масаласида булар хам кротонликлар сингари пневматик назарияга асосланардилар. Одам организмидаги карама-қаршиликлар масаласида булар факат икки карама-қаршиликни — «иссиклик» ва «совуклик»ни тан олганлар. Бу карама-қаршиликларнинг мувозанатдаги холатини «кразия» деб, мувозанатнинг бузилиишни «дискразия» деб атаганлар. Шу тушунчага асосан булар хам карама-қаршиликни карама-қаршилик билан даволашни тавсия этганлар.

Книдос мактаби вакилларининг энг мухим ютуги шундан иборатки, улар касалликлар патогенезини (ривожланиш йулларини) ишлаб чикканлар. Бу тушунчага биноан, киши организмидаги суюкликлар одам соглиги ва касаллигини белгилайди. Шундай килиб патогенез назарияси ишлаб чилилди.

**Кос мактаби**. Кос тиббиёт мактаби Қадимги Юнонистонинг Кос оролида вужудга келди биринчи маълумотлар эрамиздан олдинги 584 йилга тўғри келади. Кос мактабининг энг йирик намояндаси машхур Хиппократ (Гиппократ) дир. Бу олим эрамиздан олдинги V—IV асрда яшаган.

Кос тиббиёт мактабининг асосий характерли томони шундан иборатки, бу мактаб амалий тиббиётни юксак даражага кутарди. Хусусан, жаррохлик сохасида катта ютукларга эришган. Бу мактаб клиник тиббиётга асос солган. Гиппократ ва Кос мактабининг бошқа намояндалари жаррохлик техникасини мукаммал ишлаб чикканлар. Чиққан ёки синган қўл ва оёкни даволаш, уларни уз табиий холига келтиришга алохида ахамият берганлар.

Китобнинг «Суяк синиқлари» бобида суякларни тортиб, ўз жойига келтирувчи махсус мосламалар хакида маълумот берилган.

Кос мактабининг энг яшнаган даври эрамиздан олдинги У ва 1У асрларга тўгри келади. Бу давр жахоннинг энг йирик табиби ва олими Гиппократнинг хаёти ва ижоди давридир.

Жахон тиббиёти тарихида Хиппократ (Гиппократ) алохида урин эгаллайди.

Гиппократ эрамиздан олдинги 460 йилда Қадимги Юнонистоннинг Кос оролида тугилди. Унинг хамма утмиш авлодлари табиблик касби билан шугулланганлар. Отаси Хераклид (Гераклид) табиблар авлодидан эди. Ривоятларга кура, Хераклиднинг утмиш авдоди қадимги афсонавий табиб Подалирийга бориб такалади, у эса уз навбатида илохийлаштирилган табиб Асклепийнинг угли хисобланади. Гиппократнинг бобоси хам Гиппократ деб аталган. Умуман бу авлодда учта Гиппократ бўлган. Биз суз юритаетган Гиппократ учинчисидир. Гиппократ она томонадан хам табиблар оиласига мансуб. Онасининг утмиш авлодлари хам табиблар бўлганлар.

Шундай килиб, Гиппократ табиблар оиласида дунёга келди ва шу ойлада тарбия топди. У табиблик санъатини дастлаб уз отасидан урганди. Аммо Хиппократ уз билими ва тажрибаси билан узининг илгариги барча авлодларидан утиб кетди, у жуда эрта шухрат козонди.

Гиппократ 17—18 ёшида Афина шахрига кучиб келди. Бу вактда Афина Юнонистоннинг фан ва маданияти юксак даражада ривож топган шахри эди. Бу шахарда уша вактда жахонда машхур бўлган олимлар, файласуфлар, архитекторлар, шоирлар, драматурглар, сартарошлар ва табиблар яшар эдилар. Хиппократ улар билан мулокотда булди, уз билим ва тажрибаларини ошириб борди, утмиш даврдаги хакимларнинг асарларини кунт билан ўрганиб, уз билимини чукурлаштирди.

Гиппократ сайёх табиб эди, яъни у куп саёхат килар, куп мамлакатларда булар, уша ерлардаги одамларнинг турмуш тарзи ва урф-одтлари билан танишарди. Бундан ташкари, мамлакатнинг, табиий шароити, иклими, суви, хаво ва бошка табиий шароитларини ўрганиб кайтарди. У ерларда учрайдиган касалликларни текширади.

Хусусан,у Мисрда, кичик Осиёда, Ливия ва қадимги скифлар мамлакатида бўлган. Хдппократ турли географик зоналарда турлича одамлар яшашганлигини курди. Улар уз тана тузилишлари, характерлари ва

мизожлари билан фарк қилишларини аниклади. Бу турли-туманликда конуният борлигини топди. Бу конуният инсон организми конституция, яъни организмнинг табиатида уз ифодасини топди. Гиппократнинг таъкидлашича, инсон умумий табиат оламининг бир кисмидир. Инсон ,унинг ташки тузилиши ва ички рухиятини шу табиат шакллантиради.

Бу хакда Гиппократ шундай деб ёзган эди: «Одам организмининг табиатини ташки мухит белгилайди. Жамият эса уз конун-коидалари билан одам табиатини узгартириши мумкин. Бундан куринадики, Хиппократ одам, организмига социал мухит хам таъсир этишини хам билган.

Гиппократ тиббиётда материалистик гояларни катъиян ёклаб чикди. У тиббиёт сохасида хукм суриб келаётган мавхум идеалистик фикрларни рад этди. Тиббиётни ибодатхона таъсиридан озод қилди. Натурфилософик фикрларга қарши касалликни аниклашда бемор уз ётогида текшириш усулини жорий этди.



Гиппократ одам организмининг тузилиши ва инсоннинг табиати хакидаги масалани уша замон фани нуктаи назаридан тугри ифодалаб берди.

Хиппократ уз шогирдлари билан катта тиббий асар ёзиб колдирган. У «Гиппократ туплами» («Corpus Hippocraticum) деб аталади. «Гиппократ туплами» 72 та катта-кичик китобча ва маколалардан иборат. Шулардан 12 таси Гиппократнинг уз каламига мансуб, колганларини унинг шогирдлари (угил-кизлари, куёви ва бошкалар) ёзганлар. Гиппократнинг узи томонидан куйидаги асарлар ёзилган: «Хаволар, сувлар ва жойлар»,«Тиббий кассам», «Эпидемиялар», «Прогностика», «Уткир касалликларда пархез», «Чиккан бугимларни солиш», «Чиккан-синганлар», «Бошнинг жарохатлари»,

«Ричаг» («Мослама»), «Конун», «Афоризмлар» (Хикматли сузлар), «Қадимги тиббиёт хакида». Баъзи тарихчилар охирги икки китоб Гиппократдан олдин утган бошка табиб томонидан ёзилган ва «Гиппократ туплами»га киритилган деган фикрда бўлганлар.

«Гиппократ туплами» тиббий касамёд билан бошланади. Уни кўпинча «Гиппократ касамёди» деб атайдилар. «Қасамёд»да бундай дейилган:

«*Табиб Аполлон, Асклепий, Хигиея ва Панакея хамма барча худолар номи билан ва уларни гувохликка олиб, куйидагиларни кучим ва идроким борича халол бажаришга касамёд этаманва ёзма равишда ваъда бераман: Мени табиблик санъатига ургатган кимсани уз ота-онам билан баробар кураман, у билан бойлигимни булишаман, агар у мухтож бўлиб колса, ёрдам бераман, унинг авлодини уз ака-укаларимдек кураман ва бу санъатни ўрганишни истасалар, пул олмай ва хеч кандай шартсиз ургатаман. Уз угилларимни, устозимнинг угилларини ва талабаларимни кулланма, огзаки дарс ва бошка усулларда укитаман. Мен хар кандай зарар келтириш ва адолатсизликдан сакланган холда уз кучим ва идроким даражасида беморнинг хаёт тарзини унинг фойдасига йунал-тираман. Мен хеч качон мендан илтимос килган кимсага улдирадиган дори бермайман ва бундай йулни курсатмайман, шунингдек, хеч кандай аёлга бола туширувчи дори бермайман. Уз хаётим ва санъатимни пок ва нуксонсиз утказаман. Мен кандай уйга кирмайин, у ерга хеч кандай гаразсиз ва ёмон ниятсиз факат бемор манфаатини кузлаб кадам куяман, айникса, аёллар ва эркаклар, озод кишилар ва дуллар ўртасидаги ишкий ишлардан узок булишга интиламан. Даволаш жараёнида ёки усиз кишиларнинг хаётида ошкор килиниши мумкин булмаган ва сир сакланган нимаики курган ёки эшитган булсам, бу хакда деч кимга хеч нарса айтмайман. Менга, шу касамёдни сузсиз бажарувчи сифатида хаёт ва санъатда абадий бахт ва кудрат ато этсин. Бу қасамёдни бузувчилар ва ёлгон касамёд берувчилар учун бунинг акси булсин!*».

Гиппократ шундай деган: «фалсафий фикрлаш қобилиятига эга врач, худога қиёс». У яна врач нафақат табиблик санъатига эга бўлиши керак, балки вра-файласуф ва врач – фуқаро хам бўлиши керак деб таъкидлаган.

Гоппократ умрининг охирида Ларисса шахрида яшаган ва 80 ёшида шу ерда вафот этган.

Қадимги Юнонистон тарихининг якуний даврлари эллинизм даври деб аталади (эрамизгача асрлар IV-I .). Александр Македонскийнинг (эрамизгача аср IV.) ғалабаларидан кейин Юнонистон довруғи Миср, Кичик ва Ўрта Осиёга тарқалди. Александрия йирик эллинистик марказ бўлган. . Птолемей - Александрия ҳукумдори, турли сохадаги билимларнинг ривожланишига эътибор берган, шулар қаторида тиббиётга хам., айниқса анатомия ва жаррохликка Алесандрия

мактабининг асосий заиф ва салбий томони лсафий қарашларда идеалистик йўналишлар бўлиши бўлган.

Александриянинг таниқли шифокорларидан бири Герофил бўлган. Бу олим эрамиздан олдинги 300 йилда туғилган. Герофил хам ўз табиблик фаолиятини анатомияни ўрганишдан бошлаган. У бош мия , жигар, юрак ни синчиклаб ўрганишдан бошлаган. Мия чуқурчаларини текшириб тўртинчи қоринча бошқа қоринчалардан каттароқ эканлигини аниқлаган. Юрак ишини текшириб унинг харакатига уч давр – ситола, диастола, пауза борлигини кузатган. Артерия қон томирларини текшириб, унинг уришини юрак ишига монанд эканлигини аниқлаган. Ўн икки бармоқ энига тенг келадиган ичак ни биринчи марта кўздан кечирган. Шундай қилиб Герофил одам анатомиясини чуқур ўрганиб, бир қанча мухим кашфиётлар қилган.

Касалликларнинг сабаблари тўғрисида Герофил унчалик тўғри фикрда бўлмаган. У касаллик илохий кучларга боғлиқ деган фикрни хам эътироф этарди. Лекин, айрим касаллилкрани даволашда хар хил афсунлар ўқиш билан бирга дори – дармонларни хам ишлатарди.

Герофилнинг фикрича, хар бир касалликлнинг ўзига хос дориси бўлади, табибнинг вазифаси шу дорини опиб, уни ишлата билиш деб уқтирган. У амалий тиббиётда кўп моддалардан иборат бўлган рецептларни ишлатган.

Анатомия ва физиологиянинг ривожланиши александриялик яна бир олим номи билан боғлиқ. Эразистрат ўзи кичик осиёлик бўлган. У эрамиздан олдинги учинчи асрда яшаган. Туғилган йили маълум эмас, вафот этган йили 280 йил. Эразистрат тиббиёт илмини ўша замон даражасида пухта билган ва касаллилкрани муваффақиятли даволаган. Маълумотларга қараганда Эразистрат тиббиёт илмини дастлаб одам анатомиясини ўрганишдан бошлаган ва бу сохада мухим кашфиётлар қилган. Масалан, у биринчилардан бўлиб бош мия юмшоқ ва қаттиқ пардалар билан қоплаганлиги, мия эгри-бугри майда чуқурчалардан иборат эканлигини,мия ичида суюқлик сақловчи қоринчалар мавжудлигини

билган. Эразистратнинг мухим кашфиётларидан яна бири шу эдики, у бириняилардан бўлибмияда харакатлантирувчи ва сезувчи асаб томирлари болигини аниқлаб берган эди. Бу билан у аъзоларнинг харакатини бош мия бошқаришини исботлаб берди. Бу ўша замон тиббиёти учун катта кашфиёт эди. Эразистрат юрак ва қон томирларни хам анатомик ва физиологик жихатдан текширди. Уларнинг харакатини ўз кўзи билан кўрди. Юрак ва юрак даҳлизи борлигини аниқлади. Қорин бўшлиғидаги аъзоларни текшириб, ичак перисталтикасини кўздан кечирди. Перисталтика туфайли овқат ичакларда механик жихатдан ишланиши хақида фикр юритди. Бу фикр сўнгги текширишларда исбот қилинди.

Қадимги Рим тиббиётининг тарихини ўрганишда машхур тиббиёт олими Клавдий Гален ва уша замонда яшаган бошка буюк хакимларнинг асарлари биз учун асосий манбаъ бўлиб хизмат килади. Бу асарларда уша замон Гарбий Оврупо тиббиёти ва унинг эришган ютуқлари хакида маълумот берилган.

Римнинг марказлашган кучли давлати шароитида, тиббйётнинг янада тез суръатлар билан ривожланиши учун қулай шароит вужудга келди. Аввало, армия ва флот табиблари вазифалари таъсис этилди. Куп минглик армияни жанговар холатда сақлаш учун уларнинг соглигини сақлаш чораларини куриш зарур эди. Шу тарика госпиталларда ва харбий лагерларда ишловчилар харбий табиблар купайди.

Шуники кизикки, дастлаб римликлар, айникса, юкори табақага мансуб кишилар (патрицийлар ) даволаш ишлари билан шугулланмаганлар. Улар бу ишни узларига нолойик, иш деб билар эдилар. Даво ишлари билан купроқ қуллар ёки бошқа мамлакатлардан (масалан Юнонистондан) келган хакимлар шугулланар эдилар. Шу сабабли Қадимги Римнинг машхур табиблари асосан юнонлар бўлган. Масалан, Асклепиад, Гален каби машхур Рим хакимлари асли келиб чикишлари жихатидан юнон эдилар.

АСКЛЕПИАД

Асклепиад (эрамиздан олдинги 131—5йй.) асли узи юнонлик бўлган. У Афина ва Исканларияда таълим олган ва машхур хаким бўлиб етишган. У эрамиздан олдинги 95йилда Рим шахрига кучиб келиб, умрининг охиригача шу ерда яшади.

Асклепиад хам Гиппократ каби одам табиати масаласида атомистик назарияга асосланади. У атомларни заррачалар деб атайди. Олимнинг фикрича, шу кузга куринмас майда заррачалар организмда мавжуд бўлган жуда нозик найчалар орқали доимо харакатда бўладилар. Бирор сабаб билан шу заррачалар йулида тусиқлик пайдо булса, шу жой узгариб, касаллик пайдо бўлади.

Даволаш масаласида Асклепиад куйидаги принципга амал қилишни тавсия этади: Беморни ишонарли, тез ва азоб бермайдиган усуллар билан даволаш керақ. У беморга азоб берадиган жаррохлик усулларини жуда кам ишлатган. Аммо узи яхши жаррох эди. У биринчилардан бўлиб, трахеотомия усулини ишлаб чиққан. Беморни даволашда табиий омиллардан, масалан, тоза хаво, массаж каби усулларни тавсия этган. Жисмонй чиникишдан хам кенг фойдаланган.

**Корнелий Цельс**нинг асосий хизмати шундан иборатки, у узидан илгари утган барча машхур табибларнинг асарларини туплаб, бир тартибга келтирди, уни уз тажрибалари билан бойитди ва алохида китоб қилиб чикарди. Корнелий Цельс 70 томлик «Артес» («Санъат»)номли асар ёзган. Шу асарнинг 8 томи (VI—XШ томлар) тиббиётга багишланган бўлиб, у «Тиббиёт хакида» деб аталади.

Бу китобда тиббиётнинг асосий принциплари ва амалий вазифалари баён этилган бўлиб, унда айникса, жаррохлик касалликлари ва уларни даволаш усуллари аник ёритилган.

Цельс узининг бу асарини «Санъат» деб аталган китобига киритгани хам бежиз эмас. Утмишдаги олимлар тиббиётни санъат деб билганлар. Улуг Хиппократ «Тиббиёт энг буюк санъатдир», деган эди. Хакикатан хам кишиларнинг хасталигини аниклай олиш ва уни даволаб, согайтириб юбориш катта санъатдир. Хар бир санъатда бўлганиқек, тиббиётда хам маълум истеъдот ва кобилият талаб этилади. Кулида табиблик дипломи бўлган хар бир киши хам мохир мутахассис булавермайди. Табибликка билимаонликдан ташқари мохирлик ва қобилият хам талаб этилади. Демак, тиббиётнинг санъатдир, деб аталгани тугри бўлган.

Қадимги Римда табиблар етиштириб чикариладиган махсус тиббий билим юртлари бўлган. Уларда тиббиёт билимларидан ташкари, грамматика, тарих, адабиёт, риторика (нотиклик санъати), риёзиёт, фалакиёт ва фалсафа фанларидан дарслар ўқитилган.



Қадимги Рим табибларидан энг машхури Галендир.

## КЛАВДИЙ ГАЛЕН

Антик дунёнинг машхур табибларидан бири — Клавдий Гален эди. У жахон тиббиёти тарихида Хиппократдан сунг энг йирик олим ва табиб сифатида шухрат козонди. У уз замонасида буюк назариётчи олим, анатом, экспериментатор, табиб сифатида маълум эди. Гален, жахон тиббиёти тарихида катта из колдирган.

Клавдий Гален 131 йилда Пергам шахрида дунёга келди. Унинг отаси Никон машхур архитектор бўлган.У анча бадавлат одам бўлганлиги учун уз угли Клавдийга яхши тарбия ва билим бера олди.

Клавдий Гален ёшлигиданоқ атроф табиатга кизика бошлади. Тибий билимлар ва тиббиётни кизикиб урганди. Клавдийнинг зехни ва идроки шу кадар зур эдики , у 14 ёшидаёқ фалсафий асарларни, хусусан, Аристотель ва Платон асарларини бемалол мутолаа кила бошлади. У 17 ёшга етганда Асклепийон деб аталувчи касалхона ва тиббий мактабга катнаб тиббиётни ўрганишга киришди. Смири, Коринф ва Искандаия шахарларида яшаб, бу шалардаги олимлардан анатомия, физиология ва амалий, тиббиётдан билим олди. Искандарияда Гален 9 йил яшаб, тиббиётнинг хамма назарий ва амалий сохаларини узлаштириб олди ва юксак билимли тиббиёт олими даражасига етди. Сунг уз тугилган шахри Пергамга кайтиб келди. Бу ерда 4 йил давомида, гладиаторлар мактабида табиблик қилди. Бу хам Гален учун катта тажриба мактаби булди.

Гален чукур билим ва яхши амалий тажрибага эга бўлганлиги учун касаллар ва жарохатланган гладиаторларни мувоффакият билан даволарди. Бунинг натижасида у катта шухрат козонди. 164 йилда Гален Римга, император Марк Аврелий саройига таклиф этдилар ва уни императорнинг сарой табиби вазифасига тайинладилар. Марк Аврелий улгандан сунг Гален унинг угли Коммоднинг шахсий табиби бўлиб колди. Сарой табиби вазифасини уташ анча вақтни олар эди. Лекин Гален император, унинг оиласи ва сарой амалдорларини касалликлардан даволабгина қолмай, буш вактларида китоб укиш, турли тажрибалар утказиш билан шугуланарди. Хусусан, у анатомик ва физиологик текширишлар олиб борарди. Анатомия сохасида Гален бир канча кашфиётлар қилди. Масалан, у бушлиқ-органлар ининг (меъда, бачадон, томирлар) девори бир кавват эмас, балки бир неча каватдан иборат эканлигини аниклади. Гален юрак ва томирлар ишини чуқур урганди. Гален анатомия ва физиология фанини анча,бойитди. Масалан, нафас олиш жараенини текшириб, унда кукрак мушаклари ва диафрагманинг иштирок этишини исботқилди. Уларк укракни қенгайтириб нафас олишга ёрдам беришни курсатиб берди. Галеннинг энг катта

хизматларидан бири шуки, у биринчи бўлиб, тиббиётда тажриба усулини жорий қилди. У тажриба йули билан одам миясининг асосий функцияларини аниклаб берди. Тиббиётда одам мияси организмдаги бошка безлар каби катта бездир, деган фикр хукм сурар эди. Гален бу фикрнииг нотугри эканлигини исбот этди.

Мия — харакат, фикрлаш, сезги ва рухий фаолият маркази эканлигини исботлаб берди. Машхур файласуф Аристотель эса кишиларнинг сезиш ва фикрлаш маркази юракдир, деган фикрда эди. Гален миядан чикадиган 7 жуфт нерв томирларини ва адашган нервни топди. Хайвонларнинг орка миясининг хар еридан кесиб қуйиб, харакат қилиш ва сезиш функциясининг йуколишини текширди ва мия хакиқатдан харакат қилиш ва сезиш маркази эканини исботлаб берди. Гален узининг тажриба усуллари билан танада коннинг томирлардаги харакатини курсатиб берди. Аммо бунда бир хатога йул куйди. У қон айланиш системасининг маркази жигардир, деб уйлаган эди. Унинг фикрича, кабул килинган овқат жигарда конга айланиб, томирларга тушади ва томир оркали аъзоларга бориб, шимилик, йук бўлиб кетади. Гален юракнинг унг коринчаси билан чап коринчаси ўртасида очиқ йул бўлади, бу оркали кон унг коринчадан чап коринчага утади, деб уйлаган эди.

Гален касалликларнинг келиб чиқиши масаласида уша даврдаги тушунчага биноан хуморал назарияга асосланган. У одам танасидаги турли суюклик соғлиқни хам, касалликни хам белгилайди , деб тушунар эди. Галеннинг фикрича, хар кандай касаллик 4 даврни кечиради: касаллик бошланиши, равожланиб бориши, тулиқ ривожланган даври ва камайиш даври. Бу тушунча баъзи юқумли касалликларга нисбатан тугри булсахам, уни хамма касалликка ёйиш тугри эмас.

Гален Гиппократнинг одам организми конституцияси (мизожи) хакидаги таълимотини қуллаб-қувватлади.Гален бу холат организмнинг узига хос хусусияти хамда танадаги суюкликларнинг кайси бири устунлигига боглиқ, деган фикрда эди. Касалликларни даволаш масаласида Гален бир канча янги усул ва тадбирлар ишлаб чикди. Хусусан, у дори-дармондан фойдаланишнинг оргинал усулини куллади. Гален дори тайёрлашда хар хил доривор усимликлардан уларнинг шифобахш кисмини ажратиб олиб, улардан эритма, кайнатма, хаб, толкон (порошок) каби дори тайёрлаш усулларини уйлаб топди. Бундай дорилар Гален препаратлари деб аталади.

Гиппократ уз вактида табиатда тайёр дорилар мавжуддир, деб ёзган эди. Гален бу фикрга кушилмайди. Унинг фикрича, табиатдаги доривор усимликларда ортикча кераксиз моддалар хам бўлади. Гален доришуноснинг вазифаси айнан дорини бу ортикча кераксиз моддалардан ажратиб олишдир, деб уктиради. Шунингдек, у дориларнинг микдор ва хажми мутаносиблигини белгилаб берди. Гален этиология ва патогенез масалаларига оид хам бир канча асарлар ёзган. Терапия масаласида Гален хам карама-қаршиликни карама-қаршилик билан даволаш керак, деган принципда турган. Бунда организмнинг уз ички кучларини хам ишга солиш зарурлигини уктиради.

Гален диетотерапияга алохида ахамият берган. Унинг фикрича, пархез йули билан куп касалликларни даволаш мумкин. У касалликларнинг олдини олишда жисмоний машгулотларнинг ролини хам алохида курсатиб берган. Галенни Херонтология (Геронтология) фанининг асосчиси, деб атаса бўлади. У кари одамларнинг таналари ва аъзоларида руй берадиган узгаришларни жуда чукур текшириб чиккан. Галеннинг фикрича, кариликда организмнинг табиий биологик холати узгариб, тана куриган дарахтқ каби бўлиб колади. Кари одамларнинг иштахаси камаяди, организм тез чарчайдиган бўлиб колади, овкат яхши хазм булмайди, мусккул харакатлари чекланиб

колади. Кариларга хос касалликлар хам бўлади. Масалан, хар хил артрит ва артрозлар, подагра, астма, парез ва фалажлар, суяклар, умуртка устуни деформацияси ва х. қ. Кари кишиларнинг саломатлигини сақлаш учун Гален аввал овкат режимини тартибга солиш, аста-секин жисмоний машгулотлар билан шугулланиш, меъда -ичак йулларининг бузилишидан сакланиш кераклигини уктиради. Кариялар учун махсус гигиеник тадбирлар тався этган.

Гален жуда иктидорли олим бўлган. У фаннинг куп сохаларига оид (400 дан ортик) асарлар ёзган. Шуларнинг купчилиги тиббиётнинг турли сохаларига багишланган. Уларла, хусусан, тиббиётнинг барча назарий амалий сохалари баён этилган. Бундан ташкари, Гален энциклопедик олим сифатида фалсафа, риёзиёт, грамматика, логикага оид хам асарлар ёзган. Аммо, тиббиётга купрок ахамият берган. Гален узининг тиббий асарларида бу соханинг мухим мавзуларини хамраб олган. Хусусан, анатомия, физиология, ички касалликлар, гигиена, жаррохлик, аёллар касалликлари тугрисида аник маълумот берган.

Галеннинг тиббиётга оид энг мухим асарларидан: «Анатомик текширишлар», .«Одам танаси кисмларининг ахамияти», «Табиблик санъати», «Даво усуллари», «Тананинг касалланган аъзолари хакида», «Дориларнинг таркиби хакида », «Хигиена», «Хиппократча коидалар» ва х.к. Галеннинг куп асарлари Римда, ут кетган вактда ёниб кетган. Бизгача унинг факат юзга якин тиббий асарлари етиб келган. «Табиблик санъати» ва «Даво усуллари» да Гален узининг тиббиётга бўлган муносабати тиббиётнинг ахамияти ва унинг вазифалари хакидаги уз фикрларини баён этган.

Галеннинг тиббиётга оид энг йирик асарларидан бири «Одам танаси кисмларининг ахамияти» номли китобидир. Бу асар 17 жилддан иборат бўлиб, унда одам организмининг тузилиши, уйинг хусусиятлари ва органларининг функциялари хакида суз юритилади. Гален анатомия ва

физиология фанларини бир-бирлари билан жуда боглик фанлар деб билган. Узи анатомик текширишларни физиологик куздан кечиришлар билан бирга кушиб олиб борган. Гален хар бир аъзо маълум вазифани бажаради; демак, бирор аъзонинг тузилишни ўрганишда - унинг функциясини хисобга олиш керак дейди. Гален хар бир табиб одам анотомияси ва физиологиясини билиши шарт, дейди. Чунки касалликлар хар бир айрим аъзода келиб чилиб, унинг тузилиши ва функциясини узгартиради. Гален хар бир органнинг вазифасини олдиндан белгилаб куйилган, сунг шу орган яратилган, деб уйлаган эди. Гален уз дунёкараш нуктаи назаридан дуалист эди. У материал ва идеал борликни тан олган. Умуман у идсалистликка. мойил эди. Масалан, Гален одам организмидаги физиологик жараёнларни йуналтирувчи кандайдир илохий куч бор, деб фараз килган. Чунончи, харакатга келтирувчи куч, овкат хазм қилдирувчи куч, юрак ишини бошкарувчи куч ва х. қ. Галеннинг фикрича, дорилар уз массаси билан эмас, балки улар ичига киритиб қуиилган куч билан таъсир килади. Ўрта аср дорилфунунларида Галеннинг китоблари дарслик сифатида укитилган. Хозир хам Галеннинг баъзи асарлари кимматини йукотган эмас. Гален 201 йилда, 70 ешила Римда вафот этди.

## IV БОБ
## ЎРТА АСРЛАРДА ХАЛК ВА ИЛМИЙ ТИББИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Турли хил давлатларда қадимийлик билан ўрта-асрлик чегараси узига хос вактда содир бўлган, Хитойда бу м.а.э. III—II асрларда, Хиндистонда – бизнинг эрамизнинг биринчи юз- йилликида содир бўлган, Кавказ ва Ўрта Осиеда бизнинг эрамизнинг IV—VI асрларда, Гарбий Европада V—VI асрларда, Россияда – IX асрда. Ўрта-аср давлатларининг узига хос томонлари куйидгиидан иборат, жамият хаетида иккита душман тараф бўлган: феодаллар ва крепостной

дехконлар. Бирок кейинги ривожланиш ва усиш билан янги савдогарлар ва хунармандлар катлами хам ривожланади – янги жамият прогрессив буржуазия тимсоли.

## 4.1 Византия ва Араб Халифалиги табобати

Гарб Рим империяси кулашидан сунг, сакланиб колган Шарк Рим империяси Византия деб аталадиган булди. Унинг таркибига Миср, Кичик Осие давлатлари ва Сурия кирган. Ушбу давлатларда зироатчилик ( зигир, пахта, галла, сабзавотчилик), Хунармандлик(шиша, теми рва заргалик буюмлари, гиламлар, толалар), чорвачилик ривожланган. Александрия, Дамаск, Антиохи, Эфес каби йирик шахарлари савдогарчилик ва илм олиш маркази бўлган. Хиндистон, Сейлон, Абиссиния, Ўрта Осие(Бухоро, Хоразм), Кавказ, Хитой каби давлатлар билан зич савдогарлик алокалари саноатнинг усишига олиб келган. Византияда нафакат антикийилм марказлари – Афиналар, Александрия, Бейрут, Газзол, балки янгилари хам вужудга келган, шу жумладан шахар – пойтахт Константинополь хам. V—VII асрларда Гарбий Европадпа варварлар хукмронлик килганда ва иктисодий – маданий кучсизланиш бўлганда, бу ерда илмий ижодкорлик ва санъатнинг ривожланиши тухтамаган. IX-X асрларда Шаркий Европанинг энгката маданият марказига айланади. Турк-османлар босиб олгунча, Византия Империяси XV асргача мавжуд бўлиб келган.

Қадимги юнон ва римликларнинг табобатини бошка маданий ютуклари орасида саклаб колган. Қадимги Юнон ва Рим табиблари асарлари билан Византия шифокорлари жуда яхши таниш бўлган. Византия императори Юлиан Мўртаднинг Орибазий деган шифокори (326—403йй ) юнон табобат адабиетини йигиб, 70 жилдлик «Туплам» (Синопсис) деган катта кулламдаги комусни тузган, ушбу китоб узига қадимги шифокорларнинг асарларидан кенг кулламдаги кучирмаларни камраб олган. Бошка муаллифларнинг сузлари билан бир каторда Орибазий «Тупламга» узининг хулосаларини ва умумлашмаларини ёзиб колдирган.

IX асрнинг ўртасида Византияда олий укув мактаблари мавжуд булди, ушбу муассасада фалсафа, математика, астрономия, филология билан бир каторда табобат хам укитилган.Бу ерда биринчи шифохоналар ва дорихоналар мавжудга келади. Катта йуллардаги карвонсаройларда йулда касал бўлиб колганларга хоналар, кейинчалик махсус хоналар пайдо бўлган. Гарибхоналардан ( тузалиб булмайдиган касалларга, рухий касалларга турар жой) касалхоналар мавжуд бўлган. Касалхоналарга ёрдам бериш черков кулида бўлган. Рим империясининг шарк карам ерларида, Кесарияда (Цезарияда), Каппадокияда (Кичик Осиё Тумани) IV асрда биринчилардан бўлиб катта монастир касалхона ташкил топган. Шу каби касалхоналарнинг Шаркда, кейинчалик Гарбда прототипи бўлган. Византия монастирларининг хат нусхалари касалхоналарининг хужалик тартиби, беморларнинг даволаниши , даволаш ишини укитиш ва бошка нарсалар хакида батафсил тасвирга ега бўлган.

Киев Руси, Гарб Европа ва Ўрта Осие халклари Византия билан алокалари туфайли антик дунени меросига узини хиссасини кушган.

### 4.2. Араб Халифалигидаги тиббиёт

Мусулмон феодал давлатларда табобат йирик ривожланишни олган – Араб Халифалиги деб аталадиган давлатларда. Феодал ва савдогар араб зодагонлари Ислом байроги остида куп сонли урушлар бошлаган. 640 йилгича Фаластин ва Сурияни, 634 йилда Мисрни егаллашган, Эроннинг араблар билан егалланиши, VII - асрнинг охирида Армения ва Грузияни егаллаб булишган. VIII асрда Ўрта Осиени, шимол-гарб Хиндистонни, бутун шимолий Африкани ва Пиренея ярим оролини забт этишган. Араб Халифалиги XII – XIII асрларгача мавжуд бўлган. Араб Халифалиги Шарк, маркази Богдодда ва Гарб, маркази Кордовада. Бирок раблар оркали бирлашган халклар муносабати беш юз йилгача сакланиб колган. Араб халифалардаги кенг савдогарлик хар томонлама хужалик фаолиятини ривожлантирган.

П.Е. Заблудовский, А.А. Кадыровнинг фикри буйича , Якин ва Ўрта Шарклардаги, Ўрта Осиеда , бир хил Европа давлатларида Араб Халифалигини хукумрон бўлганлиги, бадавлат ва хар томонлама маданият ривожланишига олиб келган, ва илм хам қадимий шарк ва антик тараккиетини мерос килиб олиб колган. XII-XIII асрлардаги усиб бораетган: садогарлик, зироатчилик ва саноатга йоналтириган кучлар гарбий Европадан катарок ривожланиш берган.

Пергаментни урнига келган кул езма китоблар биринчи бўлиб Шарк мамлакатларида кенг таркалган. Кундалик ёзув материали яъни когозни янада кенг ишлатилишига ва китобларни узокрок сакланишига ёрдам берди. Хитойликларни когоз таёрлаш усулини кашф этганликлари натижасида, Самаркандда VII асрда хам ушбу ёналиш ишга тушган.

Араб халифалиги давлатлардаги маданият куп миллатли бўлган. Кандай лотин тили Гарб Европасида ката рул уйнаган булса, халифа давлатларида ха араб тили шундай рул уйнаган. Араблар томонидан бир катор илмий ва маърифий марказлар барпо этилган, уларнинг ичида ажралиб турувчилари Богдод(VIII—IX) ва Кордова (X) бўлган. Гарб Араб халифалигида 40 кутубхона, 10 олий мактаблар бўлган, шу вактда эса Гарбий Европада факатгина иккита университет бўлган – Салернода ва Порижда. Табобат илмининг ривожланишига изохловчилар ва араб тилидан лотин тилига таржимончилар ката хисса кушишган, лотин тили ўрта-аср Европада хамма олимлар учун универсал тил хисобланган. Шунинг хаммаси Гарбий Европа шифокорларига Шарк олимларининг асарларидан, хамада Шаркда сакланиб колган антик табобат мероси билан фойдаланишига имкон берди.

Халифатнинг энг кузга куринган олимлар турли хил миллатлардан булишган, шу жумладан сурияликлар (биринчи халифат пайдо булишига кадар, катта касалхоналар ва мактаблар асосчилари), хоразмликлар, эронликлар(форслар), арманлар, азарбайжонлар, мисрликлар, хабашлар, яхудийлар, кисман хиндистонликлар ва бошкалар. Бухоро, Хоразм, Марв,

Самарканд, Дамаск, Богдод, Кохира, Кордова каби катта шахарларда дунёнинг машхур ва атокли олимлари яшаб утишган. Араб халифалиги давридаги олимларнинг фаолияти табобатни бошка табиий фанларга якинлаштирди, назарий ва амалий табобатни ривожланишини осонлаштирди, купчилик дори-дармонларни олиб кирди, дориворларни таёрлашни такомиллаштирди. Гарбий Европа миллатларида табобатнинг ривожланишига араб халифалиги табиблари жуда катта хисса кушишган.Уйгониш давридаги Европа табобати ривожланишига ўрта-аср шарк медицинаси кимматбахо манбаа бўлиб келди.

Киме араб халифалигида катта ривожланишга эришган. Шарк олимлари узининг вактига тегишли хужалик ва ишлаб чикариш суровларини кондиришлиги керак бўлган, шу жумладан тог саноати, металларни, олтингугуртни, симобни кайта ишлаш ва бошка ишлаш. Ал Джабр, Европада Гебер исми остида танилган олим, биринчилардан бўлиб олтингугурт кислотасини, азот кислотасини, кумуш нитратини ва хоказо моддаларни олган. Дори-дармонлик ва фармакогнозия ривожланиши Шарк олимларининг кимедаги йутуклари билан богликдир. Айнан Шарк давлатларида биринчи дорихоналар очилган, шу ердаек шифокорларни ва дорихоналарни кузатадиган мансабдор шахслар хам бўлган.

Гигиенанинг Шарк давлатларида ривожланишига, Араб халифалигидаги асосан мусулмон дини хам катта хисса кушган. Саломатлик ва касалликларни олдини олиш хакида Исломнинг мукаддас китобларида куп ёзилган. Шахсий ва жамият гигиенага риоя қилиш хакида куп сонли коида ва вазифалар берилган.

Тана, кийимни ва уй-жойни тозаликда сақлашга, хар хафта мурчада чумилишга, кул ва юзни ибодатдан олдин ювишни, овкатдан кейин тиш ва огиз бушлигини чайишни, тирнокларни олишни, ортикча сочларни олишни, болаларни хатни қилишни, касаллар билан алокадан чап бермокни мукаддас китоблар тавсия килади.

Жасадни олдида туриш вактини камайтириш ва тезкор дафн қилиш жиддий коидалари иссик иклимда юкумли касалликларни таркалишини олдини олиш чоралари бўлган. Хадисларда айтилича, озодалик одам хоитрасини кучайтиради, уни жозибакор ва ёкимли килади, хасталикдан саклайди. «Кимки сарамжон-саришталикга ва озодаликга риоя кился, уни Худо уз дусти деб билади».

Бошка динлардан фаркли уларок мусулмонлик ибодатдан ташкари дори-дармонлар билан даволашни тавсия этган, - « Кексаликдан ташкари хама бошка вазиятларга малхам бордир, улдирадиган касалликрдан ташкари хамма хасталикларга даво бордаи». Беморларни, тажрибали ва билимли шифокорлар даволашлари керак деган, фикрлар хам бўлиб утган. Беморлар эса, узини табибман деган хар кимга хам  ишонавермасликлари кераклигини уктиришган. Болаларни, хомиладорларни ва эмизадиган оналарни махсус овкатлантиришга, хамда бемор ва заиф одамларга ёрдам беришга мукаддас китоблар катта эътибор беришган.

Шарк  давлатлари  дунё тиббиётига жуда куп истеъдодли олим ва шифокорларни берган. Буларни ичига Абул Косим аз Захравий, Абу Бакр-Ар-Розий ва бошкалар киради.

Таникли шифокор ва олим **Абул Косим аз Захравий** (VIII – IX в.) гарбдаги Араб Халифатининг Кордова шахрида тугилган (Испания). 30та дан куп тиббиётга оид илмий ишлар муаллифи. Энг таникли асарларидан эса «Жарроҳия ва анжомлар хакидаги трактат». Бу кул ёзма 317 варвкдан иборат. Асар мукаддима ва 3 бобдан иборат (188 булимдан). Бунда 200та дан зиёд жарроҳик анжомларни расми ва таърифи берилган. Мукаддимада тиббиётнинг вазифалари ва максадлари келтирилган. Биринчи бобда (56 булим) куйдириш усулари келтирилган. Во второй главе (97 разделов) освещаются вопросы рассечения, прокалывания, кровопускания и лечения ран Иккинчи бобда (97 булим) кон чикариш, яраларни даволашни хакида ёзилган 3 бобда эса суяк чиккишини жойига солиш усуллари келтирилган.

**Абу Бакр Ар Розий** 28 август 865 йил Рея (Эрон) шахрида савдогар оиласида тугилган. Ёшлигидан Ар Рази мусика, адабиёт, астрономия, математика билан шугулленган. Кейинчалик фалсафа, химия ва тиббиёт билан кизиккан. У жуда куп сафарда бўлиб, Каир, Бухоро, Бондод, Кордова ва бошка шахарларда бўлган. Богдод ва Рея шахарларидаги шифохоналарида ишлаган. Богдод шахридаги шифохонасининг курулишида иштрок этган, ва кейинчалик 20та шифокордан иборат шифохона штатини бошкарган. Шифохона курилиши учун жой топиш максадида жуда кизикарли усул топган: у хар бир шахар четига гушт булакларини осиб куйган, ва кайси жойларда гушт булаглар куп саклананишини ва чиримаслигини кузатган. Ушбу жой энг тозза ва шифохона курилишига тогри келадигон деб топилган. Ар Рази шифохонаси бир неча булимдан иборат болган, буларнинг ичига: куз касалликлари, терапия, жарроҳия ва шифокорларнинг тайёрлаш мактабли эди. Тиббит мактабининг талабалари амалиётни шифохона утказишар эди. Шифохана штати кичик ва катта шифокорлар иборат бўлган. Агар шифокорлар ташхис куйишда кийналишганда беъморни Ар Рази куриктан утказган. У биринчилардан бўлиб Шаркда касаллик тарихини ёзиш усулини киритган.

Ар Розий чечак билан касаллиги билан кайта касалланмаслигини билган ва вариоляцияни куллаган. Химияни билганлиги учун, у маймунларда дориларнинг динамикасини аниклаган. Мохир жарроҳ бўлиб у суяк чиккишини, суяк синиши, жарохатларни даволаган; йод жиссимлари олиш учун асобобни таърифлаб берган, бирнчи бўлиб бинт ва пахтани куллаган, корин бошлиги яраларини тиккиш учун куй ичакларидан ип тайёрлаган.

Кузатув натижаларини, тадкикотни ва даволаш усулларини кушиб даволаш усулларини такомиллаштирди. Ар Розий ёзган: «Шифокорни нафакат укигани ташкил килади, балки уйлаш кобиляти ва амалиётга куллашни билиш хам дир». Ар Рози Гиппократнинг, Галенинг, К. Цельсинг, Сушрутнинг асарларини урганган.

Абу Бакр-ар-Розий уз иш фоалиятини анатомия ва физиологияни ўрганиш билан бошлаган. У нерв ва мушак функцияларига аниклик киритган. Ар Рози m. Cricothireoideus параличини таърифлаб берган, бунда нафас кисилиши ва овоз ёколиши болади. Илмий медицинани ривожланишига олиб келган асарлари: «Кури шва куздан нур чикмаслиги», «Куз корачигинингкоронгида кенгайиши ва ёругда торайиши сабаблари». «Одам аъзоларининг иши» асарида органларнинг функсиялари хакида малумотлар берилган. Бази асарларида одамнинг узок яшаши ва климатнинг одам танасига тасири хакида малумотлар бор. Энциклопедик асарлари сафига «Тиббиётни тулик камраб олган китоб» (25 жилдан иборт) ва «Тиббиётга оид китоб» киради. Розийнинг «Чечак ва кизамик» номли китоби хам мухим ахамиятга эга болган. Хар бирини кечиши, организмда кандай узгаришлар пайдо қилиши ва кандай окибатларга олиб келиши мумкинлигиги курсатилган. Бу китобда бошка инфекцион касаликларга хам кенг таъриф берилган.

Абу Райхон Беруни фикрича, Ар Розийнинг колган мероси 184 катта ва кичик асарлардан, ундан 68таси бизнинг вактимизгача етиб келган. В конце жизни Ар-Розийй возвратился в Рей и не покидал его до своей кончины Умрини охирларида Ар Розий Рей шахриги кайтиб келган ва уни тарк этмаган. 28 октябрь 925 йилда 60 ёшда у вафот этади .

## 4.2. Ўрта асрларда Ўзбекистонда тиббиётнинг ривожланиши.

Ўрта аср даврининг бошларида Ўрта осиё халклари узбеклардан, коарколпоклардан, тожиклардан иборат бўлган. Миллодан аввал Ўрта Осиё дехконлари сугориш учун каналлар барпо этишни билганлар. Ўрта Осиёдаги халклар катта шахарлар, ва уларни катта деворлар билан барпо этганлар. Бундай шахарларда хунармандчилик жудда ривожланган.

VIII чи аср бошида Ўрта Осиёни араблар босиб олганлар. Улар ўзи билан мусулмон дин ва араб тилини олиб келганлар Хамма давлат ишлари, фан ишлари ва бадий асарлар араб тилида юриттилган. Араб тилини биладигон куп

укимишли инсонларга дунё бадий ва илмий асарлар фойдаланиш учун мумкин бўлган. Уша давргача греклар, римликлар, византияликларнинг асарлари араб тилига угирилган. Бу эса Ўрта Осиёда ривожланишга олиб келди, ва Ўрта Осиё шаркнинг ривожланган мамлакаьлари сафидан жой эгаллади.

Саманидов Арабларнинг хукумдорлигига қарши курашиши эвазида Ўрта Осиёда Сомонийлар сулоласининг хокимлиги бошланди. Сомонийлар давлатида кишлок хужалиги, хунармандчилик ва сотувчилик учун хамма шарт – шароитлар бор эди. Савдо йуллари мамлакатни Хитой, Хиндистон, Россия, Кавказ давлатлари билан боглаб турар эди. Сомонийлар ва бошка сулолалар хукумдорлигида 10 ва 11 асрларда Ўрта Осиё маданияти жудда катта ривожланган. Сомонийлар давлатининг пойтахти - Бухоро ва Хоразм пойтахти - Урганч илм фан ва маданият марказлари эди: Бухорода Сомонийлар кутубхонаси ва Хоразмда – олимлар жамияти (академия) бўлган. Катта шахарларда касалхона ва дорихоналар бўлган.

Ўрта Осиё тиббиётининг теоретик асосини мизодж тушунчасига богланган – одамнинг табиати. Асосий тушунчалар Қадимги Грециялик натурофилософларниниг постулатлари билан богланган. Мзаджинг назариясига кура одам танаси иссик ва сувик сифатларга эга. Кейинчалик Авиценна янги тушунчалар киритди _ буларга рутубат ва рутубатсизлик киради, булар – иккиланган мизодждир. Агарда оддий мизоджда 1 сифат устунлик килса, мураккаб мизоджларда – улар бирикади. Шу сифатлар 4та унсурларга тугри келади: ер – курук, сув – хул, хаво – совук, олов – иссик, булардан нафакат одам танаси иборат, балки бутун борлик. Соглик – бу 4та сифатни мувозанати, касаллик эса – бу мувозанатни бузилиши. Мизож ёш сари узгаради иссикдан совукка, хулдан курукга. Мизож жинсга боғлиқ. Мизож одам танасининг суюклигининг микдорий ва сифатий ўзгаришларга боглик (кон, сафро, савдо, флегма). Даволаш усулларини кўллаётганда дори ва овқат махсулотлари хам мижозгабоғлиқ эканлигини унутмаслик керак, бу қарама-қаршилик принципига асосланган ҳолда олиб борилади.

Ўрта Осиёнинг кўзга кўринган олимларидан бири бу Абу Наср Фаробий – машхур ўрта осиёлик файласуф. Уни «Шарқ Аристотели»деб аташган. Бошка фанлар билан бирга у тиббиётни хам ўрганган, ва бир неча асарлар ёзган «Одам танасининг тузилиши хакида», «Назарий ва амалий медицина». Биринчи китобда одам танасининг тузилиши ва вазифалари келтирилган, шунингдек касалликларнинг сабаблари, даволаш усуллари ва олдини олиш хакида маълумотлар берилган. Кўп эътибор тугри овкатланишга каратилган. Иккинчи китобда ташки мухитнинг одам соглигига таъсирини тахлили келтирилган. Фаробий буйича тиббиётнинг асосий вазифаси бу одам соғлигини сақлашдир.

**Абу Носир Фаробий –** ўрта аср буюк файлусуфи, уни « шарк Аристотели» деб номлашган. Фаробий бир неча фанлар катори тиббиёт билан хам жуда чукур шугулланиб, одам тузулиши, назарий ва амалий тиббиёт хакида бир неча китоблар ёзган. у органларнинг тузилиши ва функциясини бузилиши, уша патларда маълум бўлган кассаликларнинг сабаблари, давоси ва профилактикасини ёзиб колдирган. У асасий эътиборни ратиционал овкатланишга каратган. Иккинчи китобида у ташки мухитни инсон организмига тасирини урганган ва тиббиётнинг асосий вазифаси инсонлар соглигини сақлаш деб хисолаган.

Шарк ва бутун дунё олимлари орасида кузга куринадиган географ, математик, астроном VIII ва IX асрларда яшаган Мухаммад – Ал Хоразмий мухим урин тутади. Ал-Хоразмий «дунё манзаралари» китобида шаркий Европнинг географик ва этнографик хакида ёзган. у ўрта аср алломаси сифатида жуда куп издошлари бўлган булар каторида XV асрда Самаркандда катта обсерватория курдирган Улугбек, Темур набираси киради.

996 йилда шимолий хоразм хукмдори Мамун ибн Мухаммад хоразмни бирлаштирди ва Урганч давлат пойтахти булди. А.А. Абдуллаева и А.А. Кадырова ларнинг маълумотига кура Мамуннинг вафотидан сунг 997 йилда унинг угли 20 йил давомида давлатни бошкарган ва у мустакилликни ва харбий

сохани кучайтириш сиёсатини йулга куйди ва X аср охири XI нингбошларида Урганч Шаркнинг жуда чиройли шахарладан бирига айланди.

1010 йилда Хоразмда биринчи академияга асос солинди ва у ерда уша даврнинг машхур олимлари иш олиб боришган. Бу уша пайтдаги ўрта осиё илм фанининг ривожланишига катта туртки булди, бунинг устига хразмшох Али Аббос-Мамун II Мамун нинг узи хам илм фанга жуда кизикиб етук математик ва астрон бўлган. Шунинг ун у кушни давлвтлардан буюк алломаларни узини касрига таклиф этади. У Абу Райхон Берунийни таклиф этиб уни Академияни бошлиги этиб тайинлади.

Академик В.Н. Терновский шундай дейди: «Хоразм – шох Али ибн Мамун санъат ва фанни бутун дунёга ёйди. Султон Гурганж саройида жуда куп олимлар ёзувчилар ва рассомлар иш олиб борган. Улар кийим кечак озик овкат ва моддий жихатдан жуда яхши тамигнланган бўлиб улар фаннинг хар кандай йўналиши билан шуғулланишлари мумкин бўлган. Илмий ишлар ва сухбатлар Ибн Сино нинг илмий чукур билим олишига ёрдам берган. Айнан Бухородан келиб академия аъзосига айланган Ибн Сино узининг «тиб конунлари» китобини ёзган.

Берунийнинг «Геодезия», Абу – Али - ибн - Синонинг «тиб конунлари» рус олимлари Розен, И.Ю. Крачковский, С.П. Толстойнинг асарларидан мамун академиясининг таркиби хакида маълумотлар олиш мумкин. Мамун академиясида 100 дан ортик файласуф, педагог, астроном, тарихчи, ёзувчи ва рассомлар фаолият олиб боришган. Улардан 20 тасидан купи тиббиётга алокаси бўлган. Академиянинг ишида Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Сахл Масихий, Шарафўтдин ибн Абдулло Илокий, Абу Мансур Камарий, Абу – Хаир - ал –Хаммар, Абу Насир Ибн Мухаммад ибн Бану Ирак, Абу-Абд-Аллаха-Хусейн Ибн Ибррахама ат - Табари - ат Натали ва бошкалар, уларнинг хар бири узидан кейин из колдиради. Академия олдида мадраса очилган хар бир аъзоси 2 тадан куп шогирди бўлган ва шундай килиб 200 дан куп билим олувчи бўлган. И.

Каримов асарларидан маълум бўладики шариат конунлари буйича илм берилган (улум аш-шича) ва араб фалсафасининг кушилиши билан (ал-улум ал-арабийа) акс этади. Лекин арабларга боглик булмаган фанларга хам кам эътибор берилмаган: философия, логика, тиббиёт, арифметика, геометрия, астрономия, мусика, механика ва кимё. Академия етакчиси 973 йил 4 сентябрь да хоразмнинг аввалги пойтахти бўлган кати шахрида тугилган. Тулик исми **Абу Райхон Мухаммад ибн Ахмад ал - Беруний**. Усмирлик давридаёк у астрономлар, математик, ёзувчилар ва хакимлар орасида машхур бўлган. 21 ёшида у фазони ўрганиш учун курилмани конструкцилаштириб биринчи марта глобус. 1005 йилда Хоразмшох Али ибн Мамуннинг таклифи билан хоразмга кайтади. Хоразмшох хар хил давлатлардан олимларни таклиф килиб бу илмий жамиятни «Мамун академияси» деб номлади. Беруний академисининг ректори ва ташкилотчиси бўлиб, узи жуда фол иш олиб борган. Беруний Хоразмшох касрида то 1017 йилгача яшаган. Илмий ишлардан ташкари, у хоразмшохлар касрида мухим дипломатик ишларни оборган ва бу унинг жуда юкори маданий кобилиятли эканидан далолат беради. Беруний жуда куп тилларда гаплаша олган жумладан: форс, согд, сирий, грек, яхудий тилларида, шунингдек санскрит тилини хам урганган. Геология, минералогия, фармакология, физика, кимё, ботаника, тарих, арифметика, альгебра, геометрия, тригонометрия ва астрономия фанларининг ривожига улкан хисса кушган. У биринчилардан бўлиб ер куёш атрофида айланишини айтган.умри давомида Ал Беруний 143 та асар 27 та бошка олимлар асарлирида хам уз хиссасини кушган.Беруний шугулланмаган фанларни айтиш жуда кийин. «Хоразм тарихи» «ахоли яшаш пунктлари орасидаги масафони аниклаш учун шахарлар чегараларини аниклаш» «юлдузлар хакидаги фан», «акл



рад этадиган ва кабул киладиган хинд илмий ютукларини ўрганиш» «астролобия» «Конун Масуд». Тиббиёт сохасида у «Китоб Сайдала фит тиб» асарини яратган, унгача фармакалогияга оид бунака китоб булмаган ўрта осиёда. Ўрта аср фармаколог олимларнинг фикрича ушбу китоб назарий ва амалий тиббиётнинг таянчи бўлиб хизмат килган. Китоб оддий хамда мураккаб дорилар булимларига булинган; тиббиёт конун коидалари ва фармакология йуналишида иш олиб борган олимлар хулосалари келтирилган.битта булим инсон организмига мусбат ва манфий таъсир этувчи омиллар, санитаро – гигиеник нормаларга багишланган. Шунингдек организма фойдали таъсир этувчи мураккаб дориларни аниклашга катта эътибор каратган.узининг асарида Беруний моддаларнинг хоссалари, характеристикаси, уларнинг инсон организмига таъсири ва организмнинг ушбу моддаларга реакциясини акс эттирган.захарга багишланган булим бўлиб, махсус усулларни куллаб кайт кили шва хукна оркали оорганизмдан захарларни хайдаб чикариш усуллари келтирилган. Беруний 1048 йил 11 декабрда Ғазна шахрида оламдан кўз юмди.

**Абу Сахл Масихий** (970 -1017й.), «Академия» а’зоси 1010-1017йй. таниқли билимдон, файласуф, мантиқчи,машҳур тибиётчи. Джуржонда туғилган ва илк тиббий билимларни шу ерда олган кейин Боғдод ва Хуросонда давом эттириб ўз билимини такомиллаштирган. Абу Сахл Масихий Абу – Али-Ибн - Синонинг «Тиббиёт ҳақида юз савол» асарини ўқиб чиқгач уни сиртдан ўзига устоз деб тан олган. Масихий 997 йилда Хоразмга бўлганида Абу – Райхан – Бируний билан танишди ва бу унинг илмини шаклланишида муҳим туртки бўлди. Масихий ва Бирунийнинг, этиқодий қарашлари ҳар хил эди (Масихий христиан бўлган)уларини яқин дўстлик алоқалари боғлаб турган, айнан Бируний машҳур докторни. Абу Сахл Масихийни Ургенчга таклиф қилган Султон Махмуд Ғазнавий хоразмга ҳарбий юриш қилганидан кейин,каттиқ диний фанатлик сабаб, Урганчни, шох саройини ва академия кутубхонасини бузди. Абу Сахл Масихий босқинчилар қаҳридан қочиш учун Абу – Али Ибин Сино билан шаҳардан кетишга мажбур бўлди.Аммо кексайиб қолганлиги сабабли унга

Қорақум саҳроси орқали кетиш анча қийинчилик туғдирди йўлда бетоб бўлиб қолди ва вафот этди. «Тиббиёт ҳақида юз савол», «Тиббиёт ҳақида китоб», «Вабо ҳида китоб», «Чечак ҳақида мақола», «Руҳ ҳақида китоб», «Табий билимлар ҳақида китоб» ва б. доҳий Абу Сахл Масихга тегишли

|  |  |  |
|---|---|---|
| **Абу Сахл Масихий** | **Абу – Хаир - ал - Хаммар** | **Абу Абдуллох Илоқий** |

Хоразм академиясининг яна бир а’зоси **Абу – Хаир - ал – Хаммар** бўлган (942- вафот этган вақти номалум) ёши улуғ тажрибали тиббиётчилардан бири ҳисобланган. Ал –Хаммар  Боғдодда туғилган ва ҳаётининг кўп қисмини айнан шу шаҳарда ўтказган.Вояга етгач Урганчга етиб келди, ўзининг шогирди билан биографияга оид кўпгина китоблар ёзди, «Докторларни текшириш», қўлланмасидан «Академия»да докторлар илмий солоҳиятини текшириш учун фойдаланилган.  Абу – Хаир - ал – Хаммарнинг меҳнат фаолиятидан тушунарлики бундай китоб ёзиши учун унинг билими бошқа докторлардан анча юқори бўлган. Шунингдек унингг асарлари «Одамнинг яратилиши ва унинг органларини тузилиши ҳақида», «Қариялар режими ҳақида», «Эпилепсия ҳақида мақола» ва б.

**Абу Абдуллах Илоқий** (Шарофўтдин Абу Абдуллах Мухаммад ибн Юсуф Илакий) Шошда (ҳозирда Тошкент) туғилган Илоқ деган жойда.туғилган йили

номалум. 1068 йилда вафот этган. Шош Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри, кўплаб мадрасалар, карвон саройлар, ҳаммомлар ва бошқа жамоат уйлари билан машҳур бўлган.Шунингдек касалхона ва дорихоналар бўлган.Бу ерда ўқимишлилар файласуфлар ва тажрибали докторлар бўлган. Илокий мадрасада қатор диний предметлар шунингдек дунйвий фанларни ўргатган.Илакий билимини бойитиш учун Бухарога юборилган,у ердан Ургенчга борган. Илакий Ургенчда, «Мамун Академияси»да доктор сифатида қабул қилинган. Абу Абдуллахом Илакийнинг яратган асарлари «Касаллик сабаблари ва белгилари ҳақида», «Даволаш усуллари», «Тиббиёт ҳақида жамланма», «Тиббиётдан чиқариб олинган», «Қонунларни қисқартириш».

Илакий «Касаллик сабаблари ва белгилари ҳақида» китобида ўзидан олдин ўтган докторлар ва ўзининг шахсий тажрибасига асосланиб ҳар касалликларнинг келиб чиқиши ва сабаблари шунингдек даволаш ҳақида ёзган. У даволаш амалиётида вақтинчалик гумораль теории традициясини,қон чиқаришни ва ўт ҳайдовчи воситаларни қўллашни таклиф этди.У касалликларни ташхислашда бемор пулсини ва табий ажралмаларни диққат билан текширишни таклиф қилди. «Даволаш усуллари» китобида ўша даврдаги барча малумотларга асосланиб беморларни– терапевтик, жарроҳик, диетотерапия, тоғ ҳавоси ва сув билан даволаш усуллури ҳақида ёзилган. Илакий «Тиббиёт ҳақида жамланма» китобида докторларни амалий ва назарий ютуқлар ёзилган. «Тиббиётдан чиқариб олинган» -тиббиётдан кунлик фойдаланиш учун қўлланмалардан иборат.Муайид ат-Тарбизининг фикрича «Қонунларни қисқартириш» китоби Авиценнанинг «Тиббий фанлар қонуни» китобининг қайта ишланган ва фойдаланиш учун қулай шаклга келтирилган шаклидан иборат,шунинг учун у по этому поводу известны его слова: «Мен муҳокамани ҳал қилдим «қисқартирилган қонунлар». Илокийнинг – бу икки китоби тиббиёт ўқувчилари учун кенг тарқалган».Шунингдек, Илоқий ўз вақтида шуғулланган докторлар орасида илғори бўлган.

**Абу Мансур Қамарий** (Абу Мансур Хасан ибн Нух-ал-Камарий) унинг яшаган санаси номалум,аммо бу Абу – Али ибн Синонинг ўсмирлик даврларига тўғри келади (Х нинг охири XI нинг боши.).шунингдек у Абу Мансур Бухарий номи билан малум,бухоро амирининг шахсий доктори бўлган. Камарий қадимий Греция, Рим, Византиядаги илмий асарларни яхши билган унинг асарлари шунга асосланган.Абу Мансур Камарий ташхислаш ва даволашни ва тиббий фанларни устози Абу Али ибн Синодан ўрганган.унинг машҳур асарлари Известны его произведения «Касаллик ва касаллар», «Кўкрак қафаси касалликларини даволаш ҳақида», «Қорин ацити ҳақида», «Мансурнинг тиббиёти», «Оддий дорилар ҳақида катта жамланма», «Бойлик ва яхши шароит». «Касаллик ва касаллар» китобида касаллик ва соғлик муаммоларини очиш, одам организми хусусиятлари,мижоз тушунчасини очган. Камарий «Бойлик ва яхши шароит» асарида соғлик, қулай шароит; беморларнинг овқатланиши ҳақида (ички ва ташқи, лихорадка);ташхислаш ва даволаш усуллари,шунингдек соғлик биринчи навбатда соғлом турмуш тарзига боғлиқлиги ёзилган.

Уша вактнинг энг машур шифокорлари Умар Чимгоний, Исмоил Журжоний ва бошкалар хисобланади.

Умар Схимгоний (Махмуд ибн Мухаммад ибн Умар Чимгоний) - хозирги Бухоро худудидаги Схамгин кишлогьида тугьилганобласти. Тугьилган йили аник эмас, 1221 йил Урганчда вафот этган. Ёшлигида у Урганчга кучиб келган, ва у йерда таьлим олган ва врач сифатида такомиллашган. Кейин узини малакасини ошириш учун Самаркандга кучади, кайеерда куп фанларни урганади - астраномия, математика, физика, философия, шифокорлик. Урганчга кайтгач узини илмий фаолиятини давом эттиради ва и пишет множество оригинальних работ. У Коперникдан бир нча юз йил аввал Ќуёш системасини гелиосентрик тузилиши хакида ва фаслларнинг алмашиши Йернинг Ќуёш атрофида айланиши

билан богьликлиги хакида Майтган. У Йернинг радиусини ва айланасини, Ойгача бўлган масофани хисоблаган.

|  |  |  |
|---|---|---|
| **Абу Мансур Қамарий** | **Умар Чағминий** | **Исмаил Журжоний** |

Тиббиётда у уша вактнинг энг тажрибали шифокори сифатида машхурликга эришган. У "Кичик Ќонун" китобини ёзган, баьзи олимлар уни Ибн Синониг "Тибб конунлари"нинг кискарма вариант деб хисоблашади. Китоб 10 бобдан иборат бўлиб, улар эса булимларга булинган. Китобда амалий ва услубий тббияот саволлари ёритилган. Китобда география, анатомия, гигиена, овкат ва суюкликлар, уларни истеьмол қилиш ва организмга тасири хакида маьлумотлар келтирилган. Шу билан бирга китода ташки ва иски аьзоларни, тери касалликлари ва бош касалликларини даволаш хакида ёзилган. Уз вактида китоб табиблар орасида катта машхурликка эга бўлган.

Исмоил Журжоний (Зайниддин Абу Иброхим Исмилибн Хасан ибн Ахмад ал - Хусийн ал Журжоний). 1080- йил Еронинг Горган (Журжон) шахрида тугьилган, 1141- йил Маврда Вафот этган. Лекин, М.А. Гаидов фикрига кура унинг тугьилиш жойи Хоразм худудидаги Журжониядир. 1110- йил у Урганч шохи Кубетдин Мухаммад И Ануш Тегиннинг сарой шифокори булди. Бу унинг хаётининг энг сермахсул пайтлари эди: у сарой буйидаги шифохона ва аптекани

бошкарарди, сарой шифокори бўлиб ишлайди, илмий ва тажрибавий машгьулотлар билн шугьилланади, китоб ёзади. Бир неча вакдан сунг у Маврга келади, кайерда умриниг охиригача колади. У томонидан куйидаги тиббиёт адабиётлари ёзилган: "Хоразмшох хазинаси", "Касалликларни аниклааш усуллари "Ибн Сино хакида суз", "Тиббиётнинг моҳияти", "Дорилар хазинаси ".

"Хоразмшох хазинаси" - организм анатомияси ва физиологиясидан бошлаб, каслликларга ташхис куйиш ва даволаш хакида, 600 бетдан ортик энсиклопедик адабиёт асарлар. Бу китобда согьликликни сақлаш учун олдини олиш ишлари мухимлиги хакида айтилган. Унинг фикрига кура Модам табиатнинг бир кисми бўлиб, унга чатишилиши вактидан богьлик. Куп нарсаларда унинг фикри Ибн Синонинг фикри билан тугьри келади. Бу китобни ички касалликлар пропедевтикаси, травматология, хусусий паталогия ва терапия буйича кулланма деб хисобласа бўлади.

"Дорилар хазинаси", номидан куриниб турганидек, фармакология ва доришунослик буйича ишдир. Унда уша вактнинг хамма дори воситалари келтирилган.

"Тиббиёт сушность"- унинг амалий тиббиёт буйича ишлар тупламидир. Унда киска шаклда уша вактда энг куп учраган касалликлар симптомлари ва даволаш усуллари ёзилган.

**Қорахонийлар даврида Ўзбекистон тиббиёти**

Х асрниг охирида Ўзбекистон худуди турклар - Ќорахонидлар билан эгалланган. Сомонийлар (Саманид) авлоди сунгди ва Ќорахонидлар авлоди гуллай бошлади. Ќорахонидлар Сомонийлар каби экономика ва культуру ривожлантиришган. ХИ асрдан бошлаб, Тамгач Хоннинг буюругьи билан Самарканд пойтахт булди. Шахарда куп бинолар, уларнинг орасида шифохоналар курила бошланди. 1066-йилда Самаркандда "Тиббиёт билимлари уйи" мадраса ва шифохонаси курилган, у йерда тиббиётни ургатишган. Бош шифокор деб уз вактининг катта

мутахассиси Мухаммад ибн Абдул Малик Ас-Сафар топилди. Бош мудир деб машхур олим Абу Тохир ибн Абдурахман ибн Хасан тпилди.

Шифохонада касалликлар учун палаталардан ташкари кариялар ва инвалидлар учун булимлар бўлган. Шифохона давлат хазинаси хисобига ишлаган. Рашоди на содержание больници расписани по статьям: 10% шифокорлар ойлиги учун, 3% ошпазларга, 5% дворникам, 3% духовникам, 2% кон чикарувчиларга, 15% касалларни овкатига, 3% гуркувларга, 15% таьмирлаш ишларига. Мадраса учун йилига 35000 дихрем ажратиларди, улардан: бош мударис - 2000, укитувчилар фанининг кийинлигига караб 1500 - 1200, талабалар стипендия сифатида 1800. Мадрасада йилига 50 тадан 60 гача талаба укиган.

У вактларда Самарканд шифохонаси билан бирга Урганчда, Марвда, Тошкентда хам шифохоналар бўлган. Газна шахридаги шифохона крулишида машхур олим Абу Райхон Беруний Миштирок этган. Бу шифохонани машхур шифокор ва жаррох Абу Хамид Ан-Нахший бошкарган.

Уша вактда Самарканднинг машхур врачи Нажубиддин Самаркандий (Нажубиддин Абу Хамид Мухаммад ибн Али ибн Умарас Самаркандий) бўлган. 1222- йил Марвда тугьилган. Таьлимни Самаркандда олган. Кейин Гьиротга кучган, кайерда шифокорлик билан шугьулланган. Богьдодда мукаммал дори ясашнни урганган. Ќадимги Юнонистон, Рим, Хиндистон, Миср шифокорлар ишлари билан таниш бўлган. Узининг илмий ишларид у бу мамлакатлар шифокорларини келтиради - Гиппократ, Гален, Сушрута, Ибн Синоо, Ар-Розий, Ал-Мажус. У куп китоб ёзган, шулардан саккизтаси тиббиёт хакида. Улардан "Касалликларнинг кечиши ва сабаблари", "Беморлар пархези", "Бугьим касалликларини даволаш", "Мукаммал дорилар тайёрлаш усуллари" ва бошкалар.

Китобларидан энг машхури "Касалликларнинг кечиши ва сабаблари", бунда у мижознинг бузилиши, хазм қилиш бузилиши, ифлос сув, ёмон хаво ва бошка касаллик келтирувчи сабаблар хакида тухталади. Кейин касаллик симптомлари

изохланади. Бу китоб билан деярли барча шифокорлар пропедевтика сифатида ишлатишган. "Беморлар пархези" - пархез хакида китоб бўлиб, унда кайси касалликларда кайси махсулотларни истеьмол қилиш мумкинлиги келтирилган. "Мукаммал дорилар тайёрлаш усуллари" - доришунослик буйича ката кулланма. Бу киббда бошка муаллифларга нисбатан дори тайёрлаш усуллари туларок ёзилган. У вактларда мукаммал дорилар таркибига уттиз-киркта сомпонент булиши мумкин эди ва шифокорлар дори тайёрлашда купинча хатолик килардилар ва карама-акрши хусусиятли модда кушишлиги мумкин эди. Нажубиддин Самаркандий бундай хатолар булишини олдини олишга харакат килган. Нажубиддин Самаркандий "Бугьим касалликларини даволаш" китобида у эьтиборини бўғим касалликларини ташхис қилишда, суяк ва бугьимлар касалликларини (артрит, артроз, остеохондроз) даволашда тухтатади. Бу китобда у бошка шифокорлар фикрларини ва бу муаммони йечишдаги узини тажрибаларини келтирган.

Абу Али ибн Сино(Абу ал-Хусайн ибн Абдулла ибн Хасан ибн Сина) (лотин тилида – Авиценна) ўрта асрнинг энг катта шифокори ва жахон тарихида энг машхур шифокорлардан бири. У Бухора енидаги Афшана кишлогида (кейинчалик Исфана) 980 йил тугилган. Унинг отаси Абдулла ибн Хасан Бухоро амирига улпон йигувчи бўлиб хизмат киларди.

Ибн – Сино узиниг таржимаи холида: “Менинг отам Балхадан еди ва у ердан Бухорога саманид Нух ибн Мансур бошкариетган пайтда келди ва девон – канцелярияда иш билан шугулланди. Унга Бухоро атрофидаги туманларнинг марказларидан бири Хармайсанни бошкариш такдим этилди. Афшанага якин жойлашган кишлокдан Ситора - юлдуз исмли менинг онамни хотинликка олган. У ерда биринчи мен кейин менинг укам тугилган” – деб езган.

Ибн Сино 5 ёшлигида унинг оиласи Бухоро шахрига кучиб келади. Уша даврларда Бухоро Сомонийлар сулоласи пойтахти, якин ва ўрта шарк мамлакатлари ичида бозор иктисодиёти ривожлан маданият ривожланган маданият марказларидан бири эди. Бухоро хукмдорлари фан саъноат арбобларини куллаб кувватлаган. Самонийлар саройидаги кутубхона X асрнинг энг катта кутубхоналари таркибига кирган. Подшо саройдаги олим, езувчи, табиблар ва саънаткорларга катта микдорда маош ажратиб уларнинг уларнинг фаолияти куллаб кувватланарди. Узга юртлардан Бухорога олимлар келишарди ва улар учун кулай бошпана ва улар фаолияти учун кулай шароитлар яратилган.

Ибн Сино ноёб истеъдод жуда эрта намоен булла бошлади. У 5 ешлик чогида укишни ва езишни тулик ўрганиб олади. 10 ешга етмасдан уни ислом жамияти конунлари – шариат буйича тахсил олиш учун бошлангич мактабга укишга беришади. Хотиб Убайднинг он беш талабалари ичида энг кичиги эди. Шу билан бир каторда Хусайн бошка устозни енига боради ва у билан бирга фалсафа ва араб тилларидан сабок олади. Ибн Сино таржимаи холидан: «Ун ешига етмасдан Куръони Каримни ёт олишим ва адабиёт фанида ергашган ютукларим одамларни хайратга соларди.

990-йил 10 ёшли келажак буюк олим озининг бошлангич таълим олиш даврини тугатади. У хаммани узини акли билан хайрон колдиради, Куъронни еддан цитата килади ва араб адабиети билими билан койил колдиради. Шу вактдан Ибн Сино шайх бўлади ва мактабга катнамайди. Кейинги таълимни усмир уйга келадиган устозлардан олади. У жуда яхши математика, физика, мантик илмини, конуншунослик, астрономия, фалсафа, география ва бошка фанларни урганади. Уйдаги шароит успиринни рухий ривожланишига ердам беради. Ибн Сино исмаилитларга тегишли булмаса хам, уларнинг таълимини ўрганишга кизикарди. Ибн Сино исмаилитлардан Куъронга кескин караш кабул бўлган булиши мумкин. Ибн Синонинг математика ва фалсафадан таълим берган берган биринчи устози исмаилит бўлган. Таълим олиши жуда

муваффакиятли бўлган ва тез орада шогирд устозига етиб олган ва бир неча марта уни уйлантириб куйган. Уз таржимаи холида шундай вокеани таърифлайди: “мен бир таърифга тахлил бердим у бу каби тахлилни олдин эшитмаган эди. У хайратланиб менинг ота-онамга мени укишдан бошка хич нарса билан банд булмаслигимни маслахат берди”. Эвклид китоби билан хам шундай булди, 5-6 теорема устозим билан, колганларини эса мустакил равшида ургандим. Натили мени энди ўртага олмас эди. У менга: «Узинг уки, теоремаларни еч, кейин эса ёнимга келиб натижаларни курсат. Шунда мен мустакил равшида китобларни ўрганишни бошладим ва бир канча нарсаларни устозим мендан урганди.



(Абу Али ал-Хусайн ибн Абдулла ибн Хасан ибн Сина)




Одам скелети – Абу Али Ибн Сино расми

Уз таржиман таълим олиш пайтларида АбуАли Ибн Сино мехнатсеварлик ва чидамлик Хусусиятларини курсатади: «Мен этика, эстетика, табият хакида яхши илмга эга эдим, кейин мен Аристотелни «Метафизика» китобини укиб чикдим. Мен бу китобни укиб муаллиф нима езганини чунмас эдим. Мен бу китобни 41 марта укиб чикдим, мен хатто ед олдин уни, лекин барибир маъносини чунолмадим. Нихоят мен умид ёкотганимда, бу китобни чуниб

булмас деган хулосага келдим. Лекин бир куни мен бир одамни учратдим, у Ал-Фаробийни «Шархлар» китобини сотаётган еди ва у ерда «Метафизика» китобига батафсил таъриф берилган эди.

Тиббиёт билан Ибн Сино жуда эрта кизика бошлади. 12 ёшга толмаган Ибн Сино анъана буйича машхур шифокор ва файласуф Абу Салах ал - Масихий тавсиясига кура изланишлар билан шугуллана бошлади. «Кейинчалик мен даволаш фанига кизикиб колдим»-деб олимнинг таржимаи холида ёзилган – ва унга оид китобларни укишни бошлади. Тиббиёт фани енг кийин фанлардан эмас эди ва албатта мен енг киска муддат ичида муваффакият козондим ва шундай килиб менинг енимга маслахат олиш учун машхур шифокорлар келишни бошлашди. Мен куплаб беморларни курикдан утказдим ва шунинг натижасида даволашнинг мисли куринмас эшиклари очилди. Мен бу вактда 16 ёшда эдим». Ибн Сино тиббиётни машхур Бухоро табиби, куплаб илмий ишлар муаллифи Абу – Мансур Камарий етакчилигида органар еди унинг Камарийда тахсил олиши куп давом этмади. Ибн Сино мустакил равишда амалиётни ўрганишни тез бошлайди ва шу кадар машхур шифокорга айланганлиги сабабли уни каттик хасталанган Бухоро амири Нуб ибн Мансурни даволашга таклиф қилишади.

Ибн Сино таржимаи холидан ёдга олади: Кунларининг бирида амир каттик бетоб бўлиб табиблар унинг касалини аникай олишади. Менг исмим уларга маълум эди ва бундан хабар топган амир мени  чакиртиришни суради. Мен дархол етиб келдим ва улар билан даволашда катнашдим. Маълумли, бу даволанишлар унга ёрдам берди ва Нух Ибн Мансур яна бир йил давомида Бухорони бошкарди даволагани учун миннатдорчилик сифатида Сомонийларнинг машхур кутубхонасига киришга рухсат этилди.Бухоро ку тубхонаси уша даврларда энг йирик китоб тупламига эга бўлган. Бухоро кутубхонаси хакида Ибн Сино шундай ёзади: мен жуда куплаб хоналардан ташкил топган кутубхонага кирдим. Хар бир хонада жуда куп китоблар жойланган сандиклар бор эди. Хар бир хонада мааълум бир фонга оид

китоблар жойлаштирилган. У ерда мен бошкалар хатто эшитмаган китобларни курдим. Уларни мен хам курмаган едим Ибн Сино учун Бухоро кутубхонасидаги ишлари хайотдан мкхим боскичларидан бири еди.

997 йилда Нух ибн Мансур вафат этди, унинг урнига угли Ибн Нух Мансур II тахтга утирди. Ибн Сино сарой шифокоридан ташкари давлат маслахатчисига айналади, лекин Ибн Нух Мансур вафот этади. Ва унинг урнига Абдул Малик ибн Нух тахтни эгаллайди. У ибн Синони хуш курмаганлиги сабабли саройини тарк этиб, фае ва амалиёт билан шугулланади. 999 йилда Авиценнанинг отаси – Абдуллах ибн Хасан вафот этди ва оила ташвишлари унинг буйнига тушади. Абу Али ибн Сино уз асарларини эрта ёза бошлади. У эрта-ю кеч буюртмага кура ёзар еди. Биринчи китоби «Туплам» деб аталарди ва у ерда математикадан ташкари хамма фанлар хакида маълумот бор эди. Хусайн биринчи китобини улгурмай, этика хакидаги китоб учун бошка буюртма келади. Бу китоб «Муравват – ва гунох» номини олган эди. Аммо хукуматутишида бўлган исмоил оиласига шубха билан карар эди. Бу пайтда Бухоро корахонийлар хони Илек Носир кушини томонидан забт этилган эди ва ибн Сино учун хавфли эди. 1002 йилда Ибн Сино Хоразм пойтахти гурганчга йул олди. У пайтда Хоразм шаркдаги ривожланган давлатларидан бири эди. Хоразмда Абу Али ибн Синони яхши кутиб олишди ва у юкори мансабли олимлар каторидан жой олди. Ибн Сино уз таржимаи холида ёдга олади: Маълум бир сабабларга кура мен Бухорони тарк этишга мажбур булдим ва Гурганчга кучиб ўтдим. Бу ерда фанни яхши курган Абул Хусайн ас-Сахлий вазир бор эди. Мен Абу Али ибн Маъмун билан учрашдим, ва мени мансабдор олим килиб тайинлашди.

1017 йил Хоразм Хорасон хукмдори Махмуд Газнавий томонидан забт этилди ва АбуАли ибн Сино Гурганчни тарк этишгамажбур булди.

Ибн Сино ва Абу Сахл Масихий Коракум чули оркали Гурганчга кочишади. Абу Сахл Масихий Коракум чулларидан утаетган чогида йулдаги кийинчиликлар ва сув етишмовчилигига дош бера олмай бетоб бўлиб вафот этади. Катор екотишлардан сунг Ибн Сино Нисо шахрига келади, бу шахар хозирги Ашхабад енларида жойлашган. Бир оз вакт утиб абиверт шахрига ёл олади. Махмуд Газнавийнинг тинимсиз кузатишлари сабаб у доимий бошпана топаолмайди ва шахардан шахарга кучишга мажбур бўлади. Абу Райхон Беруний тавсиясига кура шох Кобус номига езилган хат бойича Авиценна Джурджан хозирги Эрон чегарасида жойлашган Гурон шахри томон ёл олади. Аммо, Ибн Сино Джурджан шахрига етиб келган пайт Кобус тахтдан агдарилиб камокда вафот етганди. Шу сабабли Ибн Сино аввал Бехистон шахрига ундан кейин Джурджан шахрига кайтиб келади. Джурджан шахрида Ибн Сино 4 йил яшайди. Киска вакт отишига карамай куплаб асарларни яратишга, шогиртлар тайёрлашга улгурди, шунингдек Абу Убайдам Джурджаний хам шулар жумласидан.

Абу Убайдам Джурджаний ёт олади: «хайратга тушаман, хозирги келган бемор уз хасталиги хакида айтолмади лекин сиз ундаги ош козон саратони усимтасини аникладингиз. Хасталанган беморни текширмадингиз-ку». Шунда Ибн Сино шогиртдига тушунтириб берди. «Юрак уриши – бу кон томирларининг кенгайиши ва торайиши натижасида хосил бўладиган харакати унинг тораиши оралигида текширдим. Мен унинг барча белгиларини хиз килгунча такрор текширдим. Шундан сонгина мен юрак уриши мохиятини тула билишга муваффак булдим. Мен текиз ва но текиз юрак уришини фарклай оламан. У толкин симон, учрук симон, икки ур симон, узок, титрокли, киска, кичик, секин ва чумоли симон булиши мумкин. Уларни бир биридан фарклай олиш лозим. Шунингдек у юмшок, шиддатли, асабий, суст, тола ва буш булиши хам мумкин». – «мен буларни тиббиёт китобларида укимаганман!» дейа ажабланди Джурджаний. «Китобларда бу

маълумотлар келтирилмаган»-дейа тастиклади Ибн Сино. « Юрак уриши» хакида алохида илмий асар яратаман, эхтимол у «Канон» таркибига киради.

Тарихий маълумотларга кура, Ибн Сино Д 23 та асар ёзиб колдирган. Д саройда каббо озгаришлар бўлгани сабабли абу Райхон Беруний таклифи билан Рей хухмдори Саи мурожаат килиб кучиб утади. Саида унга ишлаши учун барча кулайликларни яратиб беради Абу Али ибн Сино Саиданинг угли Междунойни асабмкасаллигидан даволашга ёрдам беради ва унинг номи шахарда янада улугланади. Бу ерда уз асарлари устида унумли ишлайди ва табиблик амалиетини утайди. Аммо султон М Саидадан Ибн Синони шахрига жонатишини буюради. Агар Саида буйругни бажармаса султон уруш очишга мажбур булишини айтади. Аммо Саида урушни мана бундай мавзудаги хаф ёзиб бартараф этади. У хакида шундай дейди:Агар хурматли Султон Махмуд Ғазнавий Рейг уруш очса ва ютса, у бир заифа аёлни ютганини бутун дуньё гапиради. Агарда ютказса, хамма аёл кишига ютказгани учун устидан кулади. Тарихчиларнинг тахминига кура бу хатни Иб Сино ёзган. Аммо нима бўлган такдирда хам Ибн Сино Рей шахрини тарк этади ва Хамадан шахрига жойлашади. Хамадан шахри ичак касаллиги билан огриб табиблар ёрдамида мухтож эди. У сурункали колит билан огриган.

Ибн Сино султоннинг дардига шифо бўлади. У сарой шифокори бўлиб колмай вазир бўлиб тайинланади. У аклли ва хакикатгой вазир бўлиб талинади. Давлат ишларидан бошкари у Шифо уйи номли касалхона курилишига катнашган. Фан адабиёт ва табиблик билан хам шугулланишни давом эттирган. Хар бир дакикадан унумли фойдаланган Ибн Сино ўқувчиларни тайёрланган. Шамс-ад-Давланинг ўлимидан сўнг унинг ўғли Таж-ад-Давл салтонат бошига келади ва Ибн Сино тайёрни ва вахирликни тарк этади. Джуржоний ёзишича уз илмий ишни давом эттиради.У Тиб конунларни булимларини ёзилган учинчи китобда ички оргахлар тузилиши ва жинсий органларо тузилиши келтирилган Ибн Сино органларни оддий

(суяк,мускул,бойлам) ва мураккаб (жигар,буйрак ва упка) тулган. Ибн Сино Галенни фикрларига саянган,аммо узи хам тани тузилиши хакида узгартириш ва тузалишлар киритган мисол учун Ибн Сино кон томирлари.




"Тиб қонунлари" лотин тилидаги нашри



Абу Али Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” қўлёзмаси

Бурун суяклари тузилиши ва тепа жағни тўлиқ тас вирлаган Гален ошқозонни коринни ўртасида жойлашган деб бу хатони тугрилаган Ибн Сино биринчи бўлиб бош мияда сезги ва акл марказлари борлигини аниклаган ошқозон яраси хакида ёзган. Ибн Сино энди ўзи шу касалга чалинади 1037-йилнинг 18 июнида Ибн Сино вафот этади.

Ўз билимлари туфайли Ибн Сино куп нарсаларни олдиндан аниклаган. У касалликларни олдини олишга катта эътибор каратган. Касалликларни олдини олиш учун XX-XX1 асрнинг асосий …… хисобланади. Ибн Сино амалий медицинани 2 кисмига бўлган. Биринчи кисмда танани тузилиши Иккинчи қисмда эса касалланган танани уз холига кайтариш нормал холатга келтириш ҳақида.

Ибн Сино одам анатомиясини жуда яхши органган. Тиб конунларининг биринчи китобида суяклар,мускуллар , нерв томирлари (артерия ва веналар) тузилиши номли китобни ёзиб тугатади;

Яралар-хакида китобни кайта ўзгартиришлар киритади. Бундан ташкари Бархаёт-уйготувчининг угли номли фалсафий хикояни яратди. Хайи-ибн-Яхзон-камок бошлигини шундай номлашарди. Бархаёт деб таржима килинарди.

Амир Исфахон Ала-ад-Дасвий Хамаданни босиб олади ва Иб Синони озод килади ва ози хам Тифахонга кучиб утади ва кайта вазирликка тайинланади.Кукмадор билан доимий юришларда бирга тулишига тугри келади. Деярли толловсиз Моваруннахр ва Ирон ўртасида сарсонгарчилик ,доимий огир иш,уйгусиз. Юклар …. Жахоси улимни ……. холсизлантиради. Ячондир ошкозон тугатади хамда фалсафий асари Шифо китоби битказади. Мен хеч качон бундай яхши ишламаган-дейди у Джуржонийга. Аммо янги сабаблар ишни тухтатиб койишади . Айтишларича Ибн Сино аср тушган ва 4 ой мофайнида камокда бўлган. Аммо Ибн Сино тушкунликка тушмаган ва у ерда хам оз ишни давом эттирган. Камок бошлигини даволаб Ибн Сино кочиб кет масликка суз беради ва ундан когоз сиехдан келтиришини сурайди. Тунлари бошлик уз курган кечирганларни ва кишлокда утган хаёти хакида гапиришни яхши куради. Камокда утказилган 4 ой ичида Тугри йул хакида номи. Уни фикрича хам …… олди кисмида хешиёт марбон ўрта кисмида …… сезди, орга кисмда ёки хотира муткази жойлашган. Касалларни даволашда Павлов фикрларига таюниб шартли рефлексларга тасъир утказиб даволаган. Мисол учун корин дам бўлганда беморларга Ичакларни маълум вакт тозаланг шунда бу одат бу тунда киради ва коринадаги тизоватлик халос бетафсиз деб маслахат берган.

Абу Али Ибн Сино бугда кайнатиш йули билан, диабет билан касалланган беморнинг пешобида ок ширин чукма топади, шу билан биргаликда бу

касалликдаги энг мухим белгини топади – пешобни шакар борлигини. Шу билан бирга инглиз Томас Уиллис олимини шу симптомни кашф этилишида олгалаб кетган.

Ута хафли усимталарини аниклашда Ибн Синонинг жуда хам кизик маслахатлари келтирилган. У ута хафли усумталарни жаррохлик йули билан даволашни таклиф этган, уларни катта килиб кесиб ва усимта бор жойини куйдириш, унинг купгина маслахатдлари хозирги кунда хам кулланиб келмокда. Ибн Сино трахеотомия, кон алмаштириш, катетер койиш ва бошка операцияларни жудаям яхши билар еди. Яраларни ювиш учун эса винони ишлатишни таклиф этган. Узок вактгача унинг елка чикканда уни жойига куйиш хакидаги усули кенг кулланилган. Ибн Сино яна хайвонлар терисидан килинган юмшок катетердан фойдаланган, кузнинг операцияларида эса тикишда ип сифатида аеллар сочидан фойдаланган, тугри ичак операцияларида эса чучка терисидан фойдаланган

Ибн Сино клиник ходим сифатида мизажа назарияси таянар эди, ва уни ривожлантирган ва кушимча килга. Ибн Сино шундай езган: “Одам борлиги карама қарши сифатлардан иборат” Ибн Сино шуни таъкидлаганки, юкорида келтирилган сифатларни 4 гурухга бўлган: курук, нам, совук, иссик. Буларнинг хаммаси соглам одамда бир хил тенг холатда бўлади. Гиппокаратни темпераментлар назариясига асосланиб, у одамларни 4 гурухга бўлади. Авиценна фикрича, мижоз билан нафакат инсонлар, балки хар битта одамнинг аъзоси эга: юрак, кон, жигар, упка, артериялар, веналар, тери иссиклик сақлаш хусусиятига эга; суяклар, мия – совуклик хусусиятига эга. Аъзолар курук (суяклар, веналар,юрак, тери ва сочлар) ва нам (мия ва упка) булинади. Хоттоки дори ва махлусотларнинг хам мижози бўлади. Шунинг учун беморни даволашда ва касалликни келиши хакида огохлантиришда одамнинг мижозига эътибор бериш керак ва уларни карама қаршиси билан даволаш керак.

Ибн Сино турли кассаликлар сабабини аниклаб уларни ташки мухит касалликларга ажратади. Унинг фикрига шу вактда хосил бўладиган касалликларни биз таваккал килганимизда юзага келадиган факторларни тушунамиз. Боглик бўлган касрларнинг сабаби – бу организмнинг ташки мухит кирган турли омилларга жавоби хисобланади. Ибн Сино уз давридаги «табимувозанатни» одамларнинг соглик холатини аникловчи рухий муолажаларни очди ва бу одамларнинг яшаш шароитига климатига социал холатига боглик. Шу билан бирга Ибн Сино соғлом ва касал одамларнинг мехнат фаолиятини урганди.

Унинг фикрича асосий белгилар «табий мувозанатга боглик»-яъни юз рангининг узгариши окиш ва кизгиш ранглар орасида, вазиннинг озгариши семизлик ва озгинлик мисолида ва бошкалар кизикарлиси шуки олим шу даврининг узида одамларнинг яшаш шароитига ва социал холатига эътибор берган. У купинча «саънатнинг энг асосийси – соғлиқни сақлаш» деб езган. Яъни бу – турли факторлар мувозана тига; овкат таркибига, тана вазнининг сакланишига бурн билан нафас олиш, кийнишга физиологик ва рухий харакат мувозанатига боглик. Психологиянинг боли мияга богликлиги хакидаги фикр.

Этишларига у рухий касалланган еш йигитни психологик йул билан даволанган. Унга маълум сузлар кетма-кетлигини этиш натижасида унинг пульсидаги узгаришларнинг таъсирини аникланган. Балки бу – психология тарихидаги биринчи психик ташхис усули булишини мумкин.

Унинг мехнатларида болаларнинг тарбияси хакида хам келтирилган. У болаларни, аклли, мехрибон, зукко ва соғлом бўлиб усиши хакида езилган.

Авиценна яна жисмоний машгулотларга хам алохида эътибор берган, шу жумладан соғлиқни сақлаш учун муким деб айтиб утган. Кейинги уринга овкатланиш ва уйкуни куйган.

Абу Али Ибн Сино беморларни даволашда мураккаб дорилардан фойдаланган, ва битта компонент 2-компонентни хоссасини кучайтиради – сусайтиради деб айтиб утган кушимча солиш керак, чунки улар дорини таъмини узгартиришда ва таъсирини узайтиришда ердам беради. Ибн Сино айтганидек бирон дори урганилаетганда хеч кандай зарарсиз булиши керак. Дорини таъсири ўрганиш учун хайвонлар етарли эмас, балки беморларда ўрганиш керак деб айтган. Ибн Сино усимликлардан, хайвонлардан ва минераллардан тайерланган янгича дориларни хам езиб утган. Х асрда Бухоро томонларида казиб чикарилган симобни Ибн Сино уз тажрибасида куп ишлатган. Бу симоб захмни даволашда, хидлаб еки суртиб, бундан ташкари симобли стоматит келиб чикишини хам айтиб утган. Биринчи бўлиб Ибн Сино минерал сувларни ишлатишини бошлаган даволаш учун ундан хар хил захарга қарши дорилар таёрланган, юздан ортик захарли моддаларни топган. Ибн Синони фикирича, оч коринга захарланиш жуда хавфлидир, захарланишни янгича даволаш тизимини ищлаб чикди: биринчи уринда ошқозонни ювиб, узида захарни суриб оладиган дори бериш керак, ураб оладиган мода бериш керак (сут, ег, каймок) огрик колдирадиган бери, иссик хамомни куллаш, иситкич куйиш керак.

Ибн Синони характерли томони фикр еркинлиги болган. Ибн Сино айтган, дунё уйлаб топилмаган, дунё абадийдир. Ибн Сино хар доим инсонни эркинлигини чеклайдиган башоратга такдирга қарши борган.

Ибн Сино тиббиет саволларига жавоб топишда кузатишга ва тажрибага асосланган. Ибн Сино хар доим илмга мехр билан ендашган кузатиш билан текшириб ва тажриба билан текшириб, инсон онгича йул топган. Материя хартдоим харакатда. Дунёда хар доим мувозанатда Ибн Сино 450 ендин китоб ёзган, бизгача 240 якини етиб келган, тиббиет, фалсафа,мантик, физика, кимё, математика, грамматика, тарих, афсона ва бошка фанлар бойича. У асосан форсий ва араб тилидан езилган. Оттиздан ортики тиббиётга багишланган.

Тиббиёт тегишли китоби бу «Тиббиёт конунлари». Шу китоб оркали у дунёга танилган. У бекор «тиббиёт конунлари» деб атамаган. Бу бутун тиббиёт энциклопедиясига ухшайди, у одам соглиги ва касалликларига багишланган. Бу 12 асрдан бери араб тилидан лотин тилига таржима килинган бўлиб, бутун дунё буйлаб таркалган. Бу китоб (Canon medicinea) лотин тилидагиси 1473 йили чиккан, араб тилидагиси – 1543 йилда чиккан. Олдинги асрларга талаба ва домлалар учун асосий китоб бўлиб келган.

Бу китоб юридик томондан конунлаштирилган Краковский университет бошкармасига ш/й ёзилган: «Хар бир студент тиббиётни урганувчи хар бир студент 1-китобни ва 3 –китобни 1- булимини билиши керак дейилган». Хозирги кунгача бу китоб 40 мартда чон этилган. 500 йилдан бери бу китоб Осиё ва Европа халклари учун хизмат килиб келган.

«Тиббиёт қонунлари» 5 қисмдан иборат, хар бир булими тиббиёт олохига сохасига багишланган. 1 – китоб – тиббиёт илми хакида. Китоб туртта кисмга ажратилган. Бу 1 кисмида инсон темпераментлари, органлари ва тиббиёт хакида ёзилган. 2 –кисмига касалликлар хакида – уларни келиб чикиши ва уларни даволаш, касалликлар классификацияси хакида ёзилган. 3 – кисмида – инсон соглигини сақлаш хакида

Ибн Синонинг иккинчи китобида ”оддий”дорилар хакида ёзилган бўлиб унда дориларнинг табиати ва тасир қилиши хакида келтирилган. Бу дорилар усимлик,хайвонва минерал келиб чиккан бўлиб уларнинг 811 таси алфавит буйича кулланилиши,йигилиши ва сакланиши буйича жойлаштирилган. Осимликлар олдимизда усади, лекин одамлар уларнинг шифо бахш хусусиятлари хакида билишмайди. Дарахтнинг илдизи, пустлоги, мевалари ва барглариодамларга касаллик билан курашишгаёрдам беришади. ‘’ Агар шолгом ва асалдан тайерланган богламни хавфли яраган куйса у тузалади,унинг уруги билан сирка кислотасининг аралаштириб гангреноз яраларга куйса улар батамом тузалади ”-шундай деган Ибн Сино озининг

иккинчи ‘’Тиб конунлари”китобида оддий шолгом хакида. ‘’ Агар чаен одамни чакиб олса,лекин у шолгом еган булса, унда хеч нарса килмайди’’. Ваяна:’’Агар захарланишдан олдин ялпиздан тайерланган дамлама ниичса, у захарнинг тасирини камайтиради”. Тиб конунларининг иккинчи китоби нафакат илмий, балки оша даврининг халк табобати хакида хам оргатади. Ибн Сино томонидан таклиф этилган копкина дорилар фармакологияга киритилган бўлиб ва хозиргача кулланилиб келмокда.

Учинчи китоби эса, жудаям катта бўлиб, патология ва терапияга багишланган, -алохида касалликлар ва уларнинг даволаниш хакида ёзилган. Хар бир булими анатомо топографик киритишларга ега.

Тўртинчи китоби эса, жаррохлик, синиш ва чикишлар ,хар хил касалликлар хуружи хакида келтирилган. Унда шишишлар, тери ости йеринглар, хамда юкумли касалликлар хакида ёзилган. Хамда захарлар хакида келтириб отилган.

Бешинчи китоби эса фармакологияга багишланган. Унда мураккаб таркибли дориларнинг тайерланиши ва коланиши хакида ёзилган. Ибн Сино ёзганидек:’’ 37 тагача якин модаллар мураккаб таркибли дориларга ичига кириши мумкин, шунга охшаган дориларни Галлен ишлатган-бу машхур хиндистонли дори бўлиб ва бу мен томоним даночилган”.

Бу китобнинг муваффакияти шундан иборатки, у озининг аниклилиги, ишончлилиги ва касалликларни клиник коринишлари оддий ёзилганлиги, терапевти каниклик ва пархезларани келтирилганлиги билан машхур. Бу хусусиятлар китобни жудаям машхур қилди, унинг муалифига ўрта асрларнинг тиббиёти хукмронлигини берди.

Унинг шеърий ёзилган иккинчи китоби ‘’Китобаш-Шифо’’бўлиб 1326 та мисрадан иборат. Бу китоб тиббиетни органувчилар учун коллама сифатида

ёзилган, унда амалий тиббиет хакида келтирилган. Бу китоб туртта булимдан иборат.

Биринчи кисмида шифокорлик хакида келтирилган. Унда асосан тиббиет хакида, Мижоз хакида, органлар, шарбатлар, конгил хакида ва энергия хакида келтирилган. Ундан кейин одам организимига хавони, овкатни, сувни, уйкини ва уйкусизликни, харакат ва кам харакатликни, кайфиятнинг тасири хакида ёзилган. Бундан кейин эсахар хил касалликларни пульс буйича диагностикаси органлар касалликлар хакида ёзилган. Бундан ташкари сийдик, нажас ва тер буйича диагностикалар курсатилган.

Иккинчи кисмида бемор учун дори ва овкатлар хакида ёзилган. Асосан дориларнинг кучи ва оддий дориларнинг хусусиятлари хакида ёзилган. Кейинхар хил касалликларда коннинг захарланиши, сариксафро, кора сафронинг юзага келиши ва уларнинг даволаш усулари келтирилган.

Учинчи ва тўртинчи кисмларида қўл билан бажариладиган муолажалар хакида келтирилган-кон куйиш, тикиш, яраларни даволаш, чикиш ва синишларни даволаш усулларни кўрсатилган.

Бундан ташкари Ибн Сино шеърий, лирик Уржуза тўплами ёзилган. У тиббиётга багишланган. Ҳар бир аъзо касаллиги ва давоси ҳақида шеърий тарзда ёзилган асар ҳисобланади.

Абу Али ибн Сино касалликнинг олдини олиш учун профилактика чораларини кўриш мухим ахамиятга эга эганлигини айтиб ўтди. Олим бу муаммога катта эътиборни қаратди ва бир неча китоблар ёзди, бу китоблардан бири- ”Саломатликни сақлаш” хакидаги китоб- бу ерда муаллиф гигиена муолажаларининг фойдали томонларини, тана наничикиктиришни, сув муолажалари, хаммом, тугри овкатланишни, огиз

бушлигини тозалашни, уйку ва тетикликни, ич сорадиган воситалар билан ичакларни тозалашни курсатиб утган.

Асосий энциклопедик мехнатларидан бири,тиббиетга тааллукли бўлмаган Шифо китоби 4 қисмдан иборат, мантик муаммоларига бағишланган, физика, математика фанлари, мусиқа, астрономия ва метафизикага бағишланган. Бу китобга “Илмлар” китоби ва “Курсатма” ва қўлланмалар китоби бириктирилган. Умрининг охирги йилларида ёзилган китобларда Ибн Синони фалсафий гоялари ёритилган. Ибн Синонинг мистик китобларига‘’Қушлар хакидаги китоб’’, ’’Севги хақидаги китоб’’, ’’Илтижоларнинг мохияти’’, ””Ўлим қўрқувларидан халос қилиш’’ ва “Таъбирлар’’ хакидаги китобларни мисол келтириш мумкин.



Шундай килиб, улуг истедод эгаси ва мехнатсевар Ибн Синонинг акл ва идроки, унинг шахсий хислатлари ўтган ва хозирги замон табиблари учун ўрнак бўлиб келган ва келмокди.

Барчага маълум афсонада шундай дейилган:”Йиллар, асрлар ўтди. Хамадон буйида, тоглар ёнидаги чап сохилида, ташландик қабристонда баланд ғиштли девор кичик ҳовли ва бирнеча сарв дарахтларини ўраб турарди. Бу ерга, мақбарага хар тонг одамлар йиғиларди. Улар орасида ёш ва қари олимлар бор эди.Улар орасида шундай беморлар хам бор эдики мақбаранинг мўжизавий шифосига ишонишарди. Мақбара ичида,зимистонда қабр устидаги тошда доим қариялар ўтиришарди. Орадан икки юз,тўрт юз, етти юз йил ўтди. Теҳрондан Боғдодга ўтган мусофирларнинг “Буерда ким дафн этилган деган саволига паст овозда

жавоб беришарди:”Бу Абу Али ибн Синонинг Буюк Табибнинг, Буюк инсоннинг қабри”.

## 4.4.Темурийлар даврида Ўзбекистон ҳудудида тиббиётнинг ривожланиши

Темурийлар давридаги тиббиёт ундан олдин ўтган сомонийлар ва қорахонийлар давридаги тиббиётнинг тўғридан-тўғри давоми эмас. Сомонийлар ва қорахонийлар билан темурийлар ўртасида бутун бир аср вайроналик ва турғунлик даври ётади. Маълумки, 13 аср бошларида муғул–татар аскарлари Ўрта Осиёга бостириб кириб, кўп шаҳар ва қишлоқларни ер билан яксон қилдилар, экин майдонларини топтадилар ва барча маданий бойликларни йўқ қилдилар. Касалхоналар, дорихоналар, тиббий мактаблар пайдо бўлди. Кўп табиблар қатл этилдилар. Тиббиёт ҳам бошқа соҳалар сингари, оғир тушкунликни бошидан кечира бошлади. Бундай ҳол бир асрдан ортиқроқ вақт давом этди.

XIV асрнинг 60-70 йилларига келиб, Ўрта Осиё ҳудудида йирик ва кучли темурийлар давлати вужудга келди. Бу давлатнинг асосчиси Амир Темур Мовароуннахр, Хуросон, Хоразм, Олтин Ўрда, Эрон, ҳиндистон, Ироқ, Туркия ва бошқа мамлакатларни барпо этди. Темур бу мамлакатларнинг барча бойликларидан фойдаланиб, ўз давлатини иқтисодий ва маданий жиҳатдан жуда юксак даражага кўтарди. Мамлакатда катта-катта қурилишлар олиб борилди. Фан, маданият, санъат ва адабиёт юксак даражага кўтарилди. Бундай умумий юксалиш жараёнида тиббиёт ҳам ривожланди. Касалхонлар, дорихоналар, тиббий масканлар, кутубхоналар барпо этилди. Мадрасаларда бошқа билимлар қаторида тиббий билимлар ҳам ўқита бошлади.

Амир Темур ўз давлатни идора этиш ва ҳарбий юришларни бошқариш қонун-қоидалари ҳақидаги “Темур тузуклари” (“Темур қонунлари”) номли ҳужжатида бир қанча муҳим тадбирлар қаторида шаҳарларда тиббий

муассасалар қурдирганлигини баён этади. Темур томонида ҳар бир шаҳарда шифохона бўлган, уларда тажрибали табиблар фаолият олиб борган. Самарқандда эса “Доруш-шифо” (“Шифо маскани”) номли йирик касалхона бўлиб, унга ўз замонасининг таниқли табиблари-Мир Сайид Шариф Шерозий (1330-1414) раҳбарлик қилган. Бу табиб асли Журонлик бўлиб, Темурниг таклифи билан Самарқандга келиб, шу касалхонага бошчилик қилган. Шу давр Самарқандда яна бир йирик табиб-Мансур ибн Муҳаммад яшаган. Бу олимнинг тўлиқ исми Мансур ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Илёсдир. Ўша даврдаги етук табиблардан бизга яна Мавлоно Файзуллоҳ Табризий ва “ҳисобиддин Иброҳим Кирмонийлар ҳам маълум. Мавлоно Файзуллоҳ Табризий Темурнинг шахсий табиби эди. У шоҳнинг ҳамма сафарларида бирга бўлган. Темур илм аҳилларини қўллаб-куватланган, ҳар турли фанларни айниқса амалий аҳамиятга эга бўлган фанлар ривожланишининг тарафдори бўлган. У ўзи забт этган мамлакатлардан фақат олтин, кумушларни эмас, балки нодир китобларни ҳам олиб келар эди. Темур бу нодир китобларни сақлаш учун саройда махсус кутубхона (“Китоб гумбази”) қурдирган эди.

Шифохоналарда ишловчи табибларга яхши маош тўланган. Темурнинг махсус фармони билан уларнинг маоши олимлар, мунажжимлар, тарихнавислар ва муҳандисларнинг маошларига тенглаштирилган.Темур ободончиликга, шаҳарларнинг озода сақланишга катта эътибор берган. Айниқса, давлат пойтахти Самарқандни обод қилишга кўп ҳаракат қилган.



Амир Темурнинг портрети



Амир Темур тасвири реконструкцияси

Шундай қилиб, Темур даврида аҳолининг моддий-маънавий ва маданий жиҳатдан яшашга катта эътибор берилган. Халқин соғлиғини сақлаш, беморларни даволаш, етим-есирлар ҳақида ғамҳўрлик қилиш соҳасида муҳим ишлар амалга оширилган. Бундай юксалиш айниқса, Темурнинг набираси Улугбек замонасида тез суръатлар билан давом этган. Улуғбек (Муҳаммад Тарағай қурағоний) фақат давлат арбоби бўлибгина қолмай, шу билан бирга буюк олим сифатида ҳам машҳур. Аммо астраномия соҳасида Улуғбек жуда катта олим сифатида дунёга машҳурдир. Улуғбек даврида Мовараунаҳр ўз тарихида иккинчи юксалиш даврини бошида кечирди. Улуғбек Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда ўнлаб мачитлар, мадрасалар, ҳаммомлар, карвон саройлар, йўллар, шифохоналар қурдирди. Булар ичида энг машҳур Улугбек расадхонасидир. Бу расадхонада унлаб олимлар хизмат килардилар. Улугбек тиббиёт илмига ҳам катта аҳамият берган. Самарқандда бир касалхона қурдириб, унда ишлаш учун Кирмон шаҳридан табиб Бурхониддин Нафис ибн Авазни таклиф этган. Бу табиб Улуғбекнинг сарой табиби вазифасини ҳам

бажарган. Бурхониддин ибн Аваз асли ўзи Эронлик бўлган. Улуғбек ўз табибининг билими ва тажрибасини қадрлар эди.

Бурхониддин Нафиз ибн Авазнинг ““““Дори тайёрлаш  санъати”  номли асари ҳам бўлган. Бу китобда муаллиф оддий ва мураккаб  дорилар рецептини  тузиш, уларни тайёрлаш ва ишлатиш усулларини баён этади. Унинг даврида табиблар ўртасида моҳир жарроҳлар ҳам бўлган. Шулардан бири Тожиддин Хаким эди. Бу жарроҳ анча мураккаб   операцияларни ҳам қилган. Масалан, кўз катарактасини операция йўли билан муваффақиятли даволаган. Демак, Улуғбек даврида бошқа фанлар қатори тиббиёт ҳам анча юксалди. Ўша даврда кўп табиблар пайдо бўлди.

Улуғбек билимнинг аҳамиятини жуда яхши тушунган. Олимларни жуда қадрлаган. Билимнинг келажаги порлоқ эканига ишонган.  Масалан, у ўзиниг машҳур асари ““““Зижи қурғоний” нинг кириш қисмида бундай ёзган эди: ““““Мутаасиб фикрлар фақат олимларнинг асарларигина абадийликда колади”. Билим билан шуғулланишнинг нақадар  зарурлигини таъкидлаб, Бухорода қурдирган мадрасаси иситокига  қуръондан олинган бундай сўзлар ёзилган экан: “Билим олиш ҳар бир  муслим ва муслиманинг бурчидир”.



Улугбек тасвири реконструкцияси



СамарқанддагиУлуғбек обсерваторияси

Улуғбек Самарқандда икки қаватли махсус мадраса қурдириб, унда дорилфунун очган. Мадрасада талабалар ўқиганлар ва шу жойда истиқомат қилганлар. Дорилфунуннинг бош мударриси этиб машҳур олим қозизода Румий тайинланган. Дорилфунунда асосий фанлар сифатида астрономия, математика, фалсафа, бадиий адабиёт ўқитилган. Тиббиётдан ҳам дарс берилган.

"Олимлар уйи (Академия)" бор эди. Бу Академияда юзга яқин олим уюшган эди. Улар орасида таббиблар ҳам бўлган. Масалан, Бурхониддин Нафис ибн Аваз ҳам шу Академиянинг аъзоси эди.

Темурийлар сулоласининг фан, маданият ва иқтисодий ҳаёт ривож топган охирги босқичи Султон ҳусайн Байқаро ҳукмронлик қилган вақтга тўғри келди. Бу даврга келиб Темурийлар ва сулоласи сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан сезиларли даражада сусайиб қолган бўлса-да, лекин, адабиёт ва санъат соҳасида анча юқори даражада эди. Ҳусайн Байқаро саройда бош вазирлик лавозимини эгаллаган буюк шоир ва давлат арбоби–Алишер Навоий раҳбарлик қилган ва ташаббускорлик кўрсатган. Мовараунахр ва Хуросонда ўша даврда юзлаб бинолар барпо этилди. Бу даврда турли фанлар, айниқса, аниқ фанлар ва тиббиёт ривож топди. Деярли ҳар бир шаҳарда касалхоналар очилган бўлиб, уларда ўнлаб тажрибали табиблар беморларни даволаш билан машғул эдилар. Улар орасида машҳур олимлар бор эди. Шулардан бири Неъматуллоҳ ибн Фахриддин Муборакшоҳ Хаким Кироний бўлиб, у ҳусайн Байқаронинг шахсий табиби эди. Бу табиб Хаким Кирмоний номи билан машҳур бўлган. Хаким Кирмоний фақат табиб эмас, шу билан бирга чуқур билимли файласуф, олим ва шоир эди. У """"Хакимий" таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Хаким Кирмонийнинг шеъриятидаги қобилияти ва тиббиётидаги катта тажрибасини ҳисобга олиб, уни буюк шоир ва иккинчи Ибн Сино деб атар эдилар. Хаким

Кирмонийнинг бизга маълум бўлган асари 1464 йилда ёзилган ““““Хосиятлар денгизи”  номли китобдир. Муаллиф ушбу китобда шарқнинг буюк табиблари асарларидан намуналар  тўплаб, уларни ўз тажрибалари ва билимлари  билан бойитган. У айниқса шифобахш ўсимликларни яхши ўрганган.

“Хосиятлр  денгизи” бир муқаддима, уч бўлим ва бир хотимадан иборат. Асарда алфавит бўйича турли шифо хусусиятига эга бўлган ўсимликлар, парранда ва ҳайвонларнинг номлари баён этдирилган. Уларнинг юнонча, арабча, форсча, ҳиндча ва туркий номлари ҳам кўрсатилган. Баъзи дориларнинг ўзбекча номлари ҳам берилган. Китобнинг биринчи бўлими (мақоласи) якка ҳолда ишлатиладиган  дорилар ҳақида, иккинчи бўлими мураккаб дориларга бағишланган. Бу  ерда бир неча хил моддаларни қўшиб тайёрланадиган усул ва ишлатиш  йўллари кўрсатиб берилган. Бу қисмда ҳайвонлардан олинадиган  дорилар ҳам баён этилган. Китобнинг учинчи бўлимида муаллиф қайси  дорини ишлатиш кераклигини кўрсатиб беради. Бунда касалликнинг  хили ва оғир–енгиллигига қараб, оддий ёки мураккаб дори ишлатиш  кераклигини уқтиради. Ушбу бўлимда парҳез таомлар ҳам кўрсатилган. Китобнинг хотима қисмида муаллиф тиббий атамалар масаласига тўхталади.

Ҳусайн Байқаро саройида яна бир табиб–Муҳаммад ҳусайн Нурбахший Баҳоуддавла ибн Мирқивомиддин ҳам хизмат қилган эди.   Бу олим табиблик билимини дастлаб Райда, сўнгра Хиротда ўзининг  машҳур асари “Тажрибалар хулосаси” ни ёзган эди. Асар дарслик сифатида тузилган бўлиб, талабаларга мўлжалланган эди. Унда  касалларга ташҳис қўйиш ва уларни даволаш усуллари  кўрсатилган.Китобда муаллиф қадимги замоннинг машҳур тиб олимларининг  фикрларини ҳам келтиради. Шу билан бирга ўз шахсий кузатишлари натижаларини ҳам баён этган. У ўз тажрибаларига асосланиб, илгари табибларга маълум бўлмаган касалликларни келтиради. Масалан, у  баҳорда учрайдиган аллергик иситма

касаллигини биринчи бўлиб ёзган. Нурбахший Баҳоуддавла шарқ табибларидан биринчи бўлиб болаларда учрайдиган кўкйутал, оташак (заҳм), касалликлари ҳақида маълумот берган ва уларни даволаган.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўрта Осиё XV-XVI асрларда тиббиётнинг ривожланиши Алишер Навоий номи билан боғлиқ бўлган. Навоий ўзи табиб бўлмаса ҳам, тиббиётнинг ривожланишида жуда катта роль ўйнади ҳамда улуғ инсонпарвар олим ва давлат арбоби сифатида мамлакатда соғликни сақлаш ишларинининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Навоийнинг ташаббуси билан мамлакатда 300 дан ортиқ турли маданий–маиший бинолар, касалхоналар, дорихоналар, тиббий мактаблар барпо этилди. Айниқса, ўша вақтда пойтахт ролини ўйнаган Хиротда жуда кўп қурилиш ишлари амалга оширилган.

Навоийнинг тиббиёт, табиблар ва саломатликни сақлаш ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари унинг машҳур “Маҳбуб ул кулуб” (“қалблар севгилиси”) номли китобида баён этилган. Китобда бу масалага махсус боб (15-боб) бағишланган. Навоий ўз асарларида саломатликни сақлаш ва бунда табибларнинг роли ҳақида фикр юритар экан, аввало табибнинг ўзи қандай одам бўлиши керак, деган масалага тўхталиб ўтади. Унинг фикрича, табиб биринчи галда ўз касбини яхши эгаллаган моҳир мутахассис бўлиши лозим, у раҳм-шавқатли, инсонпарвар бўлиши керак. Табиб донишмандларнинг маслаҳат ва тавсияларига амал қилиши лозим. У ёқимтой, дилкаш, хушмуомала, камтарин бўлиши даркор. Тажрибасиз, чаласавод, нодон табибни Навоий жаллодга ўхшатади. Навоий саломатлик ва хасталик ҳақида сўз юритар экан, шароб масаласига тўхталиб ўтади. Шаробни у заҳарга қиёс қилади ва ичкиликбозликга берилиш киши танасининг заифлашиб, касалга чалинишига сабаб бўлади дейди. Бундан ташқари, Навоий бошқа зарарли одатлардан (нашавандлик, қорадори истеъмол қилиш, шаҳвоний ишга берилиш ва ҳ.з.) ҳам сақланишни тавсия этади. Саломатликни сақлаш

борасида Навоий биринчи ўринга тўғри ва сифатли овқатланишни қўяди. Бадхўрлик қилмасликни тавсия этади.

Навоий ўтмишнинг буюк табиблари ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларни билдирган. У Ибн Синога жуда юксак баҳо берган. Уни ақл-идрок ва тафаккур рамзи деб атаган. Шундай қилиб, улуғ шоир тиббиёт масалаларида ҳам дурустгина билимдон инсон бўлган. Аммо Навоийнинг амалий тиббиёт билан шуғулланганлиги маълум эмас.

Мовараунхарнинг барча шаҳарларидан энг тажрибали табибларни таклиф этган. Касалхонанинг бош табиб вазифасига ўша вақтдаги йирик табиб ва олимлардан бири Мавлоно ғиёсиддин Муҳаммад ибн Жалолиддин тайинланган. Навоий кўрсатмаси билан касалхонага асосан камбағал, ночор беморлар қабул қилинган. Даволаш бепул бўлган. Бундан ташқари, камбағал, бева-бечораларга иссиқ овқат тарқатилган. “Ихлосия” мадрасасида ўша вақтда энг кўзга кўринган олимлар мударрислик қилганлар. Улардан Амир Бурхониддин Атауллоҳ Найшапури, қози Ихтиёриддин Хасан Турбатий, Амир Мўртазо, Мавлоно Фасихиддин Низомий каби олимлар айниқса, катта шухрат қозондилар.

Хиротда Шаҳристон ичида яна бир касалхона бўлган. Унга “Дор унт-шифо” (“Даволаш маскани”) деб ном берганлар. Бу шифохона ҳам Навоий қўл остида бўлган. Ҳар икки шифохона шарқ архитектураси қоидаларига биноан жуда кўркам қилиб, мадраса кўринишида курилган. Машҳур тарихчи Хондамир (ғиёсиддин ибн Хумомиддин) нинг ёзишича, касалхонларда даволаш ишлари ва талабаларни ўқитиш сифати юксак даражада бўлган. Мударрислар қаторида моҳир жарроҳлар ҳам бўлган. Шулардан бири Шайх ҳусайин эди. Маълумотларга кўра, у шу қадар моҳир бўлган-ки, бир вақт ўн саккиз жойдан пичоқ еган навкарнинг жароҳатларни муваффақиятли тикиб, уни соғайтириб юборган.

Навоий барпо этган “Шифохия” касалхонаси ва “Ихлосия” мадрасасининг шухрати ўша вақтдаёқ бутун шарқга ёйилган эди. Бу  ерга бошқа мамлакатлардан кўплаб талабалар келиб, билим олишган ва мутахассис бўлиб, ўз юртларига қайтишган. Демак, Навоий замонасида тиббий билимлар ва амалий тиббиёт юксак даражада ривож топган.Навоий ёмон урф-одатларини, битъат ва хурофотга бутунлай  қарши эди. У Астрободдан ёзган бир хатида ҳусайн Бойқародан Хиротда кўпайиб кетган ишратхоналарни, қиморхоналарни,  ичкиликхоналарни ёпишни, бозорларни тафтиш остига олишни, нарх-наво тартибга солишни, бозорда сотиладиган озиқ-овқатлар ва  меваларнинг сифатини текшириб туришни талаб этади. Навоий бундай кераксиз муассасаларни ёпиш ҳисобига мактаб, мадраса, касалхоналар ва кутубхоналарни кўпайтиришни тавсия этади.

Навоийнинг ҳомийлиги остида ўша замонда Хирот, Самарқанд, Бухоро, Марв, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ўнлаб олимлар, санъаткорлар, шоирлар ва табиблар ижод қилдилар. Ўша даврда (15 аср) яшаган табиблардан Муҳаммад Мойин, қутбиддин Одам, ғиёсиддин Муҳаммад Дарвиш Али, Муҳаммад табиб Абдуалхай Туний, Низомиддин Абдулхай, Султон Мурод, Шоҳ Ҳусайн, Шомий табиб кабиларни кўрсатиш мумкин.Муҳаммад Мойин йирик табиблардан бўлган. У “Шифохия” касалхонасида хизмат қилган ва шу ердаги тиббий мактабда дарс берган. Подшоҳ қарамидагилар ҳам шу табибда даволанишган.

Қутбиддин Одам Хуросоннинг энг машҳур табибдаридан бўлган. Уни ҳатто шарқнинг Жолинуси деб атаганлар. У ҳам “Шифохия” касалхонасида хизмат қилган.Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Жалолиддинга Навоий жуда юксак баҳо берган. У “Шифохия” касалхонасида бош табиб вазифасини бажарган ҳамда тиббий мактабда тиб илмидан дарс берган. Олим тиббиётдан бошқа фанларни ҳам яхши билган. ғиёсиддин Муҳаммад Илоқийнинг “Даво” си ва Нафис ибн Авазнинг ““қисқа шарҳ” асарларига ҳошия ёзган.

Дарвиш Али табиб ўзининг ўткир зеҳнли, юксак даражада маъданиятлилиги нозик табиати ва хушмуомалалиги билан бошқалардан ажралиб турган. У жуда мушоҳадали бўлган. Шу сабабли касалликларни аниқлаш ва даволаш усулларига бир қанча янгилик киритган. Навоийнинг таъбирича Дарвиш Али ўша замоннинг илғор ва билимдон табибларидан бўлган. Бу олим Хирот ичкарисидаги ““““Дор уш шифо” да хизмат қилган ва сарой амалдорларини даволаган. Дарвиш Алининг ““Кишиларга эслатма” номли тиббий асари мавжуд. Бу асарда муаллиф саломатликни сақлаш ва касалликларни даволаш ҳақида сўз юритади.

Абдулҳай табиб Туний тажрибали табиб бўлган, ўткир зеҳнли ва қобилияти билан ажралиб турган, камтарин одам бўлган. Аммо, бу табиб шароб ичишга берилиб кетиб, олимлар оламидан узоқлашиб қолган.Низомиддин Яҳё Абдулҳай табиб ўз замонасининг машҳур кишиларидан бўлган, ўзининг чуқур билими ва тажрибалари билан бошқалардан ажралиб турган. У сарой хизматидаги табиблардан бири бўлган. Хозик Султон Мурод табиб ҳам жуда шуҳрат қозонган. У чуқур билим ва тажрибага эга бўлган.Шоҳ Ҳусайн биз айтиб ўтганимиздек, машҳур жарроҳ бўлган. Мусулмон Шарқи мамлакатларида одам анатомияси ўқитилмагани сабабли жарроҳлик яхши ривожланмаган бўлса ҳам, айрим табиблар яхши жарроҳ бўлиб етишганлар. Шоҳ Ҳусайн шулардан бири эди.

Шоҳ Ҳусайн беморни операция қилишда оғриқсизлантирувчи модда ишлатган. Операция қилишган жойни тикишда қўй ичагидан тайёрланган тор (ип) ишлатган. Шомий табиб ҳақида Навоий бундай деб ёзган эди: “Мавлоно Шомий аввал руҳоний бўлмоқчи эди. Аммо у тиббиётни ўргана бошлади ва ниҳоят табиб бўлиб етишди. Бу соҳада у яхши билим ва тажриба орттирди. Булардан ташқари Хуросон ва Моварауннахрнинг бошқа шаҳарларида ҳам ўнларча табиблар яшаган. Темурийлар авлодининг охирги намояндаларидан бири-буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби - Заҳириддин

Муҳаммад Бобур эди. У 16 чи асрнинг бошида мамлакатга Шайбонийхон қўшинлари бостириб келгандан сўнг, ҳиндистонга ўтиб кетиб, у ерда ўз давлатини барпо этади. Тарихда бу давлат улуғ муғуллар сулоласи номи билан маълум.

Бобур илм-фан маърифатга катта аҳамият беради. Олим, шоир ва санъат аҳилларини доимо қўллаб-қуватлар, саройдан жой бериб, ижодий фаолиятлари учун яхши шароит яратиб берган эди.Бобур саройидаги фозиллар қаторида йирик тиббиёт олимлари ҳам бор эди. Шулардан бири ўша замонда кўзга кўринган табиблардан Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Харавийдир. Бу табиб ““““Юсуфий” номи билан танилган.Юсуф табиб Хуросоннинг Хоф шаҳрида табиб оиласида дунёга келган. Туғилган йили маълум эмас, вафот этган 1514 йилда. У умрининг охирини ҳиндистонда ўтказди. Уни Бобур ўз саройига таклиф этган эди.

Юсуф табиб тиб илмига оид кўпгина асарлар ёзган эди. Биринчи асарини олим ҳали ёш пайтида ёзган эди. Бу асар ““““Овқат ва ичимликлар ҳақида рисола” деб аталган. Асарда муаллиф нормал овқатланиш тартиби ва суюқликларни истеъмол қилиш қоидаларини кўрсатган. Бу китобнинг қиммати шундаки, унда муаллиф овқатланишда ўрганилган шартли рефлексларга риоя қилиш зарурлигини таъкидлайди. Чунки, киши бир кунда неча марта ва қайси соатда овқатланишга ўрганган бўлса, шу режимни бузмаслигини тавсия қилади. Кейинги асари - “Мурувватли кишиларга фойда келтириш” деб номланади. Китобда тиббиёт масалалари кенгроқ қамраб олинган. Энг муҳими унда соғлиқни сақлаш масалалари баён этилганлигидир. Муаллиф касалликни келиб чиқиш ва ривожланиши масаласида ўша замон тушунчасига мувофиқ организмдаги тўрт суюқлик - қон, сафро, савдо ва хилт назариясига асосланади.

Юсуф табибнинг энг машҳур асари “Касалликларни даволаш”дир. Бу асарда организм барча аъзоларининг касалликлари, уларни аниқлаш ва

даволаш тадбирлари баён этилган. Асарда аввал бош мия кассаликлари баён этилади, сўнг қуйи аъзоларга ўтилади. Бош мия касаллигига тўхтаб, муаллиф беъмор руҳи ўзгаришини ҳам эслаб ўтади. Мияга қон қуйилиши (инсулт) ҳақида ҳам фикр юритилган. Бу вақтда қон зарурлиги кўрсатилган, захм касаллигини аниқлаган. У касалликда таносил аъзоларининг зарарланишини кўрсатади ва бу касалликни даволашда симоб препаратларини ишлатган. Захм касаллиги жинсий алоқа орқали юқишини кўрсатган.Китобнинг дастлабки нусхаси мураккаброқ ёзилган бўлиб, тушунишга қийин эди. Кўпчилик табибларнинг илтимосига кўра, муаллиф ўз китобини қайтадан ёзиб, унинг қийин жойларига шарҳ ёзади. Хусусан, касалларни даволашда ишлатиладиган мураккаб дориларни аниқ тушунтириб беради. Китобнинг номини ўзгартириб, уни “Нафиъ тўплами” деб атади. Бу китобни ҳинд табиблари ўз тилларига таржима қилиб, уни “Юсуф тиббиёти” деб атадилар. Китоб 1882 йилда хоразмлик табиб Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Захирхўжа ал–Хусайн томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида темурийлар даврида тиббиёт анча юксак даражага кўтарилди. Шаҳарларда касалхоналар, тиббий мактаблар, кутубхоналар қурилди. Ўнлаб машҳур табиблар етишиб чиқди. Улар беморларни даволаш билан бир қаторда тиббий мактабларда талабаларни ўқитганлар. Тиббиёт бошқа фанлар сингари Улуғбек ва Ҳусайн Бойқаро томонидан айниқса юксак даражада ривожланди.

## 4. 5. Ўрта аср бошларида Россия ва Ғарбий Овропа мамлакатлари тиббиёти

П.Е Заблудовский, М.П. Мультановский ва бошқа муаллифлар маълумотига кўра XI—XVI асрларда феодал Россияда тиббий билим халқ тиббиёти сифатида ривожланди . Халқ тиббиёти оилавий мақомга эга эди. Бу касб наслдан-насга ўтиб келди. Халқ тиббиёти билан шуғулланадиганларга хам хақ тўлаш керак

эди, шунинг учун ахолининг фақат даромади бор қатлами буларнинг хизматидан фойдалана олишар эди. Шаҳарлик табибларнинг дори сотадиган дўконлари бор эди. Дорилар асосан, доривор ўсимликлардан тайёрланган, даволаш мақсадида ўндан ортиқ ўсимликларнинг турларидан фойдаланилган. Шундай ўсимликлар қўлланилганки, ҳатто буларни Ғарбий Овропада билишмасди. Византия, Арманистон, Грузия, ва Ўрта Осиё билан йўлга қўйилган кенг савдо-сотиқ алоқалари туфайли Киев Русида хам тиббий билимлар тарқалишига сабаб бўлган. Бу ерга Сурия, Арманистон ва бошқа мамлакатлардан врачлар келган.

Кўпгина қадимий қўллёзмаларда минатюр расмлар келтирилган. Бу минатюраларда беморни қандай даволашгани, жарохатланганларга ёрдам кўрсатиш, ибодатхоналардаги касалхоналарнинг тузилиши тасвирланган., доривор ўсимликларнинг, тиббий асбобларнинг, протезларнинг расмлари келтирилган. XI асрдан бошлаб минатюралардан жамоат, овқатланиш ва шахсий гигиена, бундан ташқари рус халқининг санитария холатлари кўриниши акс эттирилган. Инсон саломатлигини юридик бахолашга русча хуқуқий тушунчалар тизимига тан жарохати, зўрлаб ўлдирилганлигини аниқлаш фактлари каби тиббий элементлар ҳам киритилди.





Эрта ўрта асрларда дорихоначининг Қон чиқариш, даволаш усули сифатида дўкони

Киев Руси даврида дипломли врачлар бўлмаган. Киев князлари саройларида чет эллардан келган врачлар ишлаган. Византиядан Киев Русига христиан дини олиб келинди, қабул қилинди, черковлар ва рохибхоналар даволаш билан боғлиқлиги белгиланди. Черковдаги рухонийлар беморларни парвариш қилиш ва даволаш иши билан шуғулландилар. Рохиблар орасида ўз касбини яхши биладиган кўпгина, табиблар (лечци) бўлган. Киев Руси князи Владимир Святославич томонидан табибларнинг, тиббий муассасаларнинг хақ-хуқуқларини «Буюк княз Владимир Святославич Устави» номли хужжат билан қонун жихатдан белгилади. XI асрдан Киев Русида рохибхоналар қошида касалхоналар қурила бошланди. Бу касалхоналар нафақат рохибхонадагиларга, балки ахолига хизмат кўрсатишга хам мўлжалланган.

XIII аср ўрталарида Рус феодал давлатининг иккинчи даврида Шрақий-Шимолий Руссия пайдо бўлди. Бу давлатнинг пойтахти дастлаб Суздал, сўнг Владимир шахрида жойлашган эди. Шарқий-Шимолий рус давлати унчалик катта эмас эди. Шунинг учун бу ерда маданий хаёт хам, тиббиёт хам деярли ривожланмади. XIII аср ўрталарида Рус давлати бошига кулфат мўғиллар – татарлар уруши бошланди. Барча шахарлар вайрон қилинди, иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш бузилди. Татар-мўғил уруши, 1240 йилдан 1480 йилгача давом этди, Рус давлатининг иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланишини узуқ вақтга тўхтатди. Мўғиллар уруши билан боғлиқ иқтисодий инқирозлар, Рус давлатининг санитар холатига хам таъсир қилди ва эпидемиялар ривожланишига сабаб бўлди.

XV аср охирида Иван III даврида Русиянинг шарқий қисмида Москва Феодал давлати вужудга келди. Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-сотиқ ривожлана бошлади. Янги савдо-сотиқ ва хунармандчилик марказлари келиб чиқди. Илми ва маданият хам ривожлана бошлади. XVI аср бошида тиббиёт ривожланишида хам ўсиш кўринди. Россияда ўша вақтда ўндан ортиқ тиббий

касблар: табиблар, дохтурлар, ўтчилар, рудометлар (қон чиқарувчи), доя хотинлар, тошларни олувчилар, каххоллар. Касалликларни ўтлар, томирлар ва бошқа гиёхлар билан даволашган. Табибларнинг доривор гиёхлар ва бошқа жойлардан олиб келинган доривор воситаларни сотадиган дўконлари бўлган. Табибларнинг хизматидан асосан бой шахарликлар фойдаланганлар, хизматига хақ табибнинг таниқлилига боғлиқ ва дориларга кетган харажатига, касаллик оғир енгиллигига ва врачнинг беморни қанча вақт даволаганлигига қараб бериларди. Ахолининг асосий қисми халқ табиблари хизматидан фойдаланишарди.

XIV асрда Россияда хам Оврупа сингари чечак, вабо ва бошқа ўткир юқумли касалликларнинг эпидемияси тарқалди. Тарихий маълумотларга кўра эпидемия қуйидаги шахарлар: Смоленск, Киев, Суздал, Глухов, Псков, Москвага тарқалди. .Ўлим шу даражада юқори бўлганки , кўпгина ховлилар, оилалар ва кичкина қишлоқлар тўлиқ ўлган. Москвада эпидемияга қарши олиб борилган тадбирлар ҳақида қуйидагича ёзишади: беморлан соғломлардан ажратиш, зараланган ўчоқларни ажратиш, зараланган уйлар, кварталларни ёқиш Бу шуни кўрсатади, ўша вақтдан халқда юқумли касалликлар хақида, уларнинг тарқалиши ва йўқ қилиш йўллари хақида тушунча бўлган.

Москва давлатида давлат соғлиқни сақлаш ташкилотлари XVI аср охири Иван IV даврида “Дорихона махкамаси” таъсис этилди, XVII асрда “Дорихона буйруғи” га алмаштирилди. Бу буйруқ мамлакатда дори-дармонлар тайёрлаш дорихоналарни кузатиш, врачлар малакаси ва фаолиятини, юқумли касалликлар тарқалмаслиги учун жамоат гигиенасига риоя қилишни, харбий қисмларга врачлар тайинлашни, суд-тиббий экспертиза ўтказишни хам назорат қилишган..

**Ўрта асрларда (эрта ва классик даврларда) Ғарбий Оврупа мамлакатларида тиббиётнинг ривожланиши**

Т.С. Сорокин, В.П. Романюк, П.Е. Заблудовский ва бошқа муаллифлар маълумотиги кўра Оврупада шахарларнинг ўсиши билан хакимлар ва савдогарлар қатлами ривожланди. Оврупада ўрта аср даврида, хусусан, унинг

дастлабки икки босқичида фан ва маданият сохасида ривожланиш бўлмади. Аксинча, бу даврда Оврoпа моддий ва маънавий хаёт жихатидан турғунлик даврини бошидан кечирди. Барча маънавий маданият черков хукумронлигида эди. Ўрта асрларда илм черков хизматкори хисобланган, унга белгиланган диндан ташқарига чиқишга рухсат берилмаган. Ўрта асрларда илм маркази, шу жумладан тиббиётнинг илмининг . хам, университетлар бўлган. XI асрла Неапол яқинида Салерно университети келиб чиқди, XII—XIII асрларда Болонье, Моипел, Париж, Падуе, Оксфордда университетлар пайдо бўлди, XIV асрда Прага ва Венада. Университетларда ўқийдиганлар сони барча факултетларда бир неча ўнтадан ошмасди. . Университет уставлар ва ўқув режаларини католик черков назорат қиларди. Университетларда бир нечта антик олимлар ва ёзувчиларни ўрганишга хам рухсат берилганди. Тиббиёт сохасида расман рухсат берилган олимлар Гален, Гиппократ, Ибн Сино эди. Галеннинг фақат идеологик хулосалари ўқитиларди, тадқиқот усуллари (тажриба, ёриш) мумкин эмас эди. Гиппократ асарларидан табибий фанлар ва тиббиёт тажрибалари эмас, фақат текстлари ўрганиларди. XIII—XIV асрда университетларда тиббиётда фанда схоластика хукумронлик қилди. Хар қандай эркин фикр таъқиб остига олинди.

Оммавий эпидемия пайтларида VI асрда ўликларни ёриш ўтказилган. Лекин бу тиббиётни ривожланишига кам ахамият касб этган. 1231 йил . император Фридрих II 5 йилда бир марта одам ўдигини ёриб кўришга рухсат берган, лекин 1300 йил рим папаси скелет қилиш учун қайнатиш ёки одам ўлигида аъзоларни кесганларга оғир жазо белгилайди. Вақти вақти билан баъзи университетларда ўликларни ёришга рухсат бериларди. Монпельедаги тиббиёт факултети 1376 йил ўлимга ҳукм қилинганларнинг ўлигини ёришга рухсат олишади, Венецияда 1368 йил бир йилда бир марта ўликни ёришга рухсат берилади. Ёришни одатда цирюльник (сартарош) ўтказган. Ёриш вақтида назариётчи профессор лотин тилида Галеннинг асарини ўқиган, одатда фақат кўкрак ва қориш бўшлиғи ёрилган. 1316 йил. Мондино де Луччи «Анатомия» китобини ёзди, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарининг биринчи китобининг анатомияга

бағишланган қисмидан олган, ўзгартиришга харакат қилган. Икки асрдан кўпроқ вақт Мондинонинг китоби анатомиядан дарслик сифатида қолди.

Ўрта асрларда амалий тиббиёт тармоқларидан, кўп сонли урушлар сабали жаррохлик ривожланди. Ўрта асрларда жаррохлик билан тиббиёт факултетини тугатганлардан ташқари, суяк тўғриловчилар, сартарошлар хам шуғулланганлар.

Фармация ўрта асрларда жуда алхимия билан боғлиқ бўлган. Дорилар орасида асосий ўринни захарга қарши воситалар эгалларди.

Кўпчилик врачлар рухоний орденига эга эдилар. Ахолига врачлик ёрдамини кўрсатиш рухонийларга ёзилган эди. Кўпчилик рухонийларда тиббий билим йўқ эди.

**4.6. Шайбонийхонлар ва аштархонийлар даврида Ўзбекистонда тиббиёт (ўзбек хонликлари)**

Темурийлар сулоласи 15 аср охирига келиб, тушкунликга учради. Сиёсий хокимият заифлашди, иқтисодий ҳаёт издан чиқди. 1506 йилда охирги Темурийлардан бўлган ҳусайн Байқаро вафот этди. Заҳириддин Бобур ватанни тарк этиб, ҳиндистонга ўтиб кетди. Мовараунахрда ягона давлат тузиш қўлидан келадиган куч қолмади. Тожи-тахт учун олиб борилган тўхтовсиз урушлар ва чеки йўқ турли солиқлардан тинкаси қуриган халқ охирги Темурийларни қўллаб–қувватламади. XVI аср бошида Мовароуннахрни Шайбонийхон қўшинлари забт этдилар. Шайбонийхон одамлари ўзларини биз ўзбеклармиз, деб атардилар. Улар бу ердаги маҳаллий ўзбеклар (туркий халқлар) билан аралашиб кетиб, янги давлатни-ўзбек хонлигини барпо этдилар. Шайбонийхон Самарқандни ўз давлатининг пойтахти, деб эълон қилди. Бухорони укаси Маҳмудсултонга берди. Тошкент ва унинг атрофидаги ерларни қариндошларига (Кучқунчи Султон ва Суюнчи Хўжага) бўлиб берди. Сўнг у Хуросон ва Хоразмни босиб олди. Хуросонга ўз ўғли Темур Султонни хоким қилиб қўйди. Шундай қилиб, Шайбонийлар сулоласи пайдо бўлди. Бу сулоланинг асосчиси Шайбонийхон анча билимдон эди. У адабиёт ва санъатга қизиқар, бу соҳа аҳилларини

қўллаб-қуватлар эди. Темурийларга тақлид қилиб мамлакатда иқтисодий ҳаёт, фан ва маданиятни ривожлантиришга интилди. Бу борада у баъзи тадбирларни ҳам амалга оширди. Аммо темурийлар шон-шухратига ета олмади. Дастлабки йилларда эса ҳарбий туполонлар натижасида мамлакат қўшимча вайронагарчиликларга учраган эди. Шайбонийхон аскарлари босиб олинган шаҳарларни талон-тарож қилар эдилар. Бунинг натижасида халқ хонавайрон бўлар, халқ ўртасида турли касалликлар тарқалиб кетар, минглаб кишилар ҳалок бўлар эдилар. Тарихда бу даврда бир неча бор эпидемиялар тарқалиб кетганлиги маълум.

Давлат барқарор топгандан кейин Шайбонийхон хўжалик ҳаётини тартибга солишга қаратилган баъзи тадбирларни амалга оширди. Сунъий қонун қабул қилинди. Вақф ерлари масаласи тартибга солинди. Бу тадбирлар аҳолига бир қадар енгилликлар келтирди. Халқнинг аҳволи яхшиланди. Маданий ҳаёт юксала бошланди. Бунда бир ҳодиса- ўлкада қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги катта роль ўйнади. Самарқандда ишлаб чиқариладиган “Султоний” ва “Мириброҳимий” маркали қоғозлар дунё бозорида юксак баҳоланди.

Мовараунахр бошқа қўшни мамлакатлар билан савдо-сотиқ ва маданий алоқа ўрнатди. Бу ерда ишлаб чиқилган ип-газламалар, гиламлар, қуроллар чет элларга сотилар эди. Масалан, Ўрта Осиё ўша вақтларда Хитой, ҳиндистон, Эрон ва қадимги Рус давлати билан савдо- сотиқ ишларини олиб борар эди. Чет эллардан, хусусан, Хитой ва ҳиндистондан мой, қора муруч, ҳар хил зираворлар келтирилар эди. Москва давлатидан мўйна, тери, мум, асал ва баъзи металл буюмлар келтириб сотилар эди. ўша даврда ўзбек хонликлари айрим давлатлар билан дипломатик алоқалар ҳам боғлаган эдилар.

Мамлакатда каттагина қурилиш ишлари олиб борилди. Улар қаторида карвонсаройлар, сардоблар, ҳаммомлар, касалхоналар ҳам бор эди. Бу

қурилишлар мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Муҳими шундаки, бу вақтга келиб, ўзбек тилида ёзилган китоблар пайдо бўла бошлади. Булардан биринчиси машҳур "“Бобурнома” эди. ўзбек тилида машҳур олимларнинг асарлари  таржима қилина бошланди.

Шайбонийлар ҳукмронлик қилган даврда (XVI аср) мамлакатда тиббиёт анчагина ривожланди.  Деярли ҳар бир шаҳарда касалхона, ногиронлар уйи, дорихона, тиббий мактаблар бўлар эди. Масалан, XVI  аср ўртасида Тошкентнинг кўркам чеккасида, “Чорбоғ” деган жойда  махсус касалхона (“Шифохона) қурилганлиги маълум. Бу ерда беморлар  ва ярадорлар даволанганлар. Касалхоналарда тажрибали табиблар  ишлар эдилар. Улар талабаларга тиб илмидан ҳам дарс берар эдилар.   Чуқур билимли бўлган бу табиблар тибга оид асарлар ҳам ёзганлар.Шайбонийлар даврида ўзбекистон ҳудудида яшаган йирик  табиблардан бизга Муҳаммад ҳусайн ал-Мироқий ас-Самарқандий, Шоҳ Али ибн Сулаймон ал-Каххол, Султон Али Хуросоний, тошкентлик Мулло  Муҳаммад Юсуф табиб, Убайдулла ибн Юсуф Али ал-Каххол, Мир Муҳаммад ҳусайн ал Оқилийлар маълум.Муҳаммад ҳусайн ал-Мироқий ас-Самарқандий 1545 йилда доришуносликга оид бир асар ёзиб, унда ҳар хил шифобахш ўсимликларнинг хоссалари, уларни излаб топиш, дори тайёрлаш ва ишлатиш усулларини батафсил баён этган. Китобда турли доривор ўсимликларнинг рангли расмлари берилган,  дорихонада ишлатиладиган асбоб-ускуналар, дори сақланадиган идишларнинг расмлари ҳам келтирилган.

**Муҳаммад ҳусайн Мироқийнинг** бу китоби дорихона ходимлари учун дастур ролини бажарган. Ундан табиблар ҳам фойдаланганлар,  чунки  улар беморларга дорини ўзлари тайёрлаб берганлар. Шоҳ Али ибн Сулаймон ал-Каххол  асли тошкентлик бўлиб,  каххол  яъни кўз табиби эди. Бу соҳада у энг кўзга кўринган мутахассис ҳисобланарди.

**Шоҳ Али ибн Сулаймон** ҳам кўп табибларга ўхшаб ўз асарларини шеърий услубда ёзган. Масалан, унинг “каххолик санъатига бағишланган “Рисола” асари шеърий усулда ёзилган. Асарда кўзнинг тузилиши, кўз касаллигининг келиб чиқиши, уларни аниқлаш ва даволаш масалалари баён этилган ва бу касалликлар учун махсус дори тайёрлаш усуллари ҳам кўрсатилган.Султон Али Хурсоний Самарқанд хокими Абу Мансур Кучкинахон саройида хизмат қилган. Бу муаллифнинг бизга маълум ва машҳур асари “Даволаш дастури” дир.  Асарда киши организмининг барча аъзолари касаллигини бошдан бошлаб, оёқгача батафсил баён этади. Султон Али Хуросонийнинг бундан бошқа ““Муқаддимаи дастур ул-илож номли асари ҳам бўлган. Бу асар кўпинча оддийгина қилиб ““Муқаддима” деб аталиб келинган. Муаллиф ““Муқаддима”га оддий асарга кирмай қолган баъзи масалаларни киритган. ““Муқаддима”нинг муҳим томони шундан иборатки, саломатликни сақлаш учун қандай тадбирларни амалга ошириб юриш усуллари кўрсатилган.

**Мулла Муҳаммад Юсуф табиб** тошкентлик каххол бўлган. Бу табиб кўз касалликларидан ташкари бошқа касалликларни ҳам яхши билган.  Уни Самарқанд хокимларидан Абдуллатифхон ўзига шахсий табиб  қилиб тайинлаган. Муҳаммад Юсуф табибнинг иситмали касалликларига бағишланган “Иситмаларни аниқлаш,“ томир ва  пешоб ҳақида рисола” номли асари ҳам маълум. Китоб икки қисмдан иборат  бўлиб, биринчисида томир уришининг йил фасли, кишининг руҳияти ва касаллигининг турига қараб ўзгариши баён этилса, иккинчисида сўз    пешобга қараб касалликларни аниқлаш усули баён этилади.

Муаллифнинг кўз касаллигига бағишланган “Кўз табибнинг афзаллиги” номли китоби ҳам мавжуд асарида кўз касалликлари ва уларнинг белгиларини ташқи томондан туриб белгилаш усулини  кўрсатган, даволаш усулларини баён  этган.

**Убайдулла ибн Юсуф Али ал-Каххол** ҳам тошкентлик кўзга кўринган табиблардан бўлган. Бу табиб тошкент хокими–Муҳаммад Дарвиш Баҳодирхон саройида хизмат қилган. Убайдулла ибн Юсуф Али ал-Каххолнинг машҳур асари "Касалларни даволаш" дир. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчисида барча аъзоларда учрайдиган касалликлар баён этилса, иккинчиси турли хил дориларга бағишланган.

**Муҳаммад Оқилий (**Мир Муҳамад ҳусайн ал-Оқилий) ҳам табиблар оиласидан бўлган. Асли ўзи Хуросонлик эди. Лекин Машхадда яшаган. Олимнинг тибга оид бир неча асари бор. Шулардан бизга маълуми ""Дорилар хазинаси" ва ""Қорабодин ("Фармакопея)" номли асарлардир. Муаллиф ""Дорилар хазинаси" асарида турли касалликлар, уларнинг белгилари, диагностика ва даволаш усулларини баён этган. Китобда органларнинг юнонча, арабча ва туркча (ўзбекча) номлари берилган. ""Фармакопея" да эса ҳар хил дори моддалари, уларни тайёрлаш ва ишлатиш йўллари кўрсатилган. Муҳаммад Оқилийнинг китоблари ўзбекистонда кенг тарқалган эди.

XVI асрнинг охририга келиб ўзаро урушлар натижасида Шайбонийлар давлати заифлашиб қолди. Бу вақтда жанубда Эрон шоҳлари мамлакатга таҳдид сола бошладилар. Шимолда эса рус подшоҳидан мадад олган қозоқ хонлари ҳужум бошладилар. Охирги Шайбонийлардан бири Абдулмўмин мамлакатни бирлаштиришга уриниб кўрди. Аммо айрим вилоятларнинг беклари уни қўллаб- қувватламадилар. Аксинча, улар душманлар билан келишиш йулини тўтдилар. Абдулмўмин ўлдирилди. Шу билан шайбонийлар сулоласи ҳам тугади.

1599 йилда Моварауннахрнинг хони қилиб, Коки Муҳаммад сайланди. У бошқа ўзбек қабиласи-аштархонийлардан эди. Шундай қилиб, Аштархонийлар сулоласига асос солинди. Булар ҳам мамлакатдаги парчаланиб кетиш жараёнини тўхтата олмадилар. Марказдан четланиш

тенденцияси кучли бўлиб чиқди. ўлка ва вилоятларнинг бошлиқлари кўпинча марказий ҳукуматга бўйсинишдан бош тўртар эдилар. Бундан ташқари, давлат ишларида руҳонийлар ўз таъсирларини борган сари кучлироқ ўтказа бошладилар. Марказий ҳукумат бошлиғи шайх ва уламолар ҳамда вилоят хокимларининг иштирокисиз бирор муҳим ишни амалга ошира олмас эди. Шунинг учун мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида кўзга кўринарди ўзгариш юз бермади. Сиёсий ҳаётда ўзаро урушлар давом этди.

Урушлар кўп маблағ талаб этар эди. Уни қоплаш учун фуқароларга янги-янги солиқлар солинар эди. Оилада йигитлар аскарликга олиб кетилар эди. Далаларда экинлар экилмай қолар, экилганлари эса йиғиштирилмай қолиб кетар эди. Шуларнинг ҳаммаси аҳолини янада қашшоқлаштирар, унинг аҳволини оғирлаштириб, мадорини қуритар эди. Бунинг натижасида организм заифлашиб, турли касалликларга чалинар эди. Биз юқорида тез-тез эпидемиялар тарқалиб турганлигини ёзган эдик. Бу ҳол Аштархонийлар даврида ҳам давом этди.

Шундай қилиб, Аштархонийлар ҳукмронлик қилган даврда Мовароуннахрда иқтисодий ва маданий ҳаёт соҳасида унчалик силжиш кўринмади. Бундан тиббиёт истисно эди. Бу соҳада зарурат бўлганлиги учун баъзи бир силжиш аломатлари кўринди. Айрим шаҳарларда касалхоналар барпо этилди. Уларда беморларни даволаш билан бирга талабалар ҳам ўкитилар эди. Бу вақтдаги кўзга кўринган табиблардан бири– Субхонқулихон (Сайид Муҳаммад Субхонқулихон ибн Сайдиодир Муҳаммадхон) дир. Субхонқулихон Бухоро амири эди. У ҳар хил фанлар билан қизиқган, айникса, тиббиёт билан кўпроқ шуғулланган. Субхонқулихон саройда табибларни йиғиб, табобат борасида илмий анжуманлар ўтказиб турар эди. Субхониқулихоннинг амалий тиббиёт билан шуғуллангани маълум эмас, аммо тибга оид иккита асари борлиги маълум. Булар “Субхон тиббиёти” ва “Субхоннинг ҳаётбахш тиббиёти” дир. Бу

китоблар ўзбек (туркий) тилда ёзилган.  "Субхон тиббиети" да муаллиф осон, тушунарли қилиб ҳар хил касалликларни аниқлаш ва даволаш ҳақида сўз юритади. Китоб унчалик аниқ эмас, асосий даволаш масалалари қисқа, лекин аниқ баён этилган.

"Субхоннинг ҳаётбахш тиббиёти ("Ихъе ут-тибби Субхоний)" эса асосан дориларга бағишланган. Китоб саккиз қисмдан иборат. ҳар бир қисмда дориларнинг сифати, тайёрланиши ва ишлатилишига оид айрим масалалар ёритилган. Субхонқулихоннинг китоблари ўзбек тилида ёзилган биринчи тиббий асарлар сифатида тиббиёт тарихида муҳим ўрин тутади. Китобнинг ўзбек тилида ёзилиши ҳақида муаллиф бундай деб ёзган эди:" "ўтмишдаги табиблар бизга араб ва форс тилларида ёзилган асарлар қолдирганлар. Мен турк (ўзбек) тилида ёзилглан тиббий китоб учратмадим. Маҳаллий аҳоли араб ва форс тилида ёзилган китоблардан фойдалана олмайди. Шунинг учун мен ўз китобимни турк (ўзбек) тилида ёзддимки, ундан ўзимизнинг одамлар фойдалансинлар".

Субхонқулихон мамлакат раҳбари сифатида фуқаро соғлиғини сақлаш ишларига маълум даражада эътибор берган. Маълумки, ўрта Осиё шароитида ёзнинг иссиқ кунларида аҳоли ўртасида ич кетиш  касаллиги кўпаяди. Шунинг олдини олиш учун Субхонқулихон  нонвойлар нон юзига кунжут уруғини сепиб ёпсинлар, деган фармон чиқарди. Кунжут аввало ўзи хушбой ҳидли, ёқимли, иккинчидан эса у ич кетишни тўхтатади. Фармон билан бошланган бу тадбир ҳозир одат  тусига кирган.

Субхонқулихоннинг фармони билан 1682 йилда Бухорода касалхона барпо этилди. У "Шифо берувчи манзил" деб аталар эди. Касалхона мадраса кўринишида қурилган. У 18 та ҳужра (палата) дан иборат бўлган. Касалхона комплексига тиббий мактаб ва кутубхона ҳам кирган. Касалхона ва тиббий мактабга (мадрасага) ўша замоннинг кўзга кўринган олимларидан Мавлоно Мирқосим Хаким раҳбарлик қилган. Бухоро мадрасасида табибларидан яна

Хожа Амин Раис, Охунд Мулло Абдуғафур Хаким, Хожа Ёқублар хизмат қилар эдилар.

Мадраса кутубхонаси китобга жуда бой бўлган. Афтидан, Субхонқулихоннинг ўзи ҳам кутубхонага кириб турган бўлса керакки, бу ердаги китобларга жуда қизиқиб қолган. У кутубхона ходимларига китобларни тартибга солишни  ва баъзи муҳимларини таржима қилишни буюрган. Шулар қаторида машҳур олим Юсуф табибнинг “Тибби Юсуфий” ва Неъматуллоҳ ибн Фахриддин Муборакшоҳ Хакимнинг “Хосиятлар денгизи” номли китоблари ҳам бор.

Касалхонага маблағ давлат ҳисобидан ажратилган. У вақф ерлар ва бошқа маблағлардан таъминланган.Кичик шифохонада етиб даволанишлари зарур бўлмаган беморлар даволанган. Касалхона дорихонаси табибларнинг рецепти билан беморларга дори тайерлаб берган. Дорихонада икки доришунос хизмат қилган. Тиббий мактаб талабалари мадраса хонакохида яшаганлар. Улар маош (стипендиялар) билан таъмин этилган.Кутубхонада тибга оид китоблар кўп бўлган. Шулар жумласидан Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китоби ва бошқа машҳур табибларниг асарлари бўлган.

Шундай қилиб, Субхонқулихон тиббиет ишини анча ривожлантирди.

ґзбекистон тиббиёти тарихида яна бир давлат арбоби тиб илми билан шуғулланган. Бу Хоразм хони Абулғозихондир.Абулғозихон (Абулғози ибн Абулмуҳаммадхон Хоразмий 1605-1664) тарих, риезиёт, адабиёт ва тиббиёт соҳасида чуқур билим ва тажрибага эга бўлган. У ўз и ҳукмронлик қилган даврда мамлакатда ободончилик ишларига катта аҳамият берган. Мадрасаларда турли билимларни ўкитишни анча яхшилаган, ўзи ҳам тарих, адабиётга оид бир қанча асарлар ёзган. Абулғозихонниг тибга оид китоби ““Инсонга фойдали китоб” деб аталган. Абулғозихон ҳам бу асарни ўзбек тилида ёзган, сўнг у форс тилига таржима қилинган.

Бу асар 4 қисмдан иборат. Биринчи қисмда оддий дориларнинг хоссалари, уларни тайерлаш ва ишлатиш усуллари баён этилган. Иккинчи қисм мураккаб дориларга бағишланган. Бу қисмда мураккаб дориларни тайерлаш, сақлаш, ишлатиш усуллари ёритилган, учинчи қисмда тиббиётда кўп ишлатиладиган умумий дорилар ҳақида сўз юритилади. Китобнинг тўртинчи қисми-тиббиётнинг умумий назарий ва амалий масалаларда бошқа табибларнинг фикр-мулоҳазалирини ҳам келтиради ва ўз фикр-мулоҳазалари билан хулоса чиқаради. Абулғозихоннинг китоби табиблар ўртасида кенг тарқалган ва ундан кўп табиблар фойдаланган. ўша даврда Марвда **Сайид Муҳаммад Ҳасрат** исмли шоир ва табиб яшаган. У асли Машхадлик эди. Шу ерда билим олди, тарих, адабиёт ва тиббиётни ўрганди. Хасрат кўпроқ тиббиётга мойил эди. У кўп машҳур табиблардан сабоқ олган. Улар қўлида хизмат қилиб, тажриба орттирган. Кўп мамлакатларга сайёҳат қилган. Масалан, у Туркия, ҳиндистон, Ироқ каби мамлакатларда бўлган ва Марв шаҳрига келиб, шу ерда умрининг охиригача яшаган.

Сайид Муҳаммад ҳасрат тиббиётга оид бир неча асар ёзган. Улардан энг машҳури “Сиҳатлик назми” дир. Бу китоб ўз номига кўра шеърий усулда ёзилган. Китобда асосан мижозлар, хилтлар, овқат маҳсулотлари ва уларнинг саломатликга таъсири баён этилган. Овқат маҳсулотларидан тухум, гўшт, парранда гўшти ҳақида маълумот берилган. Овқатнинг киши саломатлигида қандай рол ўйнаши кўрсатилган. Бунда асосан унда ““Иссиқлик” ёки ““Совуқлик” хусусияти кўрсатилган. Сайид ҳасрат табиблар беморга дори ва овқат тавсия этганларида уларнинг қандай хусусиятларга эга эканлигини ҳисобга олиш керак, дейди. Бунга ўзи мисол келтиради. Масалан, тухум ҳақида сўзлар экан, энг яхши тухум товуқ тухуми эканлигини кўрсатади. ҳасратнинг фикрича, товуқ тухумининг сариғи “иссиқлик, оқи эса “совуқлик хусусиятига эга. Ёнгоқ “иссиқ ва қуруқ

хусусиятга эга. Ёнгоқ жигар, талоқ ва меъда  касалликларида яхши фойда беради.

“Сиҳатлик назми” Марв хокими Байрамхонга бағишланган эди. ҳасратнинг иккинчи китоби “Туҳфаий ҳусайний” Байрамхоннинг ўғли ҳусайинга бағишланган. Бу китобда оддий (якка) дорилар баён этилган, уларнинг иссиқлик ва совуқлик“ хусусиятлари кўрсатилган. Шундай қилиб, Сайид Муҳаммад ҳасрат тиббиёт ҳақидаги ўз фикр  ва мулоҳазаларида бошқа табиблар сингари мижзолар назариясига   асосланади. Субхонқулихон вафотидан кейин (1702 йил) мамлакат янада  кичикроқ хонликларга бўлиниб кетади.

# V БЎЛИМ  ЯНГИ ДАВР ТИББИЁТИ

## Россия империяси давридаги тиббиёт (XVIII - XIX асрлар.)

XVIII асрда Россияда феодал тузимни ривожланиши янги боскичга ўтди. Армия ва флотлар ташкил этилди. Бу даврда соғлиқни сақлаш вазирлигини ташкил этилиши давом этаётган эди ва 1721 йилда тиббиёт конселярияси ташкил этилди, 1763 йилда у тиббиёт коллегиясига узгартирилди. 1775 йилдан бошлаб нги дорихоналар очилди, тугилиш ва улишни статистика қилиш ишлари бошланди, жасадларни ёриш, озик-овкатларни санитар текшириш ишлари бошланди. 1801 йилда Россияда вакцина қилиш ишлари йулга куйилди.

1725 йилда Россияда илмий Академия очилши билан илм-фанни ривожланиши янги тус олди. Фанни ривожланишида **М. В. Ломоносовни** (1711-1765) хиссаси катта. Олимни фалсафий, илмий, политик карашлари Россияда фан ривожига катта таъсир курсатди. М. В.Ломоносов томонидан 1761 йилда граф И. И.Шуваловга ёзган  «рус халкини купайиши ва

сакланиши хакида»ги хати тиббиёт тарихида катта ахамиятга эга. Олим унда халкнинг саглиги ва тиббиётнинг ривожланиши хакида ёзади.

Москва униврситетининг госпитали ва тиббиёт факультети кошида (1764) врачлар тайёрлаш буйича матаб очилади. Укиш 5-7 йил баъзида 11 йил давом этади. 3 йилдан сунг имтихонларни топширгач укувчига табибгачаунвани берилади. Етти йиллик укиш тугагач табибгача ватабибга айланишган. Госпитал мактаби укувчилари анатомия, физиология, оперативжаррохлик, фармакология, судтиббиёти, неврология, тиш даволашни ўрганишган. Хар бир госпитал мактабида анатомия музейи бўлган. XVIII аср охирига келиб врач кадрларга талаб кучайганлиги сабабли мактаблар аввал тиббий-жаррохлик училищаси (1786), сунгра эса тиббий-жаррохлик академиясига айлантирилди (1798).

XIX асрнинг биринчи ярмида Россияда тиббиётнинг купгина муаммолари, тушунчалари уз ечимини топа бошлади: организм ва ташки мухитнинг узаро богликлиги, организмнинг бутунлилиги. Соғлиқни сақлаш – гигиена, касалликни олдини олиш, юкумли касалликлар билан курашиш, студентларни укитиш методларини кучайтириш – кабилар тиббиётни назарий ва амалий жихатдан эришилган ютукларидир. Тиббиёт фудаментал (анатомия, физиология, патология) ва клиник (терапия, жаррохлик) фанларида катта ютукларга эришилди.

Профессор акушер **Нестор Максимович Максимович- Амбодикнинг** (1744 – 1812 йиллар) ишлари орасида медицина, ботаника, физиология, акушерства фанларидан купгина лугатлар бор.

**Алексей Матвеевич Филомафитский** (1807 - 1849) биринчилардан бўлиб физиология фанидан 3 томдан иборат кулланмани чоп этди (1836). Ингаляцион наркозга багишланган бир канча китоблар **А. М. Филомафитскийга** тегишладир. У ингаляцион наркоз учун маскадан

фойдаланишни таклиф этган. 1848 йилда «кон куйиш хакида трактат»ни такдим этди.

Россияда биринчи жаррозлик клиникасини **Иван Федорович Буш т**ашкил этди. 1807-1808 йилларда И. Ф. Буш томондан ёзилган 3 томдан иборат «Жаррохликни ўрганиш учун кулланма» нашр этилди. Унда оператив жаррохликни долзарб масалалари ёритиб берилган. Автор унда огиз бушлиги, бурун, чакка жаррохлиги, лаб ёрилиши ва яраланиши, огиз бушлиги яраси жаррохлиги, бурун операцияси хакиди тулик махлумот берган. Жаг остеомиелити клиникаси ва давоси етарлича ёзилган. Кулланмада огиз бушлиги ва тилни турли хил касалликлари хакида ёзилган масалан: огиз яраси, огиз бушлигидаги тошма, тилни яллигланиши ва уларни давоси.

1861 йилда бўлиб утган тунтарилишдан сунг, ишлаб чикаришнинг металлургия, транспорт каби янги йуналашлари пайдо булди. 1860 йилдан 1900 йиллар оралигида Россияда ишлаб чикариш 7 баробарга купайди, шу давр ичида Англияда бу курсаткич 2 баробарни ташкил этарди. Россияда ишлаб чикариш бир неча ун йилликда шундай жадал ривожландики, Европада бу холат асрлар давомида юзага келган. Бу даврга келиб янги фанлар ривожи кизгин тус олди. Булардан: термодинамика, кимёвий атомистика, электрофизика, термокимё, фотокимё, коллоид кимё, электрокимё, палеонтология. Бунда куйидаги олимларнинг хиссаси катта: К. А.Тимирязев, М. В.Остроградский, П. Н.Лебедев, М. П.Чебышев, И. М.Сеченов, И. П.Павлов, С. П.Боткин, И. И.Мечников, А. О. ва В. О. Ковалевскийлар ва бошкалар. Улар томонидан солиштирма эмбриология ва патология фанларининг асосларияратилди, наслийлик ва уни узгарувчанлигини урганилди, бактериялардаги хемосинтез реаксияси ургинилди, фотосинтезни энергетик коидалари, фотоцитоз, бактериолизис урганилиди, бир катор юкумли касалликларни кузгатувчилари аникланди,



ретикуло-эндотелиал системани микроорганизмларга қарши курашишдаги роли, бактерияларнинг захарлари ва бошкалар урганилди.

Физиология фанида бу пайтда **И. М.Сеченов**нинг «Бош мия рефлекслари» номли китобида курсатилган илмий ишлари катта ахамият касб этди (1863). И.М.Сеченов бош мия ва орка мияда пайдо бўладиган рефлексларни урганди. Бу оркали ьош мияни кайта жавоб реакциялари урганилди.

**Иван Петрович Павлов** (1849 - 1936) буюк физиолог турли йуналишларда иш олиб борди, юрак гликозидларини шулар жумласидандир. Юрак иннервацияси коидаларини ишлаб чикди, юрак ва кон-томилар нерв тизимини урганди. И. П. Павлов бир канча тажрибалар натижасида нерв системасини овкат хазм қилиш тизимидаги безларни бошкаришида роли борлигини исботлади. Павловни хазм қилиш маркази, иштаха, ошказон секрециясини ўрганиш окали олиб борган ишлари овкатланиш тартибини ташкил қилиш буйича мавжуд муаммоларга чек куйди. И. П.Павлов овкатланиш рациони ва овкатни турига караб таксимлашни конун-коидаларини исботлар билан келтириб берди хамда болаларни овкатлантиришни янги принцепларин яратди. И. П. Павловнинг «Хайвонларда юкори нерв тизимини объктив ўрганишнинг йигирма йиллик тажрибаси» (1923 й.) ва «бош мия катта яримшарлари хакида лекция» (1927 й.) номли ишларида бирламчи ва иккиламчи сигнал система хакида ёзилган.

Петербургдаги патолоанатомия мактабининг асосчиси **Михаил Михайлович Руднев** (1837 – 1878 йиллар.) бўлиб, у туберкулез, сифилис, менингит, тиф, вабо каби юкумли касалликлар хакида патологик анатомия тавсилотларини

ёзиб колдирган. М.М. Руднев бир катор усмаларни гистологик куринишини ёзибгина колмай, усмаларни хайвонларга трансплантация қилишга хам уриниб курган. Амалий патанатомия сохасида у организмдаги узгаришларни микроскопик ўрганишни кераклигини айтиб ўтди.

И. И. Мечников. Г. Н. Габричевский, Д. И. Ивановский ва бошкалар Россияда микробиологиянинг ривожи учун катта хисса кушганлар.

**Илья Ильич Мечников** (1845 – 1916 йиллар) иммунологиянинг асосчиси, фагоцитоз назариясини яратувчиси бўлган. Бундан ташкари И. И. Мечников полиморфлик ва микробларда антагонистликни хамда организмни каришини урганган олимдир. У яллигланишнинг солиштирма патологияси ва юкумли касалликларга таъсирчансизлик тугрисида бир катор саволлар ишлаб чикди.

XIX аср охири,XX аср бошларидаги буюк бактериолог, 1895 йилда Россиядаги биринчи бактериологик институтнинг асосчиси**Григорий Норбертович Габричевский** (1860 – 1907 йиллар) хисобланади. Унинг дифтерия (дифтерияга қарши зардобни тайёрлаш методини ишлаб чикиш), скарлатина, малярия (инфекцияни «чивин» оркали юкиш теорияси), улат, махаллий иммунитет ва ичак таёкчасини ўрганишга богишланган бир катор ишлари тахсинга лойикдир.

Терапия фанида Россияда асосий илмий йуналишлар куйидагилар бўлган: неврогeн, тажриба – тажрибавий патологияга асос солган. Фармакология ва терапияда – беморни кузатиш ва сурок қилиш, бальнео - ва климатотерапии хамдадаво-профилактик. **С. П.Боткин** патологик жараёнларни рефлектор механизмини исботлаб ва шу оркали касалликлар патогенезини неврогeн назариясини ишлаб чикиб, патологик жараёнларни кечишига бўлган карашларни ривожлантирди. У терморегуляция, лимфа айланиши, кон таналарини ишлаб чикариш, тер ажралиш марказлари борлиги хакидаги гипотезаларни айтиб ўтди, улар кейинчалиш тажрибалар натижасида исботланди. И. М.Сеченов ва С. П.Боткин ташки мухитни касаллик пайдо

булишидаги ахамияти ва организмдаги наслий ва орттирилган хусусиятларни келиб чикиши хакида  илмий ишлар олиб боришди. С. П.Боткин уз карашларидан келиб чиккан холда касалликни бутун организмда узгаришларга сабаб бўладиган жараён деб каради. С. П. Боткинни купгина илмий хабарлари кейинчалик фанда уз исботини топди. Улар куйидагилар: катарал сарикликни инфекцион келиб чикиши, переферик юракни ўрганиш, коллапс хакида, крупоз пневмонияда улим сабаби, адашган буйрак хакида, энтероптоз ва бош.

XIX асрни иккинчи ярмида Россияда жаррохлакни ривожланиши **Николай Иванович Пирогов** (1810 – 1881 йиллар) билан боглакдир. У Россияги етук анатом, харбий дала жаррохлиги ва топографик хамда жаррохлик анатомиясининг асосчиси бўлган. Н.И. Пирогов  1847 йилда биринчи бор харбий дала шароитида эфир наркозини куллаган. У суяк синишларини даволаш максадида гипс билан иммобилизация қилишни таклиф этган. У ярадорларни дала тиббиё масканларига келганда, уларни «тартибга келтириш» тушунчасини киритди, жаррохлик инфекциларини профилактикаси хакида талимот, антисептиклар (йоднастойкаси, марганцовокислый калий, хлор извести, азотнокислый кумуш)ни амалиётда куллашни олиб кирди. Пирогов харбий тиббиётда жаррохлик булимларини кайта ташкил қилиш буйича ишлар олиб борди. Улар куйидагилар: касалхона ичи инфекцияларини олдини олиш максадида пиемия, рожа, гангрена учун алохида «йирингли» булимлар ташкил этди.  У умумий огриксизлантириш, шок, яраларни асоратлари билан курашиш каби муаммоларгнинг ечимини топди.

Россияда жаррохлакнинг янги йуналишлари пайдо булди. Уларга: урология, нейрожарроҳия, алохида орган ва системалар жаррохлиги (ошкозон, ут йуллари, упка)лар киради. Шу асновда тезкор жаррохлик ва тез тиббий ёрдам йуналишлари пайдо булди. Москвда 1881 йилда биринчи жаррохлар жамоаси

ялди. Шу ерди биринчи марта рус жаррохларининг йигилиши бўлиб ўтди (1900).

Россияда гигиенанинг ривожланиши тажрибалар купайганлиги сабабли жадал кечди. Россияда ишлаб чикаришни купайиши ахолини шахарга кучиб келишига, ишлаш шароитини ёмонлашувига, кам туланувчи аёллар ва болалар ишчи кучини ишлатишга олиб келди. Ахолини юкумли касалликлар билан касалланиши юкори даражада булиши, улардан улиш даражаси катталиги, шахар ва иш жойларидаги санитар холатни талабга жавоб бермаслиги, яшаш шароитини яхшилаш ва касалликларни олдини олиш максадида гигиеник тадбирларни ишлаб чикишга сабаб булди. 1865 йилда Россияда Европадан олдин А. П. Доброславин, А. В. Субботин, И. П. Скворцов, Ф. Ф. Эрисманлар бошчилик килган гигиена кафедралари мустакил иш олиб борарди. Бу мактаблар кенг йуналишда ахолини соглаги ва шифокорларни санитар-профилактик хамда санитар-статистик ишларни устида тажрибалар утказишган. Ишлаш гигиенаси, каммунал гигиена, овкатланиш гигиенаси алохида бўлиб чикди.

XIX асрга кадар Россия ва Туркистонда, шу жумладан Ўзбекистонда хам болалар шифихоналари ва болалар шифокорлари булмаган. Уларни давоси билан акушерлар шугулланишган. Бир ёшгача бўлган болаларни улими чуда куп бўлган. Россияда биринчи бўлиб болалар касалликлари хакида биринчи курс ишини Петербург тиббий-жаррохлик академиясининг акушерлик кафедраси профессори С. Ф. Хотовицкий 1836 йилда олиб борди. **Степан Фомич Хотовицкий** (1796 – 1885 йиллар)Россияда педиатриянинг асосчиси хисобланади. У 1847 йилда «Педиатрика» номли рус тилидаги биринчи педиатрик кулланмани чоп эттирди. У бу кулёзмада – бола «катталарни кичрайтирилган миниатюра»си эмас, балки, бир катор морфологик, физиологик ва психилогик фаркларга эга бўлган организм деб утади. Кулёзмада болаларни текшириш усуллари, касалликларни сабаблари, симптомлари ва даво хакида маълумот берилган.

Россияда оналик ва болаликни химоя қилиш назарияси ва прицеплари, методларини асосчиси **Георгий Нестерович Сперанский**(1873 – 1969 йиллар) хисобланади. У тугрукхонада ишлаган биринчи педиатр бўлибгина колмай, 1908 йилда оналар учун болаларни парвариш қилиш буйича консултация ташкил қилди. 1910 йилда кукрак ёшидаги болалар учун биринчи даво масканини ташкил этди. 1913 йилда эса кукрак ёшидаги болалар учун булим очди. Г. Н. Сперанскийнинг илмий ишлари чакалоклар физиологияси ва патологиясига багишланган. Масалан: дизентерия, овкатланиш ва овкат хазм қилишни бузилиши, чакалокларда пневмония ва сепсисга багишланган. 1934 йилда Г. Н. Сперанский томонидан бир ёшгача бўлган болаларда учрайдиган касалликларни клиникаси ва профилактикаси хакидаги «Чакалокларда учрайдиган касалликлар хакида китоб» номли кулёзмани чоп эттирди.

Шу тарзда Россияда XIX асрнинг иккинчи ярми ваXX асрнинг биринчи ярмида физика, биология, кимё, физиология ва бошка бир катор фанлар билан бирга тиббиёт хам янги чуккага чикди. Тиббиётнинг янги йуналишлари очилди, касал ва саглом одамларда илмий такшириш ишлари утказиш натижасида бир канча янгиликлар очилди ва касалликлар хамда уларга қарши куришиш чоралари урганилди. Корхона тиббиёти, педиатрия, гигиена каби тиббиётнинг бшка йуналишлари очилди.

### 5.2. Ўзбек хонлиги даврида Ўзбекистондаги тиббиёт

XVIII аср ўрталарида хозирги Ўзбекистон ва Туркманистон, Тожикистон хамда Киргизистоннинг бир кисми, Кукон хамда Хива хонлиги ва Бухоро амирликлари томонидан бўлиб олинган эди. Бу учала хонлик ахолисининг асосий кисмини узбеклар ташкил этар эди. Алохида шаха рва кишлокларда тожиклар яшар эди, Хива хонлиги хамда Бухоро амирлигини жанубий ва гарбий кисмларида туркманлар, Кукон хонлиги шимолида козок ва киргизлар, Орол денгизи киргокларидат эса коракалпоклар яшар эди. Бундан ташкари хонликлар худудида эронликлар, араблар, хиндистонликлар,

еврейлар ва бошкалар хам яшашган. Хонликлар бир-бири билан жипслашмаган эди. Тухтовсиз ички низолар ва марказиий хукумат билан юзага келган муаммолар ички хаётни жадаллашувига олиб келди. Бу эса уз урнида инсонларни хаёт даражасини пасайтирди ва турли касалликларнинг таркалишига сабаб булди. Баъзи бир хонлар давлат экономикасини кутариш ва ахолини хаёт тарзини енгиллаштиришга харакат қилдилар. Кукон хонлиги ва Фаргона водийси худудида Шахрихон, Андижон ва Янгиарик каби каналлар уткизилди. 1822 йилда Тошкент вилояти худудида Хонарик канали утказилди. Бухоро ва Хива хонлигада хам шунга ухшаш ишлар олиб борилди. Булар натижасида экинзорлар худуди купайди. Бу холат экономикани оз булсада кутарди. Лекин ери кам дехконларнинг хаёти огирлигича колди. Шахар дехконларининг ахволи бир мунча яхши эди. Улар оилавий устахоналарга эга ва мустакил яшашарди, баъзилари бирлашиб цехлар ташкил этишган эди. Узбек усталари томонидан тикилган товарлар нафакат ички, балки ташки бозорга хам кетарган. Айникса матоларга (шойи, атлас, пахта), такинчокларга, гиламларга талаб катта бўлган. Шунинг учун ишлаб чикариш ташки бозор хисобига ривожланди.

Ўрта Осиё хонликлари Хиндистон, Хитой, Эрон, Афгонистон ва Россия билан иктисодий алокада эди. Савдо-сотик ва ишлабчикариш хисобига шахарлар ва катта ахоли яшашжойлари барпо булди, шахар ахолисининг сони купайди. Айнан XVIII асрда Кукон ва Наманганда янги карвонсройлар бозорлар, савдо каторлари, хаммолар, мачит ва мадрасалар барпо этилди. Шундай килиб, Бухорода 9 та икки каватли карвонсарой кад кутарди. Хуллас 1848 йилгакелиб бу ерда 38 та карвонсарой, 9 та савдо маскани, 45 та бозор ва 16 та хаммом кад кутарган эди. Бахтга қарши, бу пайтга келиб Ўзбекистон шахарларида хаммомдан бошка санитария даргохлари йук эди. Аммо уша даврнинг тарихий хужжатларида касалхона, амбулатория ва дорихона хакида хеч кандай маълумот йук.

Барча хонликларда асосан конфессионал мактаблар бўлган. Мадрасалардаги таълимни мазмунини эски китоблардаги бахслар, мусулмонча карашлар ва таълимотлар эди. Ўрта Осиёга Европа ва Россиядаги уша даврда ривожланган фани ва техникасини кам кириб келди. Савияси баланд кишилар кузатув остида бўлган. Факатгина бир-иккита хукаматга якин шоир ва олимларгина маълум даражада эркинрок ишлаш ва асарлар яратишга муофак бўлганлар. Масалан хива хониМухаммад Рахима II буйругига биноан, шоир ва табиб Ахмад Табибий Хива анталогияси хакида шеър ёзган. Ахмад Табибий Хива хони Мухаммада Рахима IIни табиби бўлган. Кукон хонлигида худди шунга ухшаш анталогияни шоир Фазли ёзган.

Узбекистанда XVIII – XIX асрларда тиббиётни ривожланиши ва табибларнинг фаолияти хакида маълумотлар камлигига караганда, улар унчалик куп булмаган.

**Салих ибн Мухаммад Кандахарий** – узбек хонликларидаги кузга ташланарли табиблардан бири хисобланади. У Хиротда тугилган ва амир Шах-Мурада Маъсумий (1785-1800) даврида Бухорода табиблик билан шугулланган. Салих ибн Мухаммад купрк балалар касалликлари билан шугулланган ва уни ишларининг асосий кисми педиатрияга багишланган. Унинг кузга куринарли ишларидан бири «Тухфат ал-шоиста» (Арзигулик совга). Бу асар педиатриянинг муаммоларига багишланган. Асар кириш ва икки бобдан иборат. Биринчи бобда бола организмининг узига хос хусусиятлари келтириб утилган. Кандахарий шундай деб ёзади: бола организми ташки мухит таъсирига (иссик, совукка) берилувчан бўлади, шунинг учун хам улар шамоллаш билан тез огрийдилар. Автор болалар касалликлари хакида ёзар экан, уларни икки гурухга ажратади. Биринчиси бола тугилганидан бошлаб беш ёшгача бўлган даврда учрайдиган касалликлардир, иккинчи гурухга эса олти ёшдан бошлаб валогатгача бўлган даврда учрайдиган касалликлар киради.

Салих ибн Мухаммад Кандахарийнинг иккинчи асари «Тухфат-ал-маъсумин» (Бегунохларга совга) деб номланади. Бу асар кириш, икки боб хамда хулоса кисмларидан иборат. Бу китобда болалар касалликларидан ташкари, аёллар организми физиологияси ва патологияси хакида хам маълумот бор. Кириш кисмида автор сув, хаво, яшаш тарзи яъни гигиенани согликга ахамияти хакида гапириб утган. Биринчи бобда хомиладорликни физиологик ва патологик холатлари хакида маълумот берилган. Хомиладор ва эмизувчи аёлларга керакли овкатланиш хамда яшаш шароити хакида ёзилган. Иккинчи бобда маълум бўлган болалар касалликлари ва уларни давоси хакида ёзилган. Китобнинг хулоса кисмида автор болаларда захарли хашоратлар чикишини олдини олиш хакида махлумот беради.

Салиха Кандахарийнинг учинчи китоби «Амал ас-солихин» деб номланади. Бу китобни фармакология буйича кулёзма деса хам бўлади. Унда касалликларни даволаш йуллари ёзилган. Унда алифбо кетма-кетлигида турли хил дориларни тайёрлаш усуллари, микдори ва кулланилиш тартиби ёзилган.

Уша даврнинг машхур табиблари куйидагилардир: Джунайдулло Хозык, Джафар Ходжа Хазараспий, Махмуд Яйпаний, Турсунходжа Хаким, Абдулла Ходжа, Баядоглик Хаким, Хакимча табиб, Абдулва-хаб Ибодий, Ахмад Ходжа Табиб, Кодир Табиб, Атаулло Табиб, Ходжи Табиб ва бошкалар.

XVIII аср охири ваXIX аср бошларидаги машхур табиб ва олимлардан бири **Джунайдулло ибн Исломшайх Хозик(Джунайдулло Хозик).** У Хиротда тугилган ва яхши таълим олган. Тиббиёт, тарих ва шеъриятни яхши билган. XIX аср бошларида у Бухорога кучиб келади ва табиблик килади. Чукур билим ва катта малакага эга бўлганлиги сабабли Джунайдулло Хозик халк орасида хурматга сазовор бўлган. Джунайдулло Хозик адабиёт билан хам шугулланиб турган. У шеър ва тарихий асарлар ёзган. Хозик адабиёт билан жидди шугулланган, у уз шеърларида Бухоро амириНасруллохонга бир канча

танбех берган. Бу шохни газабини кузгатган ва кейинчалик Джунайдулло Хозик Куконга кучиб кетишга мажбур булди. Бу ерда уни яхши қарши олишмаганликлари сабаб, у Хорахм (Хива)га кучиб кетди. Аммо бу ерда хам у хонни буйруги билан курилган хаммомлар хакида эпиграмма ёзганлиги учун панд еди. Хон Хозикдан «сизга хаммом ёкдими?» деб сураганда – у хазилона: «хаммога пустин билан кириш керак экан, булмаса совук, оёкка эса калиш кийиш керак экан, булмаса сирпанчик, йикилиб тушиш хеч гап эмас». Уни куполлигидан хонни жахли чикади, Холик эса вактни утказмасдан Хивадан Куконга кайтиб кетади. Купгина архитекторлар, табиблар, маъданият ходимлари Бухорога кувилган, улар орасида Джунайдулло Хозик хам бор эди. Маълум вактдан кейин у мустакил Шахрисабзга кочиб кетади. Холик бу ерда хам табиблик билан шугулланади. Лекин 1843 йилда Насрулло хон аламига чидай олмасдан, одам ёнлаб (киллер), Хозикни бошини танасидан чудо қилдиради. Хозикнинг албатта тиббиёт хакидаги ишлари бўлган, аммо улардан факатгина Умар Чагминийнинг «Кичик конун» деб номланган китоби хакида ёзган «Тахкик ва кавоид» (Текшириш ва хакикатни аниклаш) номли асари колган холос. Бу китоб «Кичик конун»ни яхши ва ёмон томонлари хакида ёзилган.

XIX асрнинг охирларидаги Хоразм табибларидан бири**Джафар Ходжа Хозараспий** (Джафар Ходжа ибн Насреддин Ходжа ал-Хусайн Карвакий Хазараспий) хисобланади. Унинг асарлари шаркнинг асосий йуналиши мижоз хакида болган. Хазараспий касаллик ривожланганда организмни суюк кисмида узгаришлар юзага келади деб хисоблаган. Шу сабабли беморларга дори воситалари беришдан аввал кон чикариш керак деб хисоблаган. Хазараспийнинг «Тиббиёт илмининг йигиндиси» номли асари машхурдир. Унда Хазараспий куйидаги касалликларнинг симптомлари ва давоси хакида ёзади: гельминтозлр (ришта); тери касалликлари (парша, сугал, витилиго, фурункулез,); юкумли касалликлар (кизилча, сувчачак, кук йутал ва

бошкалар); захар ва зардоблар хакида айтиб утган. Бундан ташкари дориларни тайёрлаш ва куллаш усуллари хакида ёзади.

**Махмуд Яйпаний** (Махмуд Хаким Яйпаний Кукондий) XIX аср охириXX аср бошларидаги узбе табибларидан бири. У 1851 йилда Кукондан 20 км узокликда жойлашган Яйпан номли жойда (хозирги Яйпан шахри) тугилган. Унинг оиласи зиёлилардан бўлган. Яйпаний ёшлигидан адабиётга, тарих ва бошка фанларни укишга кизиккан. У Кукондаги «Джамий» ва «Мирза Кокандий» мадрасаларида таълим олган. Мадрасада Куръон ва Шариатни ўрганишга куп этибор берилган. Фанлардан арифметика, геометрия ва араб тили ургатилган. Факат алохида укичувчилар кизиккан укитувчиларга бошка фанларни (астрономия, философия, математика, география, тарих ва тиббиёт) мустакил ўрганишда ёрдам беришар эди. Яйпаний мустакил «такикланган» фанларни ўрганишга харакат қилди ва тез орада Аристотел, Платон, Гиппократ, Гален, Абу Бакр ар - Рази, Ибн Сино ва бошка олимларни асарлари билан танишиб чикди. XIX аср охирларига келиб Европа ва Россияда илм-фан анча илгарилаб кетди, уларни ютуклари билан танишиш максадида Яйпаний лотин ва рус тилини урганди. Яйпанийнинг хаёти уша даврда Давлат пойтахти бўлган Кукон шахрида ўтди. Кукон уша даврда Ўрта Осиёнинг савдо-сотик ва маданият маркази хисобланган. Шазарда жуда куп олимлар, ёзувчилар, мусикачилар яшаган. Уларга мисол килиб узбек адабиётининг классик намоёндалари сифатида Фуркат ва Мукимийни, фан арбоблари Бузрук Ходжу ва Абдулвахаба Ибодийни, табиблар Турсунходжа Хаким, Балдабек Хаким, Абдуллу Ходжу чекчи – Хаким ва Хакимча Табибларни айтиш мумкин. Бундай етук табиб ва олимлар билан танишиш хамда хамсухбат булиш Яйпанийни олим ва табиб бўлиб етишишида катта рол уйнади. Малакасини ошириш максадида Яйпаний беморларни бепул даволар, дори тайёрлаб берар ва уларни ахволини кузатар эди. Дори тайёрлаш учун утларни урмон ва тоглардан териб келган, уз уйи ёнидаги ерда хам доривор усимликлар устирар эди. Дориларни таъсирини у аввал

хайвонларда (куй, маймун) синаб курган ва кейин беморларга берган. Яйпанийнинг уйида сувни дистиллаш учун туртбурчак идиш ва дорилар учун чузинчок идишлар бўлган. Кийин мехнатдан сунг, яйпаний тез орада машхур табиб сифатида танилди. Худаяр-хан – Кукон хони Махмуда Хакима Яйпаний хакида эшитиб, уни саройда табиблик қилишга чакиради. Яйпаний хонга «Мени подшолик кизиктирмайди, мени бошимда кашшоклик тожи турибди» деб жавоб килади. Махмуд Хаким Яйпаний халкни савиясини ошириш учун куп мехнат килган. Тиббиёт илмини халк орасида таркатишга харакат килган. Махмуд Хаким Яйпанийнинг фалсафа, тарих ва бошка фанлардан бир канча китоблари мавжуд. Унинг иккита китоби машхур: «Тарик ал-илодж» (Даволаш йули) ва «Конун ал-илодж» (Даволаш коидалари). «Тарик ал-илодж» 1913 йилда ёзилган бўлиб, уч кисмдан иборат.биринчи кисмида Фаргона ва Кукон хонлиги тарихи закида маълумот берилган. Китобнинг иккинчи кисми шеър тарзида ёзилган бўлиб, унда илмдан йирокда бўлган, лекин узини олим ва билимдон килиб курсатувчи кимсалар хакида салбий фикрлар баён этилган. Китобнинг учинчи кисми тиббиётга багишланади. Унда беморлага ташхис куйиш ва уларни даволаш хакида батафсил маълумот берилган. Дорилар хакида маълумот берилган ва китобнинг охирга сахифаларида уша даврда маълум бўлган дорилар руйхати келтирилган. «Қонун ал-илож» номли китоб эса тулик тиббиётга ва дориларга багищланган. Яйпаний организмни суюк исмларига таъсир этувчи омиллар сифатида нотугри овкатланиш, огир жисмоний мехнат ва асабий зурикишларни айтиб утган. Яйпаний паразитар касалликлар борлигини тасдиклаган, бундан ташкари ришту ва малярияни тирик «хашоротлар» чакиришини хам айтиб утган. У ичик паразитлари борлигини (гельминтлар) айтди. Яйпанийнинг касалликларни этиологияси ва патогенези хакидаги карашлари, хозирги назарияларга жуда якин. Яйпаний Ўзбекистоннинг тиббиёт тарихига буюк врач сифатида кирди. У 1930 йилда хаётдан куз юмган.

Ўзбекистоннинг тиббиёти ва соғлиқни сақлаши тизими билан узбек шоири Мукумий (Амин Ходжа Мукумий) хам кизиккан. У халкни кашшоклиги ва касалликларни куплиги хакида ёзган. Маляриями у «огир юрак касаллиги» деб ёзган, бошка енгилрок касаллик – лейшманиоз – хакида эса шундай деган: «бу касаллик эркаклар ва аёлларни юзларини чандик килади, бизни ахмокона ишларга бошлайди». Куриниб турибдики, Мукимий уша даврда Ўзбекистонда таркалган касалликлар хакида билган.

Тиббиёт билан бухоролик олим, шоир Ахмед Даниш в хоразмлик олим ва шоир Камил Хоразмий таниш бўлган. Унинг ташаббуси билан Хивада биринчи фелдшерлик имбулаторияси очилди.

Ўзбекистонда XIX асрнинг охирида касалхоналар, дорихоналар ва соғлиқни сақлаш тизимининг бошка объектлари йуколди, табиблар сони камайиб кетди. Хар бир шахарда мадрасада таълим олган уч-туртдан ортик табиблар ишларди. Даволаш усуллари хам ескиттан колган усуллар эди. Бу усуллар замонивий Европада фойдаланилиб келинган даволаш усулларидан анча оркада колган эди. Шундай булсада, бу табиблар етарли даражада эмасди. Шахар ва кишлок халки факатгина халк табобатидан фойдаланиган.

Халк табобати – бу шундай даво йулики, бунда халкнинг узи касалликни даволаш максадида узи билган усулни куллайди. Бу усу анча оддий, лекин хар доим хам фойдали эмас. Асосий куллаш воситалари куйидагилар: шифобахш утлар, минераллар, хайвонларни баъзи бир аъзолари. Улардан мазь, порошок, дамламалар тайёрланган. Халкда бу «туркана дори» - «уй дориси» деб аталган. Бу дорилар асосан уйда кузатувчи ёки маслатчи (ут уструвчи) ёрдамида тайёрланган. Халк табобати касалликни ьелгиларини йукотишга йуналтирилган. Халк табобати табиблари назарий билимга эга булмаган ва касалликни сабаби хамда патогенези билан кизикишмаган. Улар касалликни белгиларини аниклашган (яра, коринда огрик, томокда огрик, кон

кетиш, иситма ва бошкалар) ва уларни мумкин бўлган йуллар билан даволаганлар.

Симптомлари оркали халк табобати табиблари куйидаги касалликларни аниклашган: кизамик, боски, тепки, ангина (миякак), нома (ел) дифтерия (бугма), стоматит (огиз огриги), диспепсия (чиллашир), малярия (безгак), флегмона (хуппоз), фурункул (чипкон), лишай (темиратки), экзема (гуш яра), дракункулез (ришта), пендинская язва (емон джархат) ва бошкадар. Симптомларига караб баъзи ички касалликлар ва жаррохлик касалликларини аниклашган: гастрит (меъда касаллиги), упка чллигланиши (зотилжам), грыжа (чурра), геморрой (бовосир) ва бошкалар. Уларни даволаш учун шундай йуллардан фойдаланишган: коринда огрик булса (опий, ревень,анор пустининг дамламаси, аччик чой, енгил овкат); нафас олиш йули касалликларини даволашда (лавлаги соки, душица дамламаси, мед); безгакда (анор пустининг дамламаси). Чипкон чиккан жойга куй йоги сўртаб яра пишиб ёрилгунга кадар баглаб куйишган. Одамларда тоза ва ифлос ярадар хакида тушунча бўлган. Янги кесилган ва тешилган яраларга кул сепишган. Кул биринчидан коннн тухтатган, иккинчидан стерил бўлганлиги сабабли ярани йирингламасдан битишида ёрдам берган. Халк табиблари ичида узиг хос ихтисослаштириш бўлган. Масалан: массажистлар, тери бидан шугулланувчилар, кон олувчилар, риштани даволовчилар, тиш докторлари ва бошкалар. Шуни айтиб утиш керакки, Ўзбекистонда яшовчи ахоли бир неча асрлик орттирилган тажрибага асосланиб, соғлиқни асраш ва касалликларни олдини олиш максадида бир катор гигиеник ишлар ишлаб чикишган. Улар орасида асосий рол хаммомга каратилган. Хаммонда чумилиш соғлиқни сақлаш ва кучайтиришна керакли йули деб хисобланган. Узбек халкининг оддий гигиеник коидаларидан бири бу, овкатланишдан олдин ва овкатлангандан кейин, тозалаш ишларидан кейин, баданни сочли кисмларини тозалагандан сунг кулни ювиш. Иссик улкаларда бу тадбир фемоз ва парафемозни олдини олишда катта ахамиятга эгалиги исботланган.

Шахарларда яроксиз озик-овкатлар натижасида келиб чикадиган касалликлар таркалмаслигига катта эътибор берилган. Шахар идораси таркибида бозорларда сотиладиган озик-овкатлрани, айникса гушт ва нонни яроклилигини текрувчи шахслар бўлган. Кассоблардан куйидаги коидаларни бажариш катъий талаб килинган: суйишга факат соғлом ва тетик молларни олиш, суйилган молни обдон тозалаш, лимфа безларини топиб олиб ташлаш, кон ва бошка олиб ташланган жойларни чукур казиб, у ерга ташлаш. Профессионал кассобларни асосий коидаси, молни суйишдан олдин, бойнига чукур пичок тортиб, хамма конини чикариб ташлаш бўлган. Агар мол шу тарзда суйилмаган булса, у ейишга яроксиз саналган, молни суйган кассоб эса гунохкор (харом) деб хисобланган. Нонвойлардан эса нонни кунжут билан ёпиш талаб килинган. Овкатланадиган жойларнинг эгалари овкатларни ута сифатли махсулотлардан тайёрлаши шарт эди. Ширинликлар сотувчилари эса махсулотларини чивинлардан асрайлари керак бўлган.

Узбекларга эски вактлардан махсулотларни консервалаш маълум бўлган. Улар меваларни курита олишган (узум, урик, олма, нок, шафтоли, анжир, гилос, ковун ва бошкалар). Деярли хамма мевалардан мураббо қилишган. Узбеклар ковурилган гуштни жуда, казини яхши сақлашган. Узок йулга саёхатчилар ва жангчилар узлари билан юкори каллорияли талкон – ковурилган гуруч ва шакар – олишган, бу холатда у иссик ва совук хавода узок вакт сакланган.

Ифлосланган сув касаллик учоги булиши мумкинлиги сабаб арик ва бошка сувларни ифлослаш, ахлат ташлаш таъкикланган ва гунох саналган.

Юкумли касалликларни профилактикасига катта ахамият берилган. Моховлар учун алохида кишлоклар ташкил этилган. Асрлар давомида ишлаб чикилган уликларни кумиш коидалари, улар билан кейинчалик алока булмаслиги учун ишлаб чикилган. Уликни ювиш учун махсус гурух – ювикчилар  бўлган ва бу жараён тугамагунча, хонага хеч кимни кириши

мумкин булмаган. Улик ок мато билан тулик ураб чикилган, танасининг хеч кандай очик жойи колмаган. Уликни ювилган сув чукур казиб, уша ерга кумилган. Уликни кийимлари ювикчиларга бериб юборилган, кийим теккан буюмлар эса ювиб тозаланган. Агар кимдир уликни ташиш ёки бошка шунга ухшаш ишда ёрдам берган булса, бирон буюмга тегишдан олдин кулларини яхшилаб ювиши керак бўлган. Улим бўлган оила уйида уч кунгача овкат пиширилмаган, оила аъзоларига кушнилар овкат пишириб олиб чикишган. Шахар ёки кишлокка унинг ташкарисида улган одамнинг жасадини олиб кириш такикланган. Ўзбекистондаги бу катъий гигиеник коидалар, ўрта асрларда Европада содир бўлган каби эпидемияларни олдини олишда кул келди.

Ўзбекистонда беморларни даволаш билан диний кишилар – эшонлар, муллалар, отинлар («Кунъон»ни укийдиган аёллар) ва бошкалар шугулланишган. Диний кишилар беморларни Куръоннинг сураларини, баъзи дуоларни укиш оркали даволашган. Дуоларни укиш пайтида бемор курбонлик учун суйилган молни терисига уралган холда бўлган. Олни кони беморни танасига суркалган. Курбонликнинг маъноси бемор улимини хайвон улими билан алмаштириш бўлган. «Эзиб ички» (хатни ичиш) номли метод хам бўлган. Мулла дуони идиш ичига туш билан ёзган, бемор эса бу идишга сув солиб, дуони чайиб ичиши керак бўлган. Тери касалликларида эса бу дуолар терини зарарланган жойига ёзилган. Бундан бошка хам бар канча даволаш усуллари бўлган.

Отин ойимлар бу усулларни аёлларда куллаган. Масалан, аёллар ва болалар ёмон куз таъсирида касал бўлади деб хисобланган. «кинна солиш» ва «суфлаш» каби методлар хам бўлган. Биринчиси корин огришида, бош огришида ишлатилган, бунда кинначи идиш олиб, уни мато билан ёпган ва зарарланган аъзо устида ушлаб турган ва дуо укиган. «Суфлаш»да (бу енгил касалликларда ишлатилган) нон булаги ишлатилган. «Парихонлар» хам алохида гурухни ташкил этган. Улар, кирк кунлик руза тутиш оркали рухлар

билан гаплаша олиши ва беморлар учун рахм сураши мумкинлигига одамларни ишонтиришган. Купчилик кишилар рухлар ва ёмон кучларга ишонганлиги сабабли туморлар, кузмунчоклардан фойдаланишган. Тиббиётда илохий жойларга сигниш хам уз аксини топган. Масалан, Бухородаги Ходжи Исмат кабрини зиёрат қилиш риштадан даволаган. Бугимларда огрик бўлгандаа эса, Ушдаги Данияр бек кабрини зиёрат қилиш тавсия этилган. Болаларни кукйуталдан даволаш учу ота-оналари болани Кук масжидга олиб келишлари керак эди (Тошкент шахри, Чорсуда). Бу ерда халигача касал бола ялаши керак бўлган кук тош сакланиб келган. Тошкентда Сугалли-ота кабри мавжуд, у сугални даволашда зиёрат килинган. Самарканддаги Бибихоним масжиди аёлларни бепуштликдан даволайди деб хисобланган. Бунинг учун улар Куръон турган иккита катта тошни орасидан утишлари керак бўлган. Бу ерда тарихий парадокс холат юзага келади, чунки бибихонимнинг узи хам бепушт бўлган.

Шундай килиб, асрлар давомида халк касалликларни даволаш ёки беморни ахволини енгиллаштириш максадида турли хил даво йулларини ишлаб чикишган. Бу йуллар оддий, кул остида мавжуд бўлган нарсалар оркали ёки психологик таъсир оркали бажарилган ва баъзи холлардагина ёрдам берган.

Европа илмий фикрининг Ўрта Осиёга кириб келиши 19 асрнинг 60чи йилларида бошланган, у пайтда Қўқон хонлиги Россия империяси тарафидан ликвидация қилиниб, унинг ўрнига Туркистон генерал-губернаторлиги яратилган ва у харбий муассалар томонидан бошқарилган. Хива ва Бухоро хонликлари сиёсий мустақиллигини йўқотиб, Россия протекторатига айланган. 1886 йил Туркистон генерал-губернаторлиги Туркистон ўлкаси деб номланган. У худудга Ўзбекистондан ташқари, Қирғизистон, Туркманистон, Тоджикистон худудлари кирган. Шундай қилиб Ўрта Осиё Россия колониясига айланган.

Ўрта Осиёда колонизаторлар кириб келгандан кейин сиёсий, иқтисодий, имжтимоий хаетида муҳим ўзгаришлар юзага келди. Быстрее стало развиваться Деҳкончилик айниқса пахта етиштириш тезроқ ривожлана бошлади. Пахта учун ўстириш майдонлари россияга экспорти ошиши сабабли кенгайа бошлади. Лекин ерга ишлов бериш техникаси қолоқ эди. Ўлкамзда пахта тозалаш, совун ишлаб чиқариш, тикиш фабрикалари ишга кира бошлашди. Ишчилар қоронғи, шаббодасиз, заҳ ва чангли цехларда 12 соатдан ортиқ ишлашашди. Бундай иш шароитлари туберкулез, бруцеллез, малярия, лейшманиоз, гельминтоз каби касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлган. Бунга қарамасдан иқтисодиетда мусбат ўзгаришлар юзага келган , хамда илм ва тиббиетда. Россиядан Туркистонга замонавий Оврупа тиббиетти кириб келган. 1868 й. сентябрида Тошкентда 30 койкага харбий лазарет очилган. Унинг базасида 1870 йилда 450 койкага харбий госпитал асос топган. Шунга ўхшаш шифохона Каттақўрғонда асоссланган. 1898 йил фуқаролар учун ҳам даволаш муассасалари пайдо бўлган. 1890й. Тошкентда биринчи шахар шифохонаси асос топган, 1890 й. бу рақам 50 борган. 1883 й Тошкентда аёллар учун биринчи амбулаторий очилган, 1886 й. – эркаклар учун. Кейинчалик бундай амбулаторийлар бошқа шахарларда ҳам ташкил топган: Самаркандда (1886 й.), Андижанда (1887 й.), в Ходжентда (1889 й.). Лекин бу даволаш муассасалари харбийлар учун мўлжалланган бўлган – аскар ва офицерлар учун.

Замонавий шифохона қурилиши учун Тошкент бойи Арифходжа бай Ходжинов эски шахар худудидан ер майдонини хайрия. Бу мақсадни амалга ошириш учун 38 мнг рубл йиғилган. Афсуски бу йиғилган маблағлар шахар хокими ва губернатор тарафидан қимматбахо мебел жихозлари, гиламлар сотиб олинган, ер майдонида полиция бошқармаси. Тойтуба қишлоғида 1870 йил қишлоқ шифохонаси ташкил топган, Петербургдан жихозлар келтирилган. Лекин маъмурият тарафидан шифохона тиббий ходимлар билан таъминламаган. Врач Колосов эслайди: «Бино 5 йилдан бери бўш бўлиб

турибди, биттаям шифокор еки доя йўқ, касалларни фельдшер қарайди; битта палатани ўрнига дорихона турибди, бошқа хонада амалдорлар ўтиришибди».

Биринчи замонавий дорихона тошкентда 1898 йил ташкил топган. Хусусий дорихоналар 1893 йили 33 та бўлган, ундан 13таси қишлоқларда жойлашган эди.

1908 йили Предчетинская томонидан биринчи аёллар хусусий шифохонаси очилган. 1909 й. ака-ука Моисей и Соломон Слонимлар биринчи физитерапевтик шифохонани ташкиллаган. 1912 й. доя Доминик-Егорова боллалар уйини ташкиллаган. Бундай муассаса Ковалева томонидан 1913й қурилган. Врач М.И. Горенштейн аёллар учун яна бир шифохона ташкиллаган. Кейинчалик Туркистонда кичкина амбулаторя ва стационарлар очила бошлаган.

Ўрта Осиёда қадимдан иссиқ иқлимга ҳос патологиялар учраган бу: тери лейшманиози, бруцеллез, малярия, ўлат, трахома, гельминтолар и др.). Бу касалликларга ҳам махаллий ахоли ҳам рус аскарлар. Бу муаммонинг устида Афрамович , Клопотовский каби харбий шифокорлар ишлаган. Ришта касаллиги қўзғатувчисини - (Dracunculis medinensis) машҳур натуралист А.П. Федченко ўрганиб чиққан. 1895й. пендин ярасининг (тери лейшманиози) харбий врач П.Ф. Боровский ўрганиб чиққан. 1912й. ветеринар врач К.И. Скрябин янги гельминт турини Schystosomum Turkestanicum Skriyabin очиб ва ўрганиб чиққан.

Шундай қилиб 19 аср охирида ва 20 аср бошида Ўзбекистон худудида фан ва маданият ривожланиши учун асос яратилган

## ГЛАВА VI. ЯНГИ ДАВР ТИББИЁТИ

### 6.1. 20 асрда тиббиётда эришилган ютуқлар.

Тарихчилар янги даврни 20 аср билан боғлайди. Бу одамзот тарихида энг хилоф босқич ва у нафақат глобал ўзгаришлар, фан ва техника ривожланиши,

кўп давлатлар иқтисодий ривожланиши билан, балки революциялар, жахон урушлари билан, ички давлат низолари билан, агрессив антропоген мухит яратилиши билан боғлиқ. XX асрда фан-техника пргрессида янги ўрам юзага келди, у шунчаки кучли бўлди дунё фан фикри билан боғлиқ 80 фоиз назарияси, янгиликлари, информацияси шу юз йилликга тегишли.

20 асрда тиббиётда катта ўзгаришлар бўлди. Биринчидан эътибор марказида инфекцион касалликлар эмас, вахоланки сурункали ва дегенератив касалликлар турарди. Иккинчидан илмий айниқса фундаментал изланишлар катта ахамиятга эга бўлди. Улар организм фаолиятини, касалликларни келиб чиқишини тушунишга йўл қўйди. 20 аср учун соғлиқни сақлаш тизимининг, ишлаб чиқариш тиббиетининг, шифокор ассоциациялари, тиббиет суғўрта компанияларнинг интенсив ривожланиши характерлидир. Рухий, эндокрин, онкологик, наслий, инфекцион касалликларнинг эпидемиологиясида ктта ўзгаришлар юзага келди.

Юқумли касалликлар асрлар ичида инсонятни ўлимининг асосий сабабчиси бўлиб туриб, 20 асрда микробиологи, вирусологи, иммунология и фармакология каби фанларнинг ривожланишига туртки берди. Масалан 20 аср 20 йилларида менингококкли менингит ва пневококкли пневмонияларнинг янги даволаш усуллари ўрганиб чиққан. 1906 й. менингитга қарши самарали зардоб топилган. О.Эйвери в 1915й пневококклар хақида публикация қилган, 1929 й. А.Дошез антипневмококк зврдобини топган. Биринчи жахон урушида америка харбийлар орасида терламага қарши қилинган эмланиш касалликни тарқалишини тўхтатган. 1907й. П.Эрлих оқ трепонемага қарши специфик кимё воситасини топган ва арсфенамин замонавий кимётерапияга асос бўлган. 1932 й. Домагк – «И.Г.Фарбениндустри» компаниясининг фармакологи, сичқонлар ва бошқа хайвонларни стрептококк инфекциядан пронтозил бўеғи қутқара олади ваунинг таркибига сульфаниламид группалар киради. Бу изланишлар сулфаниламид препаратларни яратишда ёрдам берди. Сулфаниламидлар

антибактериал таъсирига эга биринчи кимётерапевтик препаратлар эди. Англия кимёчиси Л.Уитби в 1938 й. сульфапиридинни синтез қилган, а 1939 й. сульфатиазолни, ва бу восита кўп йиллар ичида менингококкли менингитни даволашида жуда самарали восита бўлиб келмоқда. Юқумли касалликлар билан курашишда революциясини А. Флеминг билан боғлашади. У 1928й пенициллинни очган – ва бу дунёдаги биринчи антибиотик бўлган, Х.Флори ва Э.Чейн пенициллинни пневмококкли пневмония и гонококкли инфекцияларга қарши қўлланганда самаралигини исботлаган. 1943 й. Захмга қарши қўлланганда Дж. Махони кўрсатган. Кейинчалик стрептомицин каби воситалар очилган (А.Шатц, Э.Бьюжи и З.Ваксман 1943г.), ва у силни даволашда биринчи самарали антибиотик бўлган. Шундай қилиб антибиотиклар одамзот тарихида ролини бахолаш қийиндир.

Англиялик шифокор Э.Женнер одамларни (1749-1828й) чинчечакдан асрайдиган хавфсиз ва жуда самарали усулни кашф этган. У сигир чечаги вакцинаси билан одамларни эмлаб, кучли иммунитет хосил килиб, чечакга қарши яхши натижа берадиган профи лактика усулини ишлаб чикди. Бу эмлаш усули киска муддат ичида деярли ер юзидаги хамма мамлакатларда кулланила бошлаган.

Француз олими Луи Пастер (1822-1825й) махсус тадкиколар утказиб одамларда юкумли касалликлар пайдо булишида микроорганизмларнинг ролини исботлаб берди.

Шунингдек микроорганизмларни кучсизлантириб юкумли касалликларга қарши эмлаш учун кулланаладиган эм дори, яьни вакцина олиш усулини амалда жорий қилди. Укутуришга ва куйдургига қарши эмлаш учун вакцина ишлаб чикди ва уни кенг кулланашига тавсия этди.

Л .Пастернинг кутуришга қарши вакцинаси туфайли хамма вакт улим билан тугайдиган куркинчли кутуриш касаллигига йуликмаслик имконига эга

булинишига юкумли касалликлар хакидаги таьлимотни ривожланишига И.И.Мечников катта хисса кушиб, у инфекция ва иммунитет хакидаги таьлимотни асослаб берди. С.П. Боткин 1860 йилларда «Катарал сарик касаллиги юкумли касалликдир» - деб таькидлади ва ич терлама клиникасини батафсил ёритиб берди.

Полиомиелит профилактикаси учун Солк ўлдирилганг вирус асосида вакцина яратган. Кейинчалик ундан самаралироқ тирик вирус асосида Сейбин вакцина яратган, ва у пер ос усулида қўлланган. Вакцинанинг оддийлиги ва самарадорлиги умуммиллий масштабларда бир давлатларда полиомиелит билан касалланишни пасайиши, бошқа давлатларда умуман ликвидациясига йўл берди. 20 асрнинг 2 яримида В гепатитга қарши вакцина ишлаб яратилган. Биринчи вакцина В гепатит касаллари қон зардобидан тайёрланган, хозир рекомбинант ДНК технологияси қўлланилади. 2006й одам папилломаси вирусига (бачадон найи саратони асосий омили) қарши биринчи вакцина тайёрланган.

20 аср тиббиетининг мухим йўналишларига эндокринологияни ҳам қўшса бўлади. 1922 йилда Ф. Бантинг ва Ч. Бест биринчи усулни татбиқ этиб, инсулиннинг актив препаратларини олишди. Инсулиннинг химиявий тузилиши яқинда аниқланди. Инсулин дисульфид боғлар билан бирлашган 17 хил аминокислотанинг икки зан-жиридан тузилган полипептид экан (биринчи занжир 21 аминокислотадан, иккинчи занжир 30 аминокислотадан тузилган). Ҳозир инсулин препаратлари кимёвий синтез йўли билан олинган (лекин бу препаратлар ҳозирча кам актив). Бу организмдан ташқарида синтез йўли билан олинган биринчи оқсилдир. Хенчемнинг ревматоид артритда стероид гормонларнинг қўлланилишини тиббиет тарихида янги бет деб билса бўлади. Стероидлар кимёсини ўрганиб чиққани Э. Кендалл ва Т.Рейхштейн, в сФ. Хенчем билан 1950 й. нобел мукофотига сазовор бўлган. Стероид гормонлар коллагеноз касалликларни даволашда жуда ердам берган.

Кўп асрлар давомида рухий касалликлар энг қийин ва жумбоқли касалликлар деб хисобланган. Касалларни боқиш ва даволаш хар доим ҳам мурувватли ва самарали бўлган. Уларни изоляциялаган, кишанлаган, оч қолдириб қийнашган, ёки муздай ваннада чўмилтирган. 20 аср бошида рухий касалликлар учун фақат таувсиф ва классификацияси бериларди.. Фрейд психоанализи, бировларнинг критикасига қарамасдан, кўпчилик томонидан маъқулланган. 1933й М. Закел депрессия ва псхозларга шифокорларнинг мунособатини ўзгартирган.: инсулиновой шок терапияси усулини депрессив холатларда қўлланишини тавсия қилган. Инсулиндан сўнг последовал метразол (пентетразол) препарат пайдо бўлган, ундан кейин электрошок билан даволаш. Кейинчалик транквилизаторлар пайдо бўлиб бугун жуда кўп рухий касалликларни даволашида қўлланилади.

Витаминлар лотинча vita-хаёт ва амин-HN группа дормон-дори одам, хайвон ўсимликлар организмининг хаёт фаолиляти учун зарур моддалардир.

Витаминнинг кашф этилиши рус олими Н.И.Лунин номи билан боғлиқ. У озиқ-овқат маҳсулотларида ҳаёт учун зарур бўлган қандайдир бошқа моддалар (озиқ фактрлари) борлигини 1880-й тажрибада исботлаб берди. Н.И.Лунин қаймоғи олинмаган сут билан боқилган оқ сичқонларнинг соғлом ва яхши ўсганлигини сут таркибидаги асосий моддалар аралашмаси яъни оқсил казеин ёғ сут қанди, туз ва сув аралашмаси билан боқилган оқ сичқонларнинг эса нобут бўлганлигини аниқлаган. “Витамин” терминни поляк олими К.Футк 1912-й таклиф этди.

В организмга асосан озиқ овқатлар билан киради. Уларнинг баъзилари ичакда микроорганизмлар таъсирида синтезланади. Лекин хосил бўлган Витамин миқдори организмни эхтиёжини тўла қондира олмайди. Витаминнннинг биолигик ахамияти моддалар алмишинувига ростловчи таъсир этишдан иборат. Витамин организмда содир бўладиган кимиёвий рекцияларни кучайтиради. Организмнинг озиқ моддаларини ўзлаштиришга

таъсир кўрсатади. Хужайраларни нормал ўсишига ва бутун организмни ривожланишига ёрдам беради. Организмда ферментлар таркибига кириб уларни нормал функцияси ва активлигини таминлайди. Шундан қилиб организмда бирор витамин етишмаса ёки бутунлай йўқ бўлса моддалдар алмашинуви бузилади. Озиқ-овқатда витамин етишмаганда кишининг меҳнат кобилияти пасаяди. Организм касалликларга хамда ташқи мухитнинг таъсирига бардош бера олмайди. Витамин етишмаслиги ёки мутлоқа бўлмаслиги натижасида авитаминингиз ёхуд гипавитаминоз келиб чиқади.

Витамин етишмовчилигига овқат рационида витамин кам бўлмаслигига эмас, балки уларнинг ичакда сўрилиши тўқималарга етказиб берилиши ва биологик актив формага айланишининг бузилиши хам сабаб бўлади. Шундай қилиб организмда витамин нормал ўзгариш сиклининг бузилиши витамин етишмовчилигига олиб келади. Меъда ва 12 бармоқ ичакнинг яра касаллиги, колит, жигар касаллиги ва б. Кўпгина касалликларда витамин ҳазм бўлиши бузилади ва эндоген витаминни етишмовчилиги пайдо бўлади.

В. Дастлабки пайтларда турли хил етишмовчилиги касалликларини даволашда қўлланилган (к. витамини билан даволаш) 20-аср ўрталаридан витамин билан даволаш миқёси анча кенгачди. Бундан ташқари, В. Озиқ-овқатларни витаминлаштиришда хам кўплаб қўлланила бошлади. Эндиликда чорвачиликда ҳам емларни витаминлашга катта эътибор берилмоқда. Лекин баъзи витаминнинг физиологик талабдан ортиқроқ ишлатилиши ёмон оқибатларга олиб келиши – гипервитаминозга сабаб бўлиши мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 1948 йилда ташкил топган бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ихтисослашган агентлик ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси – Европа Минтақавий Офисининг бир қисми ҳисобланади. Мазкур Минтақавий офис Жаҳон

соғлиқни сақлаш ташкилотининг тузилмасига қарашли олтита минтақавий офислардан биридир.

Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига 25 май 1992 йилда аъзо бўлган. 1993- йилдан бошлаб жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Ўзбекистон ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари бошланди: жахон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мамлакатда ривожланишнинг умумий мақсади – Ҳамма учун саломатликка эришиш йўлида муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий соғлиқни сақлаш тизимини мустахкамлаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида мавжуд устивор вазифаларни амалга ошириш йўлидаги қийинчиликларга қарамасдан, Ўзбекистонда сўнгги йиллар ичида мазкур соҳада катта муваффақиятларга эришилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан кўрсатилаётган техник ёрдам Соғлиқни сақлаш вазирлигининг салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнамоқда ва ўз навбатида соғлиқни сақлаш тизимининг умумий самарадорлигини ошириш ва инновацион ёндаўувларни ишлаб чиқишга хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида барча даражадаги кўмак яхшиланмоқда.

Асосий йўналишдаги фаолиятлар

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти фаолияти ўз ичига ҳамкорликнинг қатор стратегик йўналишларини киритади. Бу йўналишлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда белгилаб олинади ва Ҳамкорлик масалалари бўйича икки йиллик шартномада ўз аксини топади. 2008-2009 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик масалалари бўйича икки йиллик шарнома доирасида жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фаолияти қуйидагиларга қаратилган:

1. Юқумли касалликлар: Мингйиллик Ривожланиш Мақсадларига эришишни таъминлашга қаратилган иммунизация дастурлари; чақалоқлар ўлимини камайтириш, иммунизация тизимини яхшилаш, юқумли касалликларга

қарши курашишни кучайтириш. Бунга, парранда гриппи ва грипп пандемиясини назорат қилиш ҳам киради.

2. ОИВ/ОИТС, туберкулёз ва малярия: Мазкур касалликларнинг олдини олиш, даволаш ва парвариш қилишда Соғлиқни сақлаш вазирлигига кўмак бериш.

3. Юқумли бўлмаган касалликлар: касалликларнинг олдини олиш ва камайтириш, меҳнатга лаёқатсизлик, юқумли ва сурункали бўлмаган касалликларда вақтдан олдин дунёдан кўз юмиш, руҳий хастали, зўравонлик ва травма.

4. Она ва бола саломатлиги – касаллик ва ўлимни камайтириш, ҳаётининг асосий даврларида - ҳомиладорлик, чақалоқнинг дунёга келиши, неонатал давр, ёшлик ва ўсмирлик давр, жинсий ва репродуктив саломатликни яхшилаш, саломатлик соҳасида тенгликка эътибор бериш ва ҳаётий ёндашувдан фойдаланган ҳолда маълум шахслар учун фаол ва соғлом қаришни қўллаб қувватлаш.

5. Озиқланиш ва озиқ овқат маҳсулотлар хавфсизлиги: овқатланиш ҳолатини яхшилаш, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш ва соғлиқни сақлаш ва ривожланишни қўллаб қувватлашмақсадида озиқ овқат билан таъминлаш.

### 6.2. Янги даврдаги Россия тиббиёти.

1917 йил тарихий воқеалари сиесий ва иқтисодий хаетга катта зарар етказди. Улар нафақат аҳоли хаёти балки жамоат соғлигига таъсир этди. 20 йиллар охири ва 30 йиллар бошида собиқ Россия империяси ҳудудида вабо, тиф, чечак ва бошқа касалликлар эпидемияси ривожланди. Мамлакатнинг алоҳида регионларида очлик бу вазиятни янада чуқурлаштирди. Малакали мутахасислар, тиббий техника ва жиҳозлар, медикаментлар етишмасди. Бу янада янги эпидемия ҳолатлари ривожланишига хавф туғдирарди. Ушбу

йилларда аҳолининг ўлим даражаси 3 марта ошди, туғилиш 2 мартага камайди. Мамлакатда ўлимларни, касалликларга ва эпидемияга қарши ёрдамни фақат, яхши ташкиллаштирилган соғлиқни сақлаш тизими қутқара олиши мумкин эди. 1918 йилда худди шунақа тизим фаол шакллана бошлади. 1917 йил 26 октябрда Давлат соғлиқни сақлашни тузиш учун Тиббий-санитар бўлим тузилди. Бўлимнинг асосий вазифаси янги ҳокимиятни тан олган , барча врачларни ишга жалб қилиш ва бирлаштириш эди. Врачлар коллегия Совети фаолиятига бўйсунадиган, тиббий-санитар бўлимлар ва врачлар коллегиялари тузила бошланди. Мамлакат ҳудудидаги барча тиббий-санитар тадбирларни олиб борлишини назорат қилувчи, ташкиллаштирувчи ва бош соғлиқни сақлаш органи бўлиши лозимлиги, 11 июл 1918 йил Халқ комиссариати Совети “Соғлиқни сақлаш халқ комиссариати муассасалари тўғрисида” декрет имзоланди. Унинг биринчи раҳбари қилиб Г. Н. Каминский тайинланди. Кейинги халқ соғлиқни сақлаш комиссари **Николай Александрович Семашко** (1874–1949йй.) бўлди, у нафақат совет тиббиёти балки дунё тиббиётига катта ҳисса қўшди. У Наркомздрав бўлиб 11 йил мобайнида эпидемия, очлик пайтларида бошқариб келган. У эпидемияларга қарши, оналик ва болалик дастурларни тузишда фаол иштирок этган. Унинг даврида санатор-курорт даволаш тизими ривожлана бошлаган, тиббий олий таълимда ўзгаришлар юзага келган. Н. А. Семашко гигиена ривожланишига катта хисса қўшган ва 1922 йил Москва давлат университети тиббиет факултетида ижтимоий гигиена кафедрасини ташкил қилган, 27 йил мобайнида кафедра мудири бўлиб ишлаган. У хамда умумиттифоқ гигиена жамиятини 1940-1949 йй бошқарган.

Янги тиббиетнинг энг мухим принципи бу давлат храктерига эга бўлиш эди. Жамиятнинг энг қашшоқ қатламаларига тиббий хизматлар учун льготалар киритилган, даволаш профилактика муассасаларнинг сони кўпайтирилган. Кейинчалик санитария-гигиена назорати бўйича зизматлар ташкиллаштирилган. Доимий санитар назоара нафақат корхоналарда, балки

аҳолининг шахсий ҳаетида ҳам ўрин топган. Хукумат тарафдан бу режаларни амалга оширишга катта маблағлар ажратилган. Яқин орада бутун иттифоқ бўйича вабо, чечак, ўлат каби касалликлар ликвидация қилинган. Бундай чора-тадбирлар шунчалик самараси юқори бўлган, ҳам тинчлик даврида, ҳам иккинчи жаҳон уруши даврида эпидемиялар таъсодифлари таъкидланмаган.

Вазият стабиллашиб фуқаролараро уруш тугагандан кейин, хукумат тиббий олий таълимга янги олий маълумотли кадрларни тайерлашга катта эътибор қарата бошлади. У пайтда соғликни сақлаш тизимида амалиёт билан тиббий фаннинг бирлаштириш лозим эди. Лекин тиббиёт қийин давларни ўтказар эди. Лабораторияларда жихозлар етишмовчилиги яққол билинарди. . Мехнат учун нормал шароитлар йўқ эди – лабораториялар иситилмас, электр тармоқлари йўқ эди. Бунга қарамай олимлар ўз ишларини олиб борардилар, ва бу ишлар кейинчалик дуневий ахамиятга эга бўлган. Россия тиббиети алломалари В. М. Бехтерев, А. А. Кисель, Н. И. Бурденко, Е. Н. Павловский, И. П. Павлов бир энтузиазмнинг ўзида очлик ва бошқа йўқчиликларни жидаб келиб ишини давом этардилар. Шу пайт шартли ваакцинация киритилган эди, силга қарши эффектив курашиш усуллари топилган эди, трансмиссив касалликларнинг йуқиш механизмлари ўрганиб чиқилган.

1918й . биринчи тиббий мажлис ташкил этилган, ва у олий тиббий таълим ривожланиши, суд тиббий экспертиза, давлат фармакопеяси ва бошқа саволлар устида фаол ишларни олиб борган. Бу мажлиснинг фаол иштирокида Давлат аҳолини соғлигини сақлаш институти ташкил топган, ва унинг таркибига 8 илмий институт киритилган. Илмий институтлар санитар-гигиена шароитлари, тропик касалликлар, микробиология ва бошқа саволлар устида бош қотирардилар. Бутун Россия бўйича 1918 – 1927йй. 40дан ортиқ илмий институтлар ташкиллаштирилган.

1930йилдан хамма тиббий факултетлар ажралиб мустақил тиббий институтларга айланган, 1935 йилга уларнинг сони 55 борган (тиббий

институтлар сони билан биргаликда) (Тошкентс и Самарканд тиббиет институтлари). Уларнинг таркибида фармацевтик, педиатрик, стоматологик факультетлар асосланган, ва бу биринчи тиббиет университетлари асосланишига имкон туғдирган. Клиник кафедралар бўйича ординатура ва аспирантуралар ташкил этилган.

1941 – 1945йй. Улуғ Ватан уруши бўлган, ва у тарихда энг кўп қон тўкилган жанг бўлган. 27 млн. ортиқ аскарлар ва халқ вафот этган. Лекин кўписи тиббий шифокорлар орқасида омон қолган. Урушнинг бош даври тиббий таъминлаш бўйича жуда қийин кечган: Кадрлар, дори-дармонлар, жихозлар етишмовчилиги. Шу сабабли харбий-тиббий ва тиббиет институтлардан муддатидан олдин 4 босқич талабаларни чиқаруви ташкиллаштирилган Шунинг орқасида урушнинг иккинчи йилида армия хамма тиббий мутахассислар билан 95 фоизга таъминланган. Қизил армия бош шифокори Н. Н. Бурденко, бош жаррох ВМФ – Ю. Ю. Джанелидзе бўлганлар. Шифокорларнинг тартибга солинган ишининг орқасида эвакуацион госпиталлар ташкил этилган, тиббий ердам тараққий эттирилган. Илмий ишлар тўхтамаган, урушдан олдин қон ўрнига қўлланаладиган суюқликлар топилган, қон қуйиш ва консервациялаш усуллари ўрганиб чиқилган. Бу хаммаси кейинчалик минглаб хаетларни қутқарган. Уруш йилларида пенициллин синовлардан ўтган, янги сульфаниламид ва антибиотиклар очилган ва улар сепсис, йирингли жарохатларда қўлланилган.

Урушдан кейинги йиллардаги тиббиётнинг эришган асосий ютуқларига санитар ҳолатни чуқур ўрганиш ва ушбу соҳадаги муаммоларни самарали бартараф, бундан ташқари 1944 йил 30 июнда биринчи АМН СССР очилди, Н. Н. Бурденко президент қилиб тайинланди.

Кейинчалик 1960 йилдан 1990 йилгача совет тиббиёти кетма-кет бир неча даврларни ўтказди. 1960- йилнинг бошларида бутун мамлакат бўйича катта касалхоналар қурила бошланди ( 300–600 ва ундан кўп ўринли),

поликлиникалар сони ошди, болара касалхоналари ва санаториялар ташкил қилинди, амалиётга янги вакцина ва препаратлар киритилди. Терапия соҳасида алоҳида мутахасисликлар ажрала бошлади ва ривожланди (кардиология, пульмонология ва бошқ.). Жарроҳлик олдинга ривожланди, микрожарроҳия, трансплантология ва аъзо ва тўқималарни протезлаш принциплари ишлаб чиқилди. 1965 йил тирик донордан биринчи марта буйракни кўчириб ўтказиш муваффақиятли ўтказилди. Операцияни Борис Васильевич Петровский ўтказди. 1970- йил ўрталарида кўпгина диагностик марказлар очилди ва жихозланди, оналик ва болаликни мухофаза қилиш мукаммаллаштирилди, онкологик ва юрак қон томир касалликларига кўп эътибор қаратилди. 1980- йилларда кардиология, онкология, лейкозлар, имплантация ва протезлаш масалаларини фаол ўрганиш давом этди. 1986 йилда биринчи марта юракни кўчириб ўтказиш операцияси муваффақиятли ўтказилди. Операция муаллифи Валерий Иванович Шумаков.

Бундан ташқари тез ёрдам тизими фаол ривожланди, автоматлаштирилган бошқариш тизими тузилди «тез ёрдам» ва «стационар». 1983 йилдаги соғлиқни сақлаш соҳасининг оламшумул вазифаси бу оммавий, уму халқ диспансеризацияси ва ахолини профилли даволаш бўлди. Буни охиригача амалга ошириш мумкин эмас эди, чунки аниқ режа ва етарли маблағ йўқ эди.

Шундай қилиб, совет даври охиридаги соғлиқни сақлашда режалаштирилган ислохотларни тўғри олиб бора олмаслик асосий муаммоси эди. Молиялаштиришнинг янги усулларини киритиш, хусусий ва давлат тузилмаларини жалб қилиш керак эди. Шунинг учун, барча ўтказилган илмий ва амалий ишлар соғлиқни сақлашда кутилган ўзгаришга ва натижага ҳукумат эриша олмади.

### 6.3. Здравоохранение в Узбекистане новейшего времени.

### 6.4. Ўзбекистонда табиий фанлар ва тиббиётни ютуқлари.

Ўзбекистонда тиббиёт минг йиллар давомида шакилланган, аммо енг мухум давр ўрта аср билан боглик (X - XП аср.) Айни оша даврда Ўзбекистоннинг буюк шахслари яшаб отган.Улар орасида Абу Али ибн Сина (Авиценна), математик ва фармаколог Абу Райхан Беруний, математик ва файласуф Ал Хоразмий. Булардан ташкари Мовароуннахрда тиббиётни ривожланишида рол ўйнаганлар: Шарафўтдин ибн Абдуллах Илокий, Исмаил Джурджаний, Махмуд ибн Умар Чагминий, Наджибуддин Самаркандий.Дунё тиббиётининг олтин фондига киритилган асарлар Ибн Синонинг «Тиб конунлари» ва «Урджузалар», Исмаил Джурджанийнинг «Хорезмшохнинг хазинаси» и «дори хазинаси» Наджибуддина Самаркандининг«Касаликнинг сабаблари ва кориниши» и «Дориларни тайорлаш», Ибн Абдуллах Илокийнинг «Тиббиёт топлами» и «Кичик Тиб конунлари», Ибн Умара Чагминийнинг «Кичик конун» и ва бошкалар.

Тиббий биологик, клиник, тиббий ижтимоий ва гигиеник фанларга бўлинади. Тиббийбиологик фанларга: одам гавдасининг тузилишини ўрганадиган анатомия, гистология ва ситология; организмнинг одатдаги ҳолатини, унда касалликнинг пайдо бўлиши, авж олиши, кечиши ва юз берадиган структур ҳамда функсионал ўзгаришларни ўрганадиган нормал физиология ва биокимё; патологик анатомия ва патологии физиология; организмга дорилар таъсирини урганадиган умумий ва клиник фармакология, шунингдек, микробиология, вирусология ва паразитология, тиббиёт генетикаси ва б. киради. Одам касалликлари, уларни даволаш ва олдини олишни ўрганадиган клиник фанлар асосий даволаш усулига кўра, терапия ва жарроҳияга бўлинади. Т.нинг ушбу қисмлари ҳам, ўз навбатида, маълум орган, системалар касалликларини атрофлича ўрганиши, йўналиши бўйича турли соҳаларга бўлинади. Мас, терапияда кардиология, ревматология, нефрология, гастроэнтерология, гематология, гериатрия, фтизиатрия, педиатрия, неврология, психиатрия, дерматология ва венерология, курортология, физиотерапия, рентгенология, терапевтик стоматология; жарроҳиязя, умумий жарроҳиядан ташқари, акушерлик ва гинекология жарроҳияси,

травматология ва ортопедия, анестезиология, реаниматология, нейрожарроҳия, онкология, урология, оториноларингология, офталмология хлрургиялари ажратилади. Клиник фанларнинг ҳар бирида беморни текшириш ва касаллик белгилари семиотикасчни аниқлаш усуллари бўлими бор.

Ташқи муҳитнинг организмга таъсири ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш тадбирларини ўрганадиган тиббийижтимоий ва гигиен и к фанларга ижтимоий гигиена ҳамда соғлиқни сакдашни ташкил этиш, умумий гигиена, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, коммунал гигиена, овқатланиш гигиенаси, радиацион гигиена, меҳнат гигиенаси, эпидемиология ва тиббиёт географияси, шунингдек, тиббиёт этикаси ва деонтологияси киради.

Т.нинг бундай бўлиниши шартли, чунки ижтимоий жараёнлар барча тиббиёт фанларига, шунингдек, илмиямалий соҳалар (ҳарбий тиббиёт, космик тиббиёт, спорт тиббиёти, суд тиббиёти ва б.)га бевосита тааллуклидир. Тиббийбиологик фанлар учун характерли бўлган экспериментал усул эса клиник ва гигиеник Т. соҳасига хам кенг кириб бормоқда. Т. табиий фанлар (биология, физика, кимё) ва ижтимоий фанлар ҳамда техника билан чамбарчас боғланган.

Тарихи. Замонавий Т.нинг келиб чиқиши, тараққиёт босқичи кўҳна тарихнинг турли даврларидаги дунёқарашларни ўз ичига олади. Маълумки, турли касалликлар, уларни даволаш ва олдини олиш ҳақидаги билимлар асоси қадимдан кишиларнинг тажриба ва кузатишларига боғлиқ бўлган.

Т.нинг халқ табобатидан мустақил фан даражасига кўтарилишида қад. Миср, Бобил тиббиёти, Гиппократ ва Лменнинг муҳим ўрни бор. Гиппократ касалликларни аниклаш, беморнинг ҳаёти ва фаолиятига ташқи муҳитнинг таъсирини ўрганиш, хасталикнинг келиб чиқиш сабабларини топиш ва даволашда бемор организмининг ўзига хос хусусиятларини билиш каби масалалар билан шуғулланган. Гален эса биринчи бўлиб организмдаги аъзо ва системаларнинг тузилиши ҳамда функсияларини, асосан, ҳайвонлар

(маймунлар) организмида тажриба қилиб ўрганган. Унинг анатомия ва физиологияга дойр асарлари то 16-а.

гача Т.нинг асоси бўлиб хизмат қилди.

Ўрта Осиё ва умуман Шарқда табобат айниқса, ривож топди. Шу даврда юнон, санскрит ва бошқа қад. Шарқ тилларида ёзилган тиббиётга дойр асарларнинг кўпчилиги, жумладан, Аристотел, Диоскорид ва Галеннинг доришуносликка оид асарлари сурёний ва араб тилларига таржима қилинди. Галеннинг "К,иво аладвия ал муфрада" ("Содда дориларнинг қувватлари") ва Бадиғурснинг "АлАбдал аладвия ал муфрада" ("Содда дориларнинг ўрнига ўтувчилар") каби китоблари илк бор машҳур табиб ва таржимон Ҳунайн ибн Ишоқ алИбодий (809— 877) томонидан таржима қилинди. Шарқда Абу Ҳанифа адДинаворий (815 й. туғилган) "Китоб финнабот" ("Ўсимликлар қақида китоб")ни яратиб, унда 482 хил ўсимликнинг дорилик хусусиятларини баён этди. Абу Райҳон Берунийнинг "Китоб ассайдана фиттиб" ("Тиббиётда доришунослик") асари ўша давр Т.ининг энг катта ютуғи ҳисобланиб, Ўрта Осиёда доришунослик илми — сайданага асос бўлди. Абу БакрарРозийнинг табобат соҳасидаги асарлари умуман жаҳон тиббиётининг ривожланиши, бойишида ғоят улкан аҳамият касб этди. Олимнинг тиббиёт энсиклопедияси хисобланган 25 жилдли "АлЖомиъ алкабир ва қад урифа билҲовий" ("АлҲовий номи билан танилган катта тўплам") асари шу давргача Ғарб ва Шарқ Т.ида қадрли бўлиб келди; 10 жилдли "Табобат китоби" ҳамда "Чечак ва қизамиқ ҳақида"ги китоби ҳам Т.да машҳур эди.

Ўрта асрда Абу Али ибн Сино Т.нинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Унинг "ал Қонун фиттиб" (қ. "Тиб қонунлари") асари асрлар оша жаҳон табобатида асосий қўлланма бўлиб келди. Бу асар Т.нинг асосий соҳалари: анатомия, физиология, патология, терапия, доришунослик, гигиена ва б.ни қамраб олган. Иситма, ўлат, чечак, қизамиқ каби юқумли касалликларни қандайдир кўзга кўринмас жониворлар қўзғатиши тўғрисида фикр юритган. У буйрак тошларини операция қилиб олиб ташлаш, трахеотомия қилиш,

жароҳатларни даволаш усуллари ҳақида ёзади. Ибн Синонинг бизгача етиб келган энг муҳим асарларидан яна бири "алАдвия алқалбия" ("Юрак дорилари")дир. Унда олим юрак касаллигида қўлланадиган (ўзи топган) дорилар ҳақида ёзади.

Таниқли табиб Абу Мансур тибга оид "Мажмуъайи кабир дар адвият муфрада" ("Содда дорилар ҳақида катта тўплам"), "Рисола дар иложи амрози садр" ("Кўкрак касалликларининг давоси ҳақида рисола"), "Китоб ғуно ва муно" ("Мақсадларни мукаммал баён қилган китоб") каби асарлар ёзган. Буларда ички касалликлар, тери касалликлари, иситмабезгак касаллиги, уларга қарши дорилар ва даволаш усуллари баён этилган.

Шарафўтдин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Илоқий ҳам касалликларнинг келиб чиқиши, сабаблари, белгилари, уларни аниклаш ва даволашга оид кўп билимлар соҳиби бўлган.

Ўша даврнинг йирик табибларидан бири Бадриддин Самарқандий Муҳаммад ибн Баҳром Қалонисий ҳар хил касалликларга қарши мураккаб дорилар тайёрлаб тажрибада синаб кўрган.

13-а.нинг машҳур табибларидан бири Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Али ибн Умар Нажибуддин Самарқандий "Ағзият алмарзо" ("Касаллар истеъмол қиладиган овқатлар") номли китобида ҳар бир касалликда қандай таом истеъмол қилиниши ва қайси овқатлардан эҳтиёт бўлиш лозимлиги, шунингдек, овқатларнинг дорилик хусусиятлари ҳақида ёзган.

40 й.дан ортик, табобат илми билан шуғулланган Султон Али табиб Хуросоний (15—16-а.) ўз тажрибалари асосида 2 асар ёзган. Улардан бири "Дастур алилож" ("Касалларни даволаш бўйича қўлланма")дир. 15— 16-а.ларда Ҳиндистонда яшаб ижод этган хиротлик табиб Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф Юсуфий алҲиравий тиббий асарлари ва амалий ишлари билан Ўрта Осиё, Хуросон ва Ҳиндистонда табобатнинг яна ҳам тараққий этишига ўз ҳиссасини қўшди.

Абдулғозихон ибн Араб Муҳаммадхон Хоразмий (1603 — 1664) муҳим тиббий асарлари, жумладан, эски ўзбек тилида ёзилган "Манофиъ алинсон" ("Инсон учун фойдали дорилар") номли асари билан машҳур.

18-а. нинг 2ярми ва 19-а.нинг 1ярмида Хоразмда яшаб ижод этган ўзбек табиби Жаъфархужа ибн Насруддинхўжа алҲусайний алКарукий Ҳазораспийнинг ўзбек тилида ёзилган "Мултақий аттиб" ("Тиббий маълумотлар тўплами") асари (1823) 67 бобдан иборат бўлиб, унда асосан, киши аъзоларининг ҳар хил касалликлари ва уларни дорилар билан даволаш усуллари баён килинган.

Машҳур ўзбек табиби Маҳмуд Ҳаким Яйфоний Ҳўқандий (1851 й.да туғилган) умрининг кўп қисмини табобатни ўрганишга ва кишилар соғлигини сақлашга сарфлади. У ўз давригача бўлган шарқ табобати қўлга киритган ютуқларни жамлаб ҳамда шахсий тиббий тажрибалари билан бойитган қолда "Қонун алилож" ("Даволаш крнуни") ва "Тариқ алилож" ("Даволаш усули") китобларини ёзиб крлдирган. Уларнинг иккинчисида ўпка, юрак, сут бези, меъда, жигар, ичак, буйрак, қовуқ ва иситма касалликлари, шишлар, тошмалар, мўй ва тирноққа оид хасталиклар, жароҳат ва яралар; суякларнинг синиши, заҳарлар, заҳарли ҳайвонлар чаққанида даволаш ва баъзи русча номдаги дорилар келтирилган.

Боситхон Зоҳидхон ўғли ўз ижодида Беруний, Розий, Ибн Сино, Илоқий, Қумрий ва Самарқандийларнинг асарларидан кенг фойдаланган. Бизгача унинг ўзбек тилида ёзилган 3 асари етиб келган.

Ўрта Осиёда қадимдан доривор ўсимликлар ва овқатли моддаларнинг хусусиятлари, уларнинг киши организмига етказадиган фойда ва зарарлари ўрганилган. Натижада халқ қўлида астасекин Т.га оид кўпгина маълумотлар йиғилиб борган. Улар эса кейинчалик тиббий асарлар яратишда муқим манбалардан бири бўлган.

Европада Уйғониш даврида Т. янгидан равнақ топди. 16-а.да кўпгина фанлар, айниқса, Т., физика ва кимёнинг ривожланиши касалликларни даволаш, сабабини билишда бу фанларнинг қонунларидан фойдаланиш имконини

берди. Жарроҳияда, айниқса, жароҳатларни даволашда янги усуллар жорий қилинди. Анатомиянинг асосчиси А. Везалий мурдани ёриб текшириш билан одам организмининг тузилиши ва органлар фаолиятини илмий жиҳатдан аниқ асослаб берди. Инглиз врачи В. Гарвей қон айланиш системаси ҳақида асар яратиб, Т.да янги бўлим — физиологияга пойдевор қўйди. Физиканинг тараққиёти натижасида бу даврда микроскоп кашф этидди ва ундан Т.да фойдаланила бошланди. Голландиялик олим Антони Левенгук томонидан микроскопиянинг ривожлантирилиши микробиология соҳасининг шаклланишига сабаб бўлди.

17—18-а.ларда саноатнинг ривожланиши натижасида касб касалликлари ҳақидаги соҳа вужудга келди. Бундай касалликлар сабабини дастлаб россиялик олимлар ўрганиб, Т.га янги — касб касалликлари ҳамда мех.нат гигиенаси бўлимларини киритдилар. Кейинчалик табиий фанлар ва техника соқасидаги тадқиқотлар доираси янада кенгайди. Табиий фанларнинг ютуклари Т. тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди, беморни объектив текшириш усуллари (палпация, перкуссия ва б.) ва лаб. диагностика асослари ишлаб чиқилди. Клиник текширув натижаларини, мурдани ёриб текширишда олинган маълумотлар билан таққослаш усули (А.И. Полунин, Н. И. Пирогов ва немис олими Р. Вирхов ва б.) касаллик белгилари орган ва тўқима ҳамда ҳужайраларнинг тузилишидаги ўзгаришларга боғлиқ эканлигини исботлашга имкон берди, бу тадқиқотлар натижасида кейинчалик Т.нинг яна бир янги бўлими — патологик анатомия ва гистология соҳалари вужудга келди.

Энергиянинг сакланиш ва ўзгариш қонунлари кашф этилиши, органик моддаларнинг тузилиши, ўзгариш ва алмашинув йўлларини ўргана бориш биол. ва Т.нинг тараққиётида муҳим босқич бўлди, физиологик ҳодисаларни тушунтириб берган илмий йўналиш ўша қонунларга асосланди.

19-а.нинг 2ярмида микробиология соҳасида бир қанча янгиликлар яратилди. Эпидемик касалликлардан вабо, ўлатнит қўзғатувчилари ва касаллик эпидемиологияси ўрганилди, чечак микроби аникланди ва унга қарши ваксина тайёрланди (Э. Женнер). Маҳоратли врачлар ёрдамида бутун дунёда

чечакка қарши эмлаш расм бўлди. Юқумли касалликлар сабаби турли микроблар эканлигини Л. Пастер асослаб берди ва бу кашфиёт асосида кишиларни куйдирги, қутуриш каби юқумли касалликларга қарши эмлаб, уларнинг олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш имконияти туғилди. Шу даврда Европада безгак, тошмали терлама (тошмали тиф), қайталама терлама ва б. юқумли касалликларни қўзғатувчи микроблар топилди. И.И. Мечников иммунитет ҳақидаги таълимотни яратди. Микробиологик кашфиётлар асосида гигиена фани шаклланди ва юксала борди. Ўша даврда Россия ва б. давлатларда ташқи муҳитнинг — ҳаво, сув ва тупроқнинг инсон организмига, шунингдек, ижтимоий омиллар — мехнат, турмуш тарзи ва овқатланиш шароитларининг ишчилар соғлиғига таъсирини ўрганиш туфайли ижтимоий гигиена муаммоси илмий асослаб берилди.

19-а.нинг сўнгги чорагида шаклланган биокимё фани соғлом организмда ва патологик ҳолатларда моддалар алмашинувини ўрганиш, унинг ўзгаришини текшириш натижасида касалликларни аниклаш билан физиология ва патофизиологияни бойитди ва Т.га янги, юқори информатив ва бажарилиши осонроқ лаб. усулларини киритди. Орқа мия нервларидаги сезувчи ва ҳаракатлантирувчи толалар ўрганилди, бу эса организмда нерв системаси фаолиятининг аҳамиятини аниқлашга имкон берди, қон ва лимфа таркиби, безларнинг тузилиши ва функсиялари ўрганилди. Рус олимлари С. П. Боткин, И.М. Сеченов, И.П. Павлов тадқиқотлари туфайли марказий нерв системаси ва бутун организмнинг фаолият крнунлари материалистик нуктаи назардан таърифлаб берилди.

Умуман бу даврда экспериментал Т. тобора ривожланиб борди, француз олими К. Бернар ва рус патофизиологи В.В. Пашутиннинг бу борада олиб борган илмий ишлари умумий патология (кейинчалик А. А. Богомолец ва С.С. Халатов асослаган патологик физиология)нинг фан сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Анатомия ва топографик анатомияларни чуқур ўрганиш жарроҳияда операцияларнинг муваффакиятини таъминлади.

20-а.да Т. да мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Немис олими В.К. Рентген икснурларни кашф этди ва Т.да рентгенологияга асос солди. Табиий радиоактивликнинг кашф этилиши, ядро физикаси соғасидаги тадқиқотлар ионловчи нурларнинг тирик организмга таъсирини ўрганувчи радиобиология фанини юзага келтирди. Бу соҳадаги кейинги изланишлар даволаш ва диагностика мақсадида радиоактив изотоплардан, нишонланган атомлардан фойдаланиш имконини берди. Т. техникаси ҳам тез ривожланди. Т.га электроника ютукларининг татбиқ этилиши натижасида организмдаги турли орган ва системалар фаолиятини аниқ белгилаб берадиган усуллар, сунъий юрак, сунъий буйрак ва ҳ.к. ихтиро қилинди. Электрон микроскоп эндиликда ҳужайрадаги энг мураккаб ва нозик ўзгаришларни, майда микробларни аниқлашда зарур курол бўлиб қолди. Т. кибернетикаси ёрдамида замонавий, ихчам ва қулай протезлар яратилди, шунингдек, операция вақтида беморнинг нафас олиши ва артериал босимини меъёрида саклаб турадиган турли автоматик системалар ишлаб чиқилди, техника тараққиёти, ўз навбатида, Т.га янги соҳалар (авиация тиббиёти, космик тиббиёт)ни киритди. Ирсият ва организмнинг ўзгарувчанлик қонуниятини ўрганадиган генетика фани Т.нинг ривожига катта таъсир кўрсатди. Ирсий касалликларни ўрганиш тиббиёт генетикасининг пайдо бўлишига олиб келди. Иммунологиянинг ривожланиши иммунологик ўзгаришлар оқибатида келиб чиқадиган касалликларни ўрганадиган иммунопатологияга асос бўлди. К. Ландштейнернинг изогемагглютинация қонуни (1900— 01), Я. Янский томонидан одам қони таркиби жиҳатидан 4 гуруҳга бўлиниши кашф этилиши (1907) Т. амалиётида қон қуйишдан кенг фойдаланишга имкон берди. Бу даврда Т.га Пиркенинг сил касаллигини аникдайдиган аллергик реакцияси (қ. Пирке реакцияси) ва аллергия термини киритилди. 1939—40 й.ларда микроорганизмларга қарши курашнинг кучли воситаларидан бўлган антибиотиклар ихтиро қилинди ва амалда қўлланила бошлади. Витаминлар ҳақидаги таълимот ҳам ривож топди. Ички секреция безларининг тузилиши ва функсиясини ўрганиш туфайли эндокринология мустақил фанга айланди,

у ривожланиб, гормонотерапия ва гормонал регуляция масалаларини хам ўрганишга киришилди. Кимётерапия, гормонотерапия ва марказий нерв системасига таъсир этадиган препаратларнинг қўлланилиши ва турли синтетик препаратларни олиш усулларининг кенгайиши клиник Т.ни тубдан ўзгартирди. Бу даврда янги тиббий жиҳозлар, жумладан, электрон аппаратлар ёрдамида юрак фаолиятини клиник ва экспериментал текширишлар амалиётда кенг қўлланиши натижасида кардиология соҳаси ички касалликлар клиникасидан мустақил фан сифатида ажралиб чикди. Миокард инфаркти, қон ивиши, атеросклероз ва б. клиникаси таърифлаб берилди. Эндиликда кардиология муаммоларини терапевтларгина эмас, балки жарроҳлар, физиологлар, биокимёгарлар ва б. хам ўрганмоқдалар. Қон системасини ўрганадиган фан — гематология хам ривожланди. Уруш харакатлари чоғида ҳарбий дала жарроҳлиги юзага келди. Травматизмнинг ўсиши туфайли травматология ва ортопедия шаклланди. В.П. Фшштовнннг пластик жарроҳия соҳасидаги ишлари жаҳон Т.ида юксак баҳоланди, Америкалик олим Х.У. Кушинг , рус олимлари А.Л. Поленов, Н.Н. Бурденко ва б. нинг ишлари нейрожарроҳиянинг шаклланишига имкон берди. Сийдиктаносил аъзолари касалликларини жарроҳик усулда даволаш йўлга қўйилиши туфайли урология соҳаси қарор топди. Наркоз бериш усули такомиллаштиридди. Рус жарроҳи А. В. Вишневский новокаин эритмаси билан маҳаллий оғриқсизлантириш усулини ишлаб чикди (1923—30). Замонавий наркоз бериш усули ва антибактериал терапия юрак ва ўпка жарроҳиясининг ривожланишига йўл очди, сунъий қон айланиш аппарати ва ҳ.к. кашф этилди. Кардиожарроҳия хам янги одимлар ташлади: туғма ва ревматик юрак пороклари жарроҳик йўл билан даволана бошланди. Юрак трансплантологиясига асос солинди (Жан.Африка жарроҳи К. Барнард, 1967). 20-а. бошларида ўсмалар ҳақидаги фан — онкология шаклланди. Кейинги тадқиқотларда ўсмаларнинг , чунончи ракнинг вирусли ва кансероген шакл назариялари юзага келди. Микробиология тез суръатлар билан ривожланди: силга қарши ваксина тайёрланди (1921, А. Калмет ва Ш. Герен). Кейинги

изланишлар натижасида полиомиелит, дифтерия ва б. инфексион касалликларни бартараф қиладиган ваксина, зардоблар ихтиро қилинди; риккециоз, лептоспирозлар ҳақидаги таълимот ишлаб чикидси. Д. И. Ивановскийнинг филтрланувчи вирусларни ихтиро қилиши (1892) ва Нидерландия ботаниги М. Бееринкнинг кейинги тадкиқотлари вирусологиянинг мустақил фан сифатида шаклланишига олиб келди.

Замонавий тиббиётнинг баъзи муаммолари. Илмий техника ривожи, ижтимоийиқтисодий ўзгариш ва муваффақиятлар туфайли аҳоли соғлиғини сақлашда касалликлар таркибида мухим ижобий ўзгаришлар рўй берди, ўлим камайди, узоқ умр кўрувчилар сони ортди. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда илгари дунёда кенг тарқалган ўта хавфли эпидемик касалликлар (вабо, ўлат, чечак ва б.) га барҳам берилди. Кишилар соглигига ва халқ хўжалигига катта зарар етказаётган грипп, вирусли гепатит, орттирилган иммун танқислиги ва б. вирусли касалликларга қарши кураш шу куннинг муҳим тиббий муаммоларидан бўлиб қолмоқса.

Юрактомир касалликларидан юракнинг ишемик касаллиги (қ. Инфаркт), атеросклероз, гипертония касаллиги ва б.нинг олдини олиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Асаббузарлик, тамаки чекиш, жисмоний меҳнат билан кам шуғулланиш, меъёридан кўп овқат ейиш, спиртли ичимликларга ружу қилиш, гиёҳвандлик каби иллатлар бундай касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Лекин бу касалликларни ўз вактида аниқдаш ва даволашда замонавий Т. анчагина муваффақиятларга эришди.

Хавфли ўсмаларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ва даволаш Т.нинг энг долзарб масаласидир. Кимёвий кансероген моддалар ва нурланишнинг таъсирини камайтириш, ўсмалар пайдо қиладиган вирусларни топиш ва организмнинг ҳимоя механизмларини ўрганиш муҳим масалалардандир. Бу борада Ўзбекистон Онкология маркази ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Замонавий Т.нинг долзарб масалаларидан яна бири асаб ва руҳий ўзгаришларни ўрганишдир, чунки бир қатор мамлакатларда бунга соғлиқни сақлашнинг биринчи масаласи деб қарашмоқда.

Ташқи муҳитни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш жуда муҳим ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга. Сув, ҳаво, тупроқнинг ифлосланиши ва биосферада экологик мувозанатнинг бузилиши кишилар соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ичимлик сув ва тупроқнинг саноат чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш ўта долзарб масаладир. Ташқи муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш учун кураш халқаро аҳамиятга молик бўлиб қолди. Бу соҳада кейинги йилларда республикада шифокорлар, айниқса гигиенист олимлар ва махсус и.т. институтлари жамоалари кўпгина арзигулик ишлар қилишди. Ҳоз. замон Т.и олдида турган энг муҳим масалалардан яна бири врач билан бемор ўртасидаги муносабатларнинг (қ. Тиббиёт деонтологияси) самарадорлигига эришишдир. Орган ва тўқималарни кўчириб ўтқазишдаги донорлик, тўқималар мое келмаслигини бартараф қилиш ва ушбу муаммога боғлиқ бир қанча масалалар, мас., ўзак ҳужайралардан даволаш мақсадида фойдаланиш Т.да муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистонда тиббиётнинг ривожланиши. Тошкентда Туркистон унти таъсис этилиши ва унинг таркибида тиббиёт фтининг очилиши Ўзбекистонда Т.нинг ривожланишидаги муғим санадир. Бу фт кейин (1931 й.) Тошкент тиббиёт интига айлантирилди.

1918 йилда Тошкентда микробиология лаб. (кейинчалик Эпидемиология ва микробиология и.т. института ҳамда ваксина ва қон зардоблари и.т. институтлари), 1919 йилда Н.А. Семашко номидаги физиотерапия инти (ҳоз. Тиббий тикланиш ва физиотерапия институти), 1924 йилда Бухорода Тиббиёт паразитологияси ва безгак инти (кейинчалик Самарқандга кўчирилган) ташкил этилди. Т. ходимларининг комплекс равишда олиб борган ишлари туфайли безгак ва ришта каби касалликлар тугатилди. Бунда олимларимиздан Л.М. Исаев, А.А. Аскаров, Т.Х. Нажмиддинов, И.К,.Мусабоев, Г.Н. Терехов ва б.нинг ҳиссаси катта бўлди.

Ўзбекистон Сил и.т. институтида беморларни меҳнат билан даволаш усули ишлаб чиқилди (Ш.А. Алимов). Республика фтизиатрлари сил эпидемиологияси, клиникаси, даволаш ва олдини олиш масалаларини ёритиб

беришди. А.Н. Крюков, И.А. Кассирский, З.И. Умидова, М.С. Турсунхўжаева, Х.И. Янбаева ва б.нинг иштироки ҳамда раҳбарлигида Ўзбекистон иқлимининг юрактомир тизимига, организмдаги моддалар алмашинувига ва жигар хасталикларига таъсири ўрганилди. Иссиқ иқлимнинг организмнинг физиологик жараёнига таъсирини аниклашда Н.В. Данилов, А.Ю.Юнусов, А.С.Содиқов, А.Ҳ. Ҳошимов, З.Р. Юнусовлар катта и.т. ишлари олиб бордилар. Гастроэнтерология масалалари республика иклимига ва маҳаллий аҳолининг турмуш хусусиятлари ва иммун ҳолатига боғлаб ўрганилди, бу соҳада республикамиз олимлари А.А. Асқаров, Э.И. Отахонов, Н.И. Исмоилов, Э.Й. Қосимов ва б.нинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этди. К.А. Зуфаров раҳбарлигида меъдаичак йўлини электрон микроскопда ўрганиш ишлари олиб борилди ва бу соҳа бўйича ноёб атлас яратилди.

Буқоқнинг эпидемиологияси, клиникаси, давоси ва олдини олиш ғамда биокимёси соҳасида катта тадқиқотлар олиб борилди (С.А. Масумов, Ё.Ҳ. Тўрақулов ва б.). Кейинги вақтда назарий ва экспериментал Т.нинг асосий фанларидан бири — патологик физиология соҳасида, чунончи унинг овқат ҳазм қилиш органлари, моддалар алмашинуви патологияиси ва аллергология бўлимлари бўйича илмиямалий аҳамиятга эга бўлган бир қатор тадқиқотлар олиб борилди (Н.Ҳ. Абдуллаев, Ҳ.Ё. Каримов, М.М. Ҳақбердиев).

Иссиқ иқлим шароитида болаларда х,азм аъзолари касалликларининг турли жиҳатлари ўрганилди. Педиатрияда гемотерапия, юрак гликозидларини татбик, этиш ва болалар овқатланиши соҳасида тадқиқот ишлари олиб борилди (С.Ш. Шамшиев, С.Н. Йўлдошевavaб.).

Ўзбекистонда жарроҳия мактабининг ривожланишига С.А. Масумов, Ҳ.Ғ. Ғофуров, В.В. Воҳидов, Ў.О. Орипов, СМ. Аъзамхўжаев, М.А. Ашрапова, П.М. Нурмуҳамедов, Ш.И. Каримов ва б. катта ҳисса қўшишди. Умумий жарроҳия билан бир қаторда унинг тармоқдари: нейрожарроҳия, ортопедия ва травматология (Н.М. Шоматов, О.Ш. Шокиров, М.Ҳ. Қориев, Ш.Ш. Ҳамраев ва б.), урология (О.М. Мухторов ва б.), болалар жарроҳияси (К.Х.

Тоҳиров, А.С. Сулаймонов); болалар юқумли касалликлари (Ш.Ҳ. Хўжаев, О.С. Махмудов, Т.О. Даминов) бўйича ҳам ўтказилган илмий изланишлар яхши самаралар берди. Республикада оториноларингология фани Қ.Ж. Миразизов ва б. томонидан анча тараққий эттирилди. Кўз касалликларини аниклаш ва даволаш масалалари (М.К. Комилов), нафас органларининг профилактикаси, ташҳиси ва даво усулларига тааллукли янгиликлар қўлга киритилди (А. М. Убайдуллаев, Н. Ҳ. ПТомирзаев). Гематология ва қон қуйиш соқаларида камқонликларни барвақт аниклаш, самарали даволашда, компонент гемотерапияни жорий этиш буйича ҳам муҳим и.т. ишлари ўтказилди (Х.А. Ҳакимов, С.М. Бахромов ва б.). Нафас, ҳазм ва юрактомир системаси касалликларини рентгенологик метод билан аниқлаш масалалари ёритиб беридди (Ж.М. Абдурасулов, Ж.Н. Маҳсумов, А. Р. Мансуров, Ш. Мирғаниев). Нерв системасининг инфексион ва томир касалликларига оид тадқиқотлар ўтказидди (А.Р. Раҳимжонов, Х.Қ. Салоҳиддинов.Н.М. Мажидов). Психиатрлар пеллагра ва қутуриш касалликларида психиканинг бузилишини, шунингдек, психозларни даволаш масалаларини ўрганишди (Х. Олимов). Ревматизм ва подагра касалликларининг қай тарзда кечиши, буларнинг олдини олиш, даволаш (Р.А. Қорабоева, Т.С. Солиев) жорий этидди. Дерматовенерологларнинг самарали ишлари юмшоқ шанкрни тугатиш, захм, дерматомикозлар билан касалланишни камайтиришга имкон берди (А.А. Аковбян, У. М. Мираҳмедов, Р.А. Капкаев). Курортологлар маҳаллий курорт ресурсларини ўрганишди.

Республикамизда фармакология фанининг тезлик билан ривожланиши натижасида 40 дан зиёд янги дорилар яратилди ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этидди (И.К. Комилов, Ў.Б. Зокиров ва б.). Т.нинг асосий тармоқдаридан бири — ташқи муҳитни ўрганиш, аҳоли яшайдиган жойларни соғломлаштириш, санитариягигиена шароитини яхшилаш, шахсий ва овқатланиш гигиенаси соҳасида ҳам кўп ишлар қилинди ( АЗ. Зоҳидов, Ғ.М.Мақкамов, Б.Х. Маъзумов, Т.И. Искандеров).

**Петр Фокич Боровский**(1863 -1932) Черниговский губерниясида туғилган, жарроҳ ва паразитолог. 1887й. Петербургдаги харбий тиббиёт академиясини тугатган. 1892й бошлаб Тошкент харбий госпитилида ишлаган. 1898 й тери лейшманиёзи қўзгатувчисини тасвирлаган, протозойлигини аниклаган . Боровский - Узбек ССР соғлиқни сақлашни ташкилотчиларидан бири. 1920й. бошлаб профессор Туркистон университетида . В 1927г. –Мехнат кахрамони билан такдирланган. 5.12.1932 в Тошкентда вафот этган

**Алексей Павлович Фе́дченко** (1844-1873) рус олими, биолог, географ. флора, фауна, география ва этнография бўйича материал йиғган. Паразитология ва энтомология билан шуғулланган, ришта қўзгатувчисини аниклаган (Dracunculis medinensis). Машхур натуралист А.П. Федченко 25 ёшида вафот этган.



А. П. Фе́дченко



П.Ф. Боровский

**Алексей Дмитриевич Греков** (1873- 1957) 1897 й А. Д. Греков ХТА тугатган ва 1898 й Туркистонга хизматга келган. Грековнинг ишлари сарик-гемо глобулин зотилжам ва коматоз малярия корин тифи дизентерия олат куйдирги багишланган А. Д. Греков малака оширишга Санкт-Петербургга келди ,харбий-тиббиёт академиясига 1907 й докторлик диссертациясини химоя қилди 1911 А. Д. Греков Тошкентга хизматга ўтказилди бу ерда у катта ординатор бўлиб ишлайди. 1912й. у персиядаги ўлат эпидемиясини бостиришга мувқффақ бўлди. 1918 кузида Тошкентда биринчи тиббиёт билим юрти очилди, у ерда у ўқитувчи бўлиб ишлади. 1920 – 1933й. у ўзи ташкил қилган микробиология кафедраси мудири бўлди. Греков САГУ



микробиология кафедраси, кейинчалик ТошДавТИ ни бошқарган. П.П. Ситковски билан бирга у «Медицинская мысль Узбекистана» журналига асос солди. октябр 1922 й Тошкентда Туркистон врачларини биринчи илмий сьезди бўлиб ўтди унда Греков иштирок этди. У иштирокида Ўзбекистонда малярияга қарши дастур ишлаб чиқилди. 1924й А. Д. Греков Оқ-Қамишдаги ўлат эпидемияси билан шуғулланди., 10-15 ноябрда 1925 й Алексей Дмитриевич Бухородаги малярия бўйича йиғилишда иштирок этди. 1943 й Алексей Дмитриевич Греков Бактериологик институт



бошкарувлигини ташлаб бутунлай кафедра мудирлигига ўтди. А. Д. Греков 1957й. Тошкентда вафот этди.

**И. А. Кассирский** Фарғонада 4 апрел 1898 й тугилган. 1915й. гимназияни олтин медал билан тугаткан. 1888г. Томск

Университетига окишга киргшан 1921й.диплом олиб, Кассирский Тошкентга келади,у ерда Туркестан Университетига ординатор бўлиб ишга киради.У гематология, инфекцион патология, эндокринология, курортология, клиник физиология, кардиология, лаборатор диагностикага қизиққан. И.А.Кассирский топилмаси-суяк миясини ўрганишни у тавсия қилган игна оркали ўтказиш катта ахамиятга эга 1930й.И.А.Кассирский Тош Дав ТИ клиникасини тропик касалликларига доцентликка кабул килинди, 1931—профессор ва кафедра мудири. 1936й. Кассирский терапия кафедрасини мудири бўлган кейинчалик гематология кафедрасини 1941й. биринчи бўлиб тош ичига қон қуйиш усулини ишлаб чиққан. Консервирланган қон транспортировкасини (8000км масофагача) ишлаб чиққан. И.А.Кассирский Москвада 21 феврал1971й. вафот этган.

**Валентин Феликсович Войно - Ясенецкий**. Киев университетини тиббиёт факультетини тамомлаган, сонгра Чита харбий госпиталида жарроҳ бўлиб ишлаган. 1916й. Петербургда диссертация химоя килиб тиббиёт доктори унвонини олган. Март 1917й у Тошкент шахар шифохонаси бош шифокори болган. Кузда 1934й «Очерки гнойной жарроҳии» монографиясини чикарган. профессор Войно-Ясенецкий Тошкент шошилинч ёрдам институти бош жарроххонасини бошкарди.

**Компанцев Николай Николаевич** (21.07.1893– 3.03.1985)– профессор, фармаколог. 1954 й. бошлаб ЎзССРда хизмат кўрсатган илмий ходим ва шифокор. 1917г. физика- математика факультетини Петербург университетида тамомлаган, 1924й. эса Ўрта Осиё университетини тиббиёт факултетини . ТМИда Ассистент, доцент, кейинчалик фармакология кафедраси мудири( 1933 по 1969). Компанцев 1937 – 1938й декан санитария-гигиена факультетида проректор ТошДавТИ 1938-39 ва с1950 – 61й.. 12 кандидат 1 фан доктори тайёрлаган. «Ленин» ва «Трудового Красного Знамени» ордени, 2та медал «За доблестный труд в Великой Отечественной войне 1941 —1945 гг.» билан такдирланган

Шорохова Антонина Алексеевна (1871-1979) — профессор, биринчи врач акушер-гинеколог Тошкентда. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсаткан илмий ходим. «Ленин» ва «Трудового Красного Знамени» ордени, билан такдирланган . Тошкентда вафот этган.

**Вохидов Восит Вохидович**- (1917 — 1994) жаррох, олим, Ўзбекистонда махсуслаштирилган жаррохлик ёрдам кўрсатиш мактаби асосчиси, академик.

**Пашковский Ефим Владимирович**- (1925 — 1984) , педиатр профессорТМИ «Памятка для матерей по воспитанию ребенка на первом году жизни» ва «Нейротоксикоз у детей раннего возраста» китоблари муаллифи.



**Магрупов Асадулла Икрамович**(1910 — 1965) —тиббиёт фанлари доктори, профессор, хизмат корсатган илмий ходим ва шифокор. 1935 й. Ўрта Осиё тиббиёт институтини тамомлаган . Улар томонидан биринчи бўлиб джойлангарского энцефалита, полиомиелита, алиментарного токсикоза с энцефалитом (триходесмотоксикоза) патологик анатомияси ўрганиб чикилган-1950 - 1958 й.- СМИ патологик анатомия кафедраси мудири, 1954-1958 й. даволаш факултети декани . 1958-1965 й ТошДавТИ патологик анатомия кафедраси мудири, 1959-60 й. - проректор , 1961 1964 й. –даволаш факултети декани. Ўзбекистон республикаси паталогоанатомлари илмий кенгаши асосчиси.

**Башир Хикматуллаевич Магзумов** 1917 й.Тошкентда туғилган. 1941 .ТМИ тамомлаган. Сирдарё вилоятида кишлок шифохонасида бош шифокор бўлиб ишлаган, Тошкентдаги сил. диспансерда бош шифокор, Тошкент вакцина ва зардоблар Институтда санитария ва гигиена институтида директор бўлган. 1962 – 1966й Узб. Рес. Соғлиқни сақлаш вазирлиги вазири

Б.Х. Магзумов 26 фан номзоди ва 5 фан доктори тайёрлаган. 120 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган олим , 3 карра «Фахрий ёрлиқ» билан такдирланган. Тошкентда 15 октябр 199й вафот этди .

**Орипов Ўктам Орипович**— (1927 — 2001) – хизмат кўрсатган илмий ходим академик АН Узбекистана, Беруний давлат мукофоти сохиби Будапешт университети доктори. 1948 Самарканд давлат тиббиет институтини тамомлаган. 1964-1971 йй. – ССВни биринчи ўринбосари, 1971-1984 йй. - Тошкент Давлат Тиббиёти институти ректори. 460 илмий ишлар муаллифи.

**Капкаев, Радик Абдуллаевич**, ТТИ тамомлаган (1953). Килган ишлари тери таносил кафедраси билан боғлик. 1970 г. Р. А. Капкаев докторлик диссертациясини химоя килган 1973 й. кафедра профессори бўлди 1976 й. эса кафедра мудири. 1979 й. хизмат кўрсатган илмий ходим совринига эга бўлди.



**6.5. Ўзбекистонда олий тиббий таълим тизимининг ривожланиши**

Замонавий Ўзбекистон ҳудудида ўрта асрларда ҳам табибларни (олий маълумотли табибларни) тайёрлайдиган ўқув муассасалари бўлган. Бундан ташқари, мадрасаларда ҳам тиббиётни ўқитишган. Бу ўрта асрлардаги кўпгина шарқ университетлари мажбурий дастурига кирган. Шунинг учун, ким ўрта асрлар университетини тугатган бўлса, тиббиёт соҳасида билимга эга бўлган. Бундан ташқари, тиббий касбни агар ҳоҳиши, қизиқиши бўлса етарли малакага ва муваффақиятга эга бўлган табибларга шогирд бўлиш тартибида ҳам эгалласа бўлган. Аммо, Ўрта Осиёда бир неча асрлар давомида тиббиёт соҳасида билим ва амалиётдан дарс бериш даражаси ўрта асрлар даражасида қолди ва Оврopa ва янги Россия мамлакатларидан анча орқада қолди. XIX аср охири, XX аср

бошларида Туркистон ҳудудида инсонлар муҳтожлигини қондира оладиган ва даволаш-профилактик ва эпидемияга қарши ёрдам кўрсата оладиган врачлар ва тиббий таълим тизими умуман бўлмаган. Туркистон Автоном Республикаси, кейинчалик Ўзбекистон Республикасига овропа илмий тиббиёти асосларини биладиган махаллий аҳолидан врачлар тайёрлаш ва ўқитиш тизимини киритиш ҳаётдек зарур эди.

1919 йил Тошкентда Туркистон Давлат университети ташкил этилди ва унинг қошида 2 июлда тиббиёт факультетини тузиш қарор қилинди. Тиббиёт факультети декани қилиб профессор П.П. Ситковский, декан муовини қилиб - проф. Хрущев К.Г тайинланди. Улар ишни Москва ва Петербургдан ўқитувчи кадрлар, жихозлар, ўқув қўлланмалар ва адабиётлар йиғишдан бошлашди. Булардан ташқари ушбу жараёнда фаол иштирок этишди профессорлар А.Н Крюков, Бернадский, И.В. Давыдовский ва бошқалар. Бир вақтда Тошкент шаҳрида энтузиаст врачлар П.Ф. Боровский, Г.Н. Броверман, Л.В. Ошанин, В.Ф. Войно – Ясенецкий, А.Д. Греков, В.П. Добров, М.И. Слоним ва бошқалар биргаликда собиқ «Буфф» ресторани биносида оғир шароит гражданлар уруши ва камбағалликка қарамасдан дастлабки тиббий мактаб очилди. 1919 йил августидан бошлаб 150 ўқувчидан иборат 1 – курс асосий гуруҳ университет дастури бўйича муваффақиятли шуғуллана бошлади. 1920 йил февралида Москвадан профессор П.П. Ситковский бошчилигида жихозлар ва ўқитувчилар билан биринчи эшелон йўлга чиқди ва шу йилнинг апрелида Тошкентга келди. ТДУ тўғрисидаги декрет 1920 йил 7 сентябрда Тошкентда қабул қилинди. Бу ўзига хос турли хил ўқув муассасаларини бирлаштирувчи ўқув-илмий комплекс эди. Университет таркибида биринчи бўлиб математика, табиий-агрономия, инженер-техник, тарих-филология ва тиббий факултетлар очилди.

1920 йилда Тошкентда силга қарши дастлабки диспансер иш бошлади. 5 май 1920 йил №837 ҳукумат буйруғига мувофиқ собиқ кадет корпусида Полторацкий номидаги 500 ўринли катта касалхона барча жихозлари билан ТДУ тиббий факултетига берилган. Клиникалар 1921 йилдан 1926 йилгача бўлган даврда

қайта қурилди ва ўқув базасига мослаштирилди, 1922 йилгача факултетнинг хомашё техник базаси бир мунча мустаҳкамланди, бунинг учун Туркистон республикаси ҳукумати томонидан 65000 сўм олтин жихозлар ва адабиётлар сотиб олиш учун ажратилди. Москвадан медфакка келган профессор-ўқитувчилар таркибида таниқли олимлар: П. Ситковский (1222-1322) факултатив жаррохлик клиникасини ва кафедрасини бошқарган; Г.К. Хрущев – биринчи акушерлик ва гинекология кафедрасини бошқарган;А.Н. Крюков (1878-1952) факултатив терапия кафедрасини ташкил қилган; Н.С. Перешивкин (1873-1932) умумий жарроҳлик ва урология кафедрасини бошқарган;П.Ф. Боровский (1862-1932) госпитал жарроҳлик клиникасини ва кафедрасини бошқарган; М.И. Слоним (1875-1945) госпитал терапия кафедраси мудири қилиб тайинланган. Нормал анатомия кафедрасини ташкиллаштирган ва биринчи вақтда бошқарган П.П. Рождественский (1878-1922); М.А. Захарченко (1879-1953) – асаб касалликлари кафедрасини бошқарган; Ю.В. Каннабих (1872-1921) психиатрия кафедрасини мудири; В.Ф. Войно-Ясенецкий (1877-1961) топографик анатомия ва оператив жарроҳлик кақедраси мудири қилиб тайинланган; Н.Н. Клодницкий (1865-1929) юқумли касалликлар клиникаси ва кафедрасини бошқарган; В.Б. Васильевский – умумий патология кафедрасини бошқарган; А.А. Юдин – физиология кафедрасини, И.И. Маркелов – фармакология кафедрасини, А.Н. Устинов – болалар касалликлари кафедрасини.

Тиббий факултетда ассистент ва ўқитувчи бўлиб ишлаганлар М.С.Астров (факултатив жаррохлик), М.М. Невядомский (факултатив терапия), Г.С. Бом (акушерлик ва гинекология), С.Э. Циммерман и И.П. Рождественская (анатомия), О.Б. Лепешинская (гистология), С.А. Молчанов (рентгенология). Г.И. Ильин (оператив жарроҳия), Д.А. Введенский (патологик анатомия) С.Н. Наумов (органик кимё), М.И. Прозин (неорганик кимё), ва бошқалар. Кўпчилиги кейинчалик профессор ва кафедра мудири бўлганлар. Тиибй факултетда дарс бериш учун Туркистоннинг турли хил даволаш муасасаларида ишловчи врачлар ҳам жалб қилинган.

Туркистон университетининг тиббий факултети Ўрта Осиёнинг барча республикаларига врачлар тайёрлаган. Бир неча талабалар Тошкентга бошқа Россия шаҳарлардан ўтказиб келганлар. Астрахан, Самара ва Томск университетларидан бир қанча талабалар Тошкентга келган ва Туркистон университетига кирган. Махаллий аҳолидан врачлар тайёрлаш катта қийинчилик туғдирган, чунки машғулотлар рус тилида олиб борилган. Бундан ташқари ўрта маълумот йўқлиги сабабли кўпчилик талабалар олий ўқув муассасасида ўқий олмасди. Шунинг учун махаллий ёшлар учун ўрта ўқув муассасаси типидаги махсус ишчи факултет (рабфак) , билим юрти ташкиллаштирилди. 1920 йили университетда тайёрлов курси очилди ва эллик киши қабул қилинди. 1921 йилда курсни тугатгандан кейин университетга 12 киши кирди.

Шундай қилиб, 1921 йили Туркистон университети тиббий факултетини биринчи 20 та врач битирди. 1922 йилда уларнинг сони 27 кишини, 1923 йилда – 27 кишини, 1924 йилда – 41 кишини ташкил қилди. Жами 1924 йилгача 131 та врач тайёрланган. 1923-1924 ўқув йилларида тиббий факултетнинг биринчи ўзбек талабалари Акбар Асқаров, Юнусжон Ахмеджонов, Хабиб Иноятов, Миркомил Мирсагатов, Мирносир Исмаилов, Турсунходжа Наджимиддинов, Курбан Усманов, Шариф Рахимов, Зульфия Умидова и Аккогаз Душановалар эди. Ўқишни тугатгандан кейин кўпчилиги факултетда ишладилар ва биринчи ўзбек тиббий-олимлари бўлдилар, булардан: А.Аскаров, Н.И. Исмаилов ва Т. Наджимиддинов. Гистология кафедраси доценти ва кафедра мудири К.Усманов бўлди. Ю.Ахмеджонов микробиолог мутахасислигини танлади. М.Мирсагатов венерология билан шуҳулланди ва соғлиқни сақлаш ташкилотчиси бўлди. Хабиб Иноятов ва Шариф Рахимов амалий тиббиёт билан шуғулландилар.

Туркистонда тиббий факултетнинг ташкил этилиши малакали врач кадрларни тайёрлашда катта аҳамият касб этди ва ўлкада тиббий ёрдамни ташкиллаштиришда мухим рол ўйнади. Ўзбекистонда тиббий факултетнинг клиник базасида ўринлар сони жуда кўп эди. Бу ерда ихтисослаштирилган ёрдамнинг барча тури кўрсатилар эди. Бу ўша вақтда юқори малакали

мутахасислар ишлайдиган Ўрта Осиёда ягона тиббий муассаса бўлиб ҳисобланарди.

Тиббий факултет мутахасислари, нафақат республика аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишган балки, қўшни Эрон, Афғонистон ва Хитойга хам тиббий ёрдам кўрсатган. Улар кўпинча маслахат ва даволаш ёрдами кўрсатиш учун чекка вилоят ва туманларга чиқишган. Тиббий факултет профессор ва ўқитувчилари, кафедра ва клиникада педагогик ва даволаш ишларидан ташқари илмий фаолият билан хам шуғулланишган ва айнан улар томонидан биринчи марта Туркистонга характерли касалликлар баён қилинган. Пеллаграни 1920 йилда А. Смирнов аниқлаган ва ёзган., А.Н. Крюков – терапия клиникаси профессори 1921 й. описал спру, у 1922 й. Б.А. Смирнов билан – бруцеллезни таърифлаган, 1924 й. И.А. Кассирский билан биргаликда безгакни батафсил ўрганган. Профессор П.Ф. Боровский лешманиоз (пендинский язва) сабабини аниқлаган, О.Н. Павлова кала - азар ва гижжа инвазиясини аниқлаган. Ушбу ишлар билан Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидаги ўлка патологиясини илмий ўрганишга асос қўйилган ва кейинчалик ўнлаб бошқа институтлар ва олий ўқув муассасалари илмий ходимлари томонидан давом эттирилган. 1924 йилдан факултет кафедраларида талабаларнинг илмий тўгараклари ташкиллаштирила бошланган.

Тиббиёт факултети ходимлари Туркистон врачларининг Биринчи Съезди ишида фаол иштирок этишди (1922 й.). 1926 йилдан 1930 йилчача П.Ф Боровский, Н.И Рогоза, Г.П. Федоров сингари таниқли олимлар факултет декани бўлганлар. Ўқув ва илмий базалар кенгайтирилди ва мустаҳкамланди, клиник бўлимлар тамирланди, талабаларни қабул қилиш ошди.

1930 йилда тиббиёт факултетини Университет таркибидан ажратиш ва мустақил институтлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1930 йилда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Самақандда биринчи мустақил тиббиёт институти очилди. 1931 йилда Тошкент тиббиёт факултети Ўрта Осиё давлат

университетидан ажралиб, Соғлиқни сақлаш Халқ комиссариатига тегишли мустақил Ўрта Осиё тиббиёт институти ташкил қилинди. Интитутнинг биринчи директори қилиб тиббиёт факултетининг ижтимоий гигиена кафедрасини 1924 йилдан 1930 йилгача бошқараётган тиббиёт фанлари доктори, профессор Г.П.Фёдоров тайинланди. 1931 йилнинг охирида тиббиёт факултети декани бўлиб ишлаган Х.У. Умаров институт директори қилиб тайинланди. 1 январ 1932 й институтда 177 та ўқитувчилар, шулардан профессорлар 25та, доцентлар 26 та, ассистентлар 104 та, 1049 та талабалар ўқиган, булардан 316 таси Ўзбекистон халқи вакилилларини ташкил қилган. Институт таркибида 4 та факултет ташкил қилинган. 1932 йил институт ректори қилиб Б. Саттаров тайинланган, 1936 йилгача шу лавозимда ишлаган. 1935 йил Ўрта Осиё тиббиёт институти Тошкент Давлат Тиббиёт институти деб номланган (ТошДавТИ). Унинг таркибида қуйидаги факултетлар ташкиллаштирилган: даволаш-профилактик, санитар-профилактик (кейинчалик санитар – гигиеник), оналик ва болаликни муҳофазалаш ( кейинчалик педиатрия) ва стоматология, кейинчалик стоматология даволаш факултети таркибида курс қилинган. 1936 йилдан 1937 йилгача ТошДавТИ ректори лавозимида Э.Ю. Шурпе, В.Д. Штибен, У. Недрит ишлаганлар. 1937 йил институтда 1400 киши ўқиган. Олий муассасада кадрлар сонининг ортиши асосан Ўзбекистон халқининг ҳаёти ва яшаш шароити билан таниш бўлган ўзининг битирувчилари ҳисобига ортган, масалан профессорлар А.А.Аковбян (дермато венерология); А.А. Аскаров, Э.И.Атаханов, Г.А.Буссел, Н.И.Исмаилов, Г.Ф.Манкус, А.С.Мелик-Карамян, М.Ф.Мирочник, О.Н.Павлов, З.И.Умидов (терапия); Г.Л.Вайнштейн (акушерлик ва гинекология); Л.Д.Василенко ва С.М.Масумов (жарроҳия); Б.А.Стекольников (оператив жарроҳия); Р.С.Гершенович ва К.Г.Титов (педиатрия); И.А.Кассирского ва Т.Х.Нажмитдинов (тропик касалликлар); Н.Н. Компанцев(фармакология); С.М.Миленков (гистология), Л.И.Рейхштейн (ортопедия) С.И.Шумский (отоларингология), А.Ю.Юнусов (нормал физиология), А.И.Магрупов (патологик анатомия), Ш.И.Абрамов (рентгеноанатомия) ва бошқалар.

Ўша йилларда бошқа вузлардан келган ва янги педагогик кадрлар кўпайди: Ф.Н.Тавилдаров, Р.А.Черток, С.Г.Хаскин, А.А. Коган– акушерлик ва гинекология, С.Г.Боржим – отоларингология, И.В. Марковин – суд биохимияси, А.И.Картамышев - дермато венерология, С.В.Кофман - ортопедия, В.П.Петров – тропик касалликлар, С.М.Субботин ва А.Я. Карасев - ижтимоий гигиена, М.А.Петрова – овқатланиш гигиенаси, Л.Я.Шаргородский – асаб касалликлари, Ф.Ф.Детенгоф – психиатрия, М.Н.Ханин - патологик физиология ва бошқалар.

Институт ходимлари томонидан трахомани даволаш ва ташхислаш усулларини мукаммаллаштириш борасида катта илмий тадқиқот ишлар ўтказилди (Фельдман П.Б. ва Первухин Ф.С.1938 й.), ярали колитлар (проф. Кассирский И.А., Бурова Л.Ф., Чапурская-БоженоваН.А., Аскаров А.А., Нажмитдинов Т.Х., Расулев И.А., Аванесов Г.А.,1934), лейшманиоз (проф. Кассирский И.А., Терехов Г.Н., Петров В.П. 1939). 1932 йили профессор Кассирский томонидан суяк кўмигини пункция усули таклиф қилинди, пункция игнаси ҳозирги вақтгача кенг қўлланилмоқда.

1938 йил М.У.Мирсагатов институт ректори бўлди. Ўша вақтда ажратилган катта миқдордаги маблағлар институт клиник базасини кенгайтириш ва реконтрукция қилиш учун сарфланган. Экспериментал корпус, инфекцион, онкологик, протез-ортопедик клиникалар, тери-таносил, оториноларингологик, сил, ортопедик, асаб клиникалари ва рентгенорадиология кафедраси қайта қурилган. Талабалар учун ва профессор-ўқитувчилар янги турар жойлар, ошхона, клуб, дирекция учун корпус ва бошқалар қурилди. Янги қурилиш ҳисобига институт майдони икки баравар кенгайди. 1940 й институт ректори Б.И. Берлинер бўлди, 1941 йилда Р.И. Пўлатов тайинланди.

Улуғ ватан уруши йилларида институт ҳудудида эвакогоспиталь жойлаштирилди ва яна ўнлаб бошқа муассасалар, ўқув аудиториялари етишмасди, лаборатория ва кафедра учун ўқув жараёнини ташкиллаштириш муаммоси келиб чиқди. Бундан ташқари кўпгина профессор ва ўқитувчилар фронтга кетган эди

(Д.А.Введенский, Л.Д.Василенко, А.М.Геллер, Б.А. Стекольников ва бошқ.). Ҳатто бутун мамлакат учун шундай қийин даврда хам институтда машғулотлар ва илмий изланишлар тўхтамади. Масалан, профессорлар Н.И Ходукин, А.Л. Каценович, А.И Магрупов, Г.Н. Тереховлар билан биргаликда геморрагик лихорадка ва жойлангар энцефалити ўрганилди. Уруш йилларидаги қийинчиликларга қарамасдан институтда 2122 та врачлар тайёрланган. ТошДавТИ битирувчиларидан (1630 киши) фронтга кетишган, улар орасида М.А. Ашрапова, М.Ж. Мухаррамова, С.А Файзиев, К.А Ахмедов, М. Акмалов, У. Умарова, В. С Карпухина, Л. И. Васковская, Л. Е. Стругацкая, С. А.Далимов, Ф.Ф. Амиров, Д.Н Максумов, Н.А. Камбулин ва бошқалар бор эди.

Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ТошДавТИ битирувчилари: А.А. Айрапетовой, Р.Л. Аминова, А.Ю. Гулкорова, Г.Д. Мухтанова, В.М. Мажитова, Р.С. Орипова, Н.Г. Ращенко, 3.С. Ржевская, У.З. Умарова, У. Хикматхужаева ва бошқалар хотираси учун институтнинг эски ҳудуди марказида қизил гранитдан ёдгорлик ўрнатилган. 9 Май – Хотира куни ушбу жойда байрам тадбирлари ўтказилади ва гуллар қўйилади.

1944 йил Я. К. Муминов институт ректори қилиб тайинланади. Уруш йилларида институтнинг ўқув базаси анча талофат кўрди: кафедра ва клиника бинолари капитал таъмирлашни талаб қиларди, урушгача олинган жиҳозлар эскирган эди. Ўша даврда киритилган 6 йиллик ўқитиш жараёни институт ходимларидан анча мехнатни ва янги ўқув дастурлари тузишни талаб қилар эди. 1945 йил институтни Х.З. Зохидов бошқарган, ва унинг бевосита иштирокида 1945 йилнинг иккинчи ярмидан институт махсус жихозлар, юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар билан таъминланди, канализация, иситиш тизими тузатилди, водопровод, клиника ва кафедралар тамирланди.

Биринчи урушдан кейинги 1945 – 1946 ўқув йили бирвақтда 3 та факултетда, 5 та курсда бошланди. Биринчи курсга 600та талаба қабул қилинган, хаммаси бўлиб 2752 кишини ташкил этарди. Ўша йили талабалар илмий жамияти ишини тиклашди.

Институтда ўқитиш ўзбек ва рус тилларда олиб бориларди. 1947 й институт

ректори қилиб Я.Х Туракулов тайинланган. 1950 й ТошДавТИ ректори қилиб А. Г Ғуломов тайинланган ва 15 йил рахбарлик қилган. 1953 й талабалар контингенти институтда 3158 киши ташкил этарди. Шулардан 1945 йил махаллий талабалар сони 404 тани ташкил этган бўлса, 1953 йилда 1693 тани ташкил этди. 1954 йилда Республикага юқори малакали стоматолог мутахасислар зарурлиги учун, мустақил стоматология факултети тикланди.

60 – йилларнинг институтда ишлайдиган профессор-ўқитувчилар таркибида 57 та тиббиёт фанлари доктори, 18 та республикада хизмат кўрсатган фан арбоблари, 13 та хизмат кўрсатган врачлар, 2 та Ўзбекистон ФА аъзоси (А.А. Аскаров ва Н.И. Исмаилов) 2 та АМН СССР аъзоси (З.И.Умидова ва Э.И. Атаханов). 57 та профессордан — 22таси ўзбеклардан бўлган. Ўша йилларда халқаро жамиятда ОЎЮ авторитети ошганлиги сабабли, 1962 йилдан институтда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидан хам талабалар келиб ўқий бошлашди.Ўша вақтда институтнинг материал-техник базаси анча кенгайди, экспериментал корпус биологик кимё, физикоколлоид кимё, фармакология, нормал ва патологик физиология, маъруза заллари тўлиқ реконструкция қилинди. 1965 йил сентябрида академик К.А. Зуфаров институт ректори қилиб тайинланади ва клиник базаларни факултетлар принципи бўйича қўллаш таклиф қилинади. Барча кафедралар янги ўқув жихозлари ва аппаратлар, жадваллар, муляжлар, кинофильмлар, диафильмлар, ўқув – услубий адабиётлар таъминланади, дастур бўйича ўқитиш элементлари киритилади. Ўша даврда янги замонавий морфологик корпус биноси, ректорат янги биноси, марказий илмий-тадқиқот ва муаммоли биофизик лаборатория очилди ва ишга туширилди. 1968 йилдан врачларни субординатура тизими, 1969 йилдан – интернатура тизими , кадрларни стажировкадан кейин ишга олиш киритилди.

60 йилларда ОЎЮ ходимларининг илмий тадқиқот ишлари физиология ва юрак қон томир тизими, овқат хазм қилиш тизими, Ўзбекистондаги асосий юқумли касалликлар, аёллар ва болалар саломатлигини мухофазалаш, ахоли гигиенаси, кўкрак жаррохлиги, анестезиология ва нейрожарроҳия муаммоларини ечишга қаратилган. Гастроэнтерология муаммолари бўйича кўпгина тадқиқотлар

ўтказилган. Биринчи марта бу тадқиқотлар комплекс физиологлар иштирокида ўтказилган (проф. А С Содиков), анатомлар (проф. Р.И. Худайбердиев, Ф.Ф.Амиров, С.А.Далимов, Х.З. Захидов), иммунолог (проф. А.И. Николаев), клиницистлар (проф. А. А. Аскаров, Н.И. Исмаилов, М. С.Турсунходжаева, К. Б. Бахадыров, А. Х. Ходжаев, М.П. Постолов, Л.Д. Василенко, М.А. Ашрапова, С.М. Агзамходжаев).

1971 йил ТошДавТИ ректори республика ФА аъзоси профессор У.А. Арипов тайинланди, 1984 йилгача шу лавозимда ишлади. Ушбу йилларда барча факултетларга талабаларни қабул қилиш анча кенгайтирилган эди (даволаш, педиатрия, санитар-гигиеник ва стоматологик факультетлар) ва 1972 – 1973 ўқув йилида институтда ўн мингдан ортиқ талаба ўқиган. Бу Республикада соғлиқни сақлаш кучини экстенсив ошириш сиёсати билан боғлиқ эди.

1972 йилдан шахарнинг Собир Рахимов туманидан янги институт комплекси қурила бошлади ва бу иккинчи ТошДавТИ базаси бўлди. Шу ердан ходимлар учун турар жойлар ва талабалар учун талабалар уйи қурилди.

1975 йил ТошДавТида иккинчи даволаш факултети очилди, биринчи курсга 1500 та талаба қабул қилинди. Саксонинчи йилларнинг охирига келиб чет эллик талабалар сони 170 тани ташкил қиларди, бу 1961 йилдагидан етти марта кўп эди.

Саксонинчи йилларнинг охирида ТошДавТИнинг профессор – ўқитувчилар сони 1042 та ходимдан иборат, шулардан олтита академик Ўзбекистон Фанлар Академияси ва Совет Иттифоқи тиббиёт фанлар академияси аъзолари (У.А. Арипов, В.В.Вохидов, К.А. Зуфаров, Р.А Каценович, Д.Н. Максумов, А.А. Абидов). 24 та республика фан арбоблари, 8 та хизмат кўрсатган врачлар, 90 та тиббиёт фанлари доктори, профессорлар, 207 та фан номзоди , доцентлар фаолият олиб борганлар. . Институт 3200 ўринли клиникаларга эга эди. Булардан ташқари республика шахар шифохоналари базасида умумий 7 минг ўрин фондига эга туғруқхоналар ва диспансерлар бўлган. Баъзи кафедралар ихтисослаштирилган илмий тадқиқот институтлари билан бирлаштирилган: госпитал жаррохлик кафедраси — АМН СССР Жаррохлик илмий марказининг Тошкент филиали билан, онкология кафедраси рентгенология институти билан, , радиология ва онкология;

госпитал терапия кафедраси — кардиология институти билан; коммунал гигиена кафедраси — санитария, гигиена ва касб касалликлар институти билан; ортопедия ва травматология кафедраси — ЎзР ССВ ортопедия ва травматология институти билан 1984 й ТошДавТИ ректори қилиб профессор О.С. Махмудов, 1987 йил эса демократик сайловлар асосида проф. Н.Х. Шомирзаев ректор қилиб сайланган..

Саксонинчи ва тўқсонинчи йиллар даврида институтнинг халқаро алоқалари анча кенгайди. З. Семмельвейса номидаги Будапешт (Венгрия) тиббиёт университети, Лейпцигс тиббиёт университети (Германия) , Пловдив тиббиёт институти (Болгария), Гдань тиббиёт академияси (Польша) каби тиббий таълим муассасалари билан шартномалар тузилган. Халқаро алоқалари бўйича проректор лавозими киритилди. Бу лавозимда проф. У.К.Вахабова, кейин проф. Х.Я. Каримов, кейин т.ф.д. А.И. Ходжаев ишлаганлар. Ходимлар сонининг ва минглаб талабалар отряди, Тошкент шаҳрининг даволаш муассасаларида жойлашган ўқув ва илмий базаларнинг ошиши бошқариш жараёнини рекострукция қилишни талаб қилди, ва 1990 йил республика ҳукумати ТошДавТИни ажратиш биринчи ва иккинчи институт қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бўлингандан кейин Биринчи Тошкент Тиббиёт институти ректори қилиб, илгари педиатрия ИТИ тида ишлаган ва бошқарган профессор Даминов Т.А. тайинланди. Уларнинг раҳбарлигида иккита факултет даволаш ва стоматология факултети ишлади. Иккинчи Тошкент Тиббиёт институти ректори қилиб таниқли олим, тиббиёт фанлари доктори патологик физиология кафедраси профессори Х.Я. Каримов. Тайинланди. Институт таркибига иккита даволаш ва санитар-гигиена факултетлари киритилди..

1991 йил Ўзбекистон халқи ҳаётида тарихий воқеа 31 августда давлат мустақиллиги ҳақида декларация қабул қилинди. Ўзбекистон сиёсий ва ижтимоий ҳаётида чуқур ўзгаришлар бошланди.. Ёш мустақил республикада соғлиқни сақлашнинг янги миллий моделини яратишда биринчи қадамлар ташланди. Соғлиқни сақлашда экстенсив ривожланиш усулидан, аҳолига тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш ва интенсификациялашга асосланган интенсив ривожланишга ўтилди. Иккила институт хам Марказий Осиёда

етакчи илмий ва ўқув марказига айланди. Шу даврларда Президент И.А. Каримов инициативаси билан “Таълим тўғрисида”, “Фуқаролар саломатлигини мухофаза қилиш” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисида қонун қабул қилинди ва ўрта ва олий тиббий таълим тизимида ўзгаришлар олиб борилди. Айнан ўша вақтдан бошлаб ўқитиш сифатини яхшилаш учун гуруҳларда талабалар сони қисқартирилди. Биринчи курсга талабаларни қабул қилиш ва абитуриентлар тайёрлашга хам юқори талаблар қўйилди. Талабаларнинг бир қисми, клиник ординаторлар ва аспирантлар шартнома асосида ўқий бошлашди. Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими киритилди, амалий дарсларда ва машғулотларда янги ўқув технологиялари, электрон дарсликлармаъруза ва ўқув қўлланмалар, дискуссиялар, интерфаол ўқитиш усуллари ва бошқа кўпгина усуллар киритилди ва кенг қўлланилмоқда.. Институт таркибида замонавий компьютерлар билан жиҳозлаган тест маркази очилди.

Республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни такомиллаштириш тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағни етказиб бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамасини 1997 йил 2 декабрда “Даволаш профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Қарорлар ҳукумат томонидан ажратилган маблағдан ташқари ҳар хил хайрия жамиятлари, чет эл инвестициялари ва тижорат муассасаларининг сармояларидан фойдаланиш, унда даволаш учун сарфланадиган маблағларнинг бир қисмини беморларнинг ўз зиммаларига юклаш хам кўзда тутилган.

1998 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги давлат дастури ” №УП – 2107 фармони эълон қилинди. Ислохатнинг мақсади мамлакатда ахоли саломатлигини саклаш ва яхшилашни таъминловчи согликни саклаш тизимини яратиш, хамда соғлом авлодни тарбиялаш шароитларини яратишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

қўйилган вазифаларга мувофиқ тиббий кадрлар тайёрлаш ҳам ўзгарди. Институт жамоаси олдига талабалар фаоллигини ошириш, врач мутахасислар тайёрлаш сифатини яхшилаш учун, ташкилий, ўқув, илмий ва даволаш ишларни келгусида мукаммаллаштириш асосий вазифа қилиб қўйилди.

1998 йилдан институт соғлиқни сақлашнинг бирламчи звеноси муассасаларини янги формациядаги юқори малакали тиббий кадрлар билан татаъминлаш учун , умумий амалиёт шифокори тайёрлаш тизимига ўтказилди. 1998 йилда тиббий ўқув муассасалари учун юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш учун Биринчи Тош МИ базасида тиббий-педагогика факултети очилди, 1999 йилда эса олий маълумотли хамшира тайёрлаш факултети очилди.

“Таълим тўғрисидаги ” қонунга мувофиқ ОЎЮларида узлуксиз таълим тамойилига асосан икки поғонали таълим: биринчи даража олий тиббий таълим – бакалавр, иккинчи даража – 2-3 йил давомида магистратурада ҳар бир мутахасислик бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш кўзланган. 2000 йилда юқори малакали врачлар тайёрлаш учун магистратура очилди.

Ўқув жараёнига давлат тили ўзбек тилида ўқитиш кенг жорий этилди, шунинг учун барча фанлар бўйича дастурлар ва ўқув – услубий қўлланмалар, янги дарсликлар ўзбек тилида чоп этилди. Шу йилларда институт кутубхонаси ва ўқув заллари фонди Колорадо штати (АҚШ) университети 15900 том, Осиё маданияти ва ривожланиш марказидан (Жанубий Корея) 5500 том тақдим этди шу ҳисобга бирмунча тўлди. 1991—2005 йй даврларда институтнинг материал-техник базаси . анча яхшиланди: янги замонавий аппаратлар (ядерно-магнит резонатор, ультратовушли ташхис воситалари, лаборатор жихозлар) олинди. Ўқитувчиларнинг ва шифокорларнинг малакаси ощди.

